

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК: 612.35:612.343:615.35:616-092.11:616.36-002.2

**ЖУРАЕВА МОХИГУЛ АЗИМЖАНОВНА**

**ТУРЛИ ЭТИОЛОГИЯЛИ ГЕПАТИТЛАРДА ҚИСҚА ХАЛКАЛИ  
ПЕПТИДЛАР УТИЛИЗАЦИЯСИНИНГ БУЗИЛИШИГА БОҒЛИҚ  
ХОЛДА ОШКОЗОН ИЧАК ТРАКТИ ПАТОЛОГИЯСИНИ ДАВОЛАШ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология  
14.00.05 – Ички касалликлар

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ

**Илмий раҳбар:** т.ф.д., профессор Алейник В.А.

ТОШКЕНТ– 2020

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>5</b>
<b>I БОБ. ЖИГАР ФИЗИОЛОГИЯСИ ВА ПАТОЛОГИЯСИ ШАРОИТИДА МЕЪДА ВА МЕЪДА ОСТИ БЕЗЛАРИ СЕКРЕТОР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ.....</b>	<b>17</b>
§1.1.Меъда ва меъда ости безлари секретор фаолиятининг физиология ва патологиясида протеолитик гидролазнинг бошқарувчанлик ўрни..	17
§1.2.Протеолитик гидролазанинг бошқарув фаолият механизмлари.....	27
§1.3.Протеолитик гидролазлар фаоллигини бошқаришда протеазаларнинг ингибиторлари.....	34
§1.4.Бошқарувчи пептидлар фаолияти механизларида протеолитик гидролазларнинг ўрни.....	41
§1.5.Жигарнинг сурункали касалликларида меъда-ичак тизими дисфункцияси, бунда бошқарувчи пептидлар, протеолитик гидролазлар ва протеаза ингибиторларининг ўрни.....	53
<b>II БОБ. ТАЖРИБА ВА КЛИНИК МАТЕРИАЛНИНГ ТАВСИФИ ХАМДА ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ.....</b>	<b>62</b>
§2.1Экспериментал материаллар.....	62
§2.2.Клиник материал.....	67
§2.3.Тажриба тадқиқот усуллари.....	68
§2.4.Клиник тадқиқот усуллари.....	69
§2.5.Статистик усуллар.....	70
<b>III БОБ. МЕЪДА ВА МЕЪДА ОСТИ БЕЗЛАРИДА ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИГА ЖИГАРНИ МОДИФИКАЦИЯЛОВЧИ ТАЪСИРИ.....</b>	<b>72</b>
§3.1 Меъда ва меъда ости безлари секретор фаолиятига қисқа занжирли ва узун занжирли пептидларнинг модификацияловчи таъсири.....	74
3.1.1 Меъда безларининг секретор фаолиятига пентагастрин ва	74

гастрин-17 нинг таъсири.....	
3.1.2 Меъда ости беzi секретор функциясига ХЦК-8 ва ХЦК-33 нинг таъсири.....	78
§3.2 Пентагастриннинг қисқа занжирли пептидлари ва ХЦК-8 ни жигар томонидан утилизация қилишдаги ўзгаришларга трипсинни модификацияловчи таъсири.....	81
3.2.1 Пентгастринни жигар томонидан утилизация қилишдаги ўзгаришларга трипсинни таъсири.....	81
3.2.2 Жигар томонидан ХЦК-8 утилизация қилишдаги ўзгаришларга трипсинни таъсири.....	85
§3.3 Жигар томонидан қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишга контрикалнинг таъсири.....	90
3.3.1 Жигар томонидан пентагастринни утилизация қилишдаги ўзгаришларга контрикалнинг таъсири.....	90
3.3.2 Жигар томонидан ХЦК-8 ни утилизация қилишга контрикалнинг таъсири.....	95
§3.4 Жигар томонидан пентагастрин ва ХЦК-8 ни утилизация қилишга трипсин ва гексапептид-SLIGRL таъсирини қиёсий баҳолаш.	99
3.4.1 Жигарда пентагастринни утилизация қилишдаги ўзгаришларга гексапептид-SLIGRL ва трипсинни таъсири.....	99
3.4.2 Жигар томонидан ХЦК-8 ни утилизация қилишга трипсин ва гексапептид-SLIGRL ни таъсири.....	104
§3.5 Тўрт хлорли углерод билан ўткир ости заҳарланишда жигар томонидан ХЦК-8 ва гастрин -17 утилизация қилишни ўзгаришларига контрикал ва гепаринни таъсири.....	108
<b>IV БОБ. СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА МЕЪДА ВА МЕЪДА ОСТИ БЕZI ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ ГИДРОЛАЗЛАРИ, ХЦК-8, ГАСТРИНА-17 КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЖИГАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎЗИГА</b>	<b>118</b>

<b>ХОСЛИКЛАРИ.....</b>	
§4.1 Сурункали гепатит билан беморларда меъда ва меъда ости бе­зи овқат ҳазм қилиш гидролазлари ХЦК-8 ва гастрин-17, шунингдек жигарнинг таъсирини ўзига хосликлари.....	118
4.1.1. Сурункали В гепатит билан беморларда меъда ости бе­зи ва меъданинг овқат ҳазм қилиш гидролазлари, ХЦК-8 ва гастрин-17 да жигар кўрсаткичларини ўзгаришлари.....	120
4.1.2. Сурункали С гепатит билан беморларда меъда ости бе­зи ва меъданинг овқат ҳазм қилиш гидролазлари, шунингдек ХЦК-8 ва гастрин-17 да жигар кўрсаткичларининг ўзига хосликлари.....	125
4.1.3. Сурункали алкогольли гепатит билан беморларда жигар, ХЦК-8 ва гастрин-17, меъда ва меъда ости безининг овқат ҳазм қилиш гидролазларининг кўрсаткичларини ўзгаришлари.....	131
4.1.4. Сурункали аутоиммун гепатит билан беморларда жигар, ХЦК-8 ва гастрин-17, меъда ва меъда ости безининг овқат ҳазм қилиш гидролазларининг кўрсаткичларини ўзгаришлари.....	134
4.1.5. Вирусли В ва С гепатит билан беморларда контрикал ва гепаринни биргаликда қўллаш самаралари.....	139
<b>ХОТИМА.....</b>	149
<b>ХУЛОСАЛАР.....</b>	164
<b>АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР.....</b>	167
<b>ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	168

## КИРИШ

Жигар касалликлари тарқалиши бўйича биринчи ўринлардан бирини эгаллайди ва ҳозирги кунда жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларидаги ўлим сабабининг сон бўйича бешинчи ўринда бўлиб ҳисобланади. Жигарнинг сурункали касалликлари билан касалланишни ўсишини юрак қон томир патологиялари «эпидемия»сидан сўнг «асримизнинг иккинчи эпидемияси» номини олди.

Сурункали вирусли гепатитни кечиши жигарнинг барча сурункали касалликлари каби белгиларнинг узок вақт мавжуд бўлмаслиги билан тавсифланади. Узок йиллар давомида бемор ўзини мутлоқ соғлом хис этиши ёки фақат юқори даражадаги чарчоқни қайд этиши мумкин.

Сўнгги икки ўн йилликда «В» ва «С» гепатит вирусларини юқтиришни олдини олиш бўйича кенг қамровли тадбирлар ўтказилмоқда. Буларнинг барчаси ўткир гепатит билан касалланишни камайтиришга имкон берди, аммо уни бутунлай бартараф этмади. Касалликнинг юқори даражада сақланишининг сабаби бўлиб, тери қопламасининг шикастлаиши билан боғлиқ бўлган турли нотиббий муолажаларни бажаришда ностерил воситаларни қўллаш (пирсинг, татуировка, маникюр/педикюр), В гепатитга қарши профилактик эмлашдан бош тортиш каби сабаблар бўлиб ҳисобланади.

Агар ўткир вирусли гепатитлар билан касалланиш пасайса, у холда сурункали вирусли гепатит ва жигар циррози билан хасталанган беморлар сони ишониб бўлмас даражада тез ўсади. Бу 90-йилларда наркоманияни тарқалишини энг юқори даражага кўтарилиши, 1990 йилгача вирусли гепатит «С» га донорлик қонини тестдан ўтказишнинг мавжуд бўлмаганлиги сабабдир, чунки бу вирус фақат 1989 йилда биринчи марта идентификация қилинган. Жигар циррози вирусли гепатит билан зарарлангандан кейин ўртача 20-30 йил ўтиб ривожланишини ҳисобга олсак, ҳозир инфекцияни жигар циррози босқичида аниқланишининг энг юқори чўққиси кузатилади.

Турли тиббий воситаларни назоратсиз қўлланилиши билан боғлиқ холда жигарни дори воситаларига боғлиқ бўлган турли сурункали касалликларини ривожланиши кўпайди. Жигарнинг бошқа шикастланишлари (аутоиммун, генетик боғлиқ бўлган) сезиларли даражада кам учрайди.

Бизнинг мамлакатимизда Соғлиқни Сақлаш тизимини жаҳон андозаларига мос бўлган ривожлантириш ва соматик касалликларни пасайтириш бўйича сезиларли натижаларга эришилмоқда, фундаментал ва амалий тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини келгусида ривожлантиришнинг Ҳаракатлар Стратегиясида «...беморларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бирламчи тиббий ёрдам муассасаларини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш...» бўйича вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни хал этишда турли этиологияли гепатитларда меъда-ичак тизими фаолиятларини бузилиш механизмларини ва уларни коррекция қилишни ўрганишга қаратилган фундаментал ва амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур тадқиқот иши маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февридаги ПҚ – 4947 “Ўзбекистон Республикасини келгусида ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”, ПФ-3071- “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни келгусида ривожлантириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 20 июнидаги фармони ҳамда мазкур йўналишга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устивор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммони ўрганилиш даражаси.** Турли этиологияли гепатитларда меъда –ичак функцияси бузилишларини ўрганиш механизмларига бағишланган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юрларида ўтказилмоқда, улар Department of Gastroenterology, Hepatology and Endocrinology, Charité-Universitätmedizin Berlin, Berlin, (Germany); King's College Hospital NHS Foundation Trust, London, (United Kingdom); Department of Pharmacology, KV Institute of Pharmaceutical Education and Research, Gandhinagar, Gujarat, (India); Department of Medicine, University of California San Diego (USA); Gastroenterology Laboratory, Department of Biomedical Sciences, College of Veterinary Medicine, Tuskegee University, Tuskegee, Alabama, (USA); Clinical Center of Vojvodina, Clinic of Gastroenterology and Hepatology, NoviSad (Serbia); Miyanomori Clinic, Fukushima, (Japan); Netherland Organization for Applied Scientific Research (Netherlands); Department of Biochemistry, Molecular Biology and Biophysics, University of Minnesota-Twin, (USA); Institute for Nutritional Sciences and Health, National Research Council Canada ;Department of Gastroenterology Akita University School of Medicine Akita (Japan); Москвадаги ихтисослаштирилган гепатологик илмий маркази; А.С.Логинов номидаги Москва клиник илмий марказининг гепатология илмий текшириш бўлими; Москва овқатланиш ва биотехнология ФИЦ клиникасининг гастроэнтрология ва гепатология бўлими; Санкт-Петербургдаги И.И.Мечников номидаги СЗГМУ гепатология маркази; Москва Гастроэнтрология илмий тадқиқот институти (ГИТИМ); Ставропол давлат тиббиёт академияси; Россия Федерацияси Президенти Бошқарув ишлари «Ўқув-илмий тиббий маркази»; Андижон давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон) жумладан шулар қаторига киради.

Ҳозирги вақтда жигар циррози билан хасталанган беморларда қисқа занжирли пептидлар даражасини ортиши (King's College Hospital NHS Foundation Trust, London, United Kingdom), жигар циррози ва сурункали гепатитларда меъда –ичак тизими моторикасининг бузилиши ва унинг кдиник аҳамияти (Department of Pharmacology, KV Institute of Pharmaceutica

Education and Research, Gandhinagar, Gujarat, India), жигар фиброзини даволашни потенциал усуллари ва механизмларини ўрганиш (Department of Gastroenterology, Hepatology and Endocrinology, Charité-Universitätsmedizin Berlin, Berlin, Germany), овқат истеъмол қилиш устидан назоратда ХЦК-8 нинг аҳамиятини ўрганиш (Gastroenterology Laboratory, Department of Biomedical Sciences, College of Veterinary Medicine, Tuskegee University, USA), А.С.Логинов номидаги Москва клиник илмий марказининг гепатология илмий-тадқиқот бўлимида жигар циррози ва сурункали гепатитларда меъда-ичак тизими функцияларини бузилишини олдини олиш ва даволаш усуллари ўрганиш, Ставропол давлат тиббиёт академиясида В ва С вирусли гепатитлар билан хасталанган беморларда меъда ости безининг ташқи секретор фаолиятини баҳолаш, Россия Федерацияси Президенти Бошқарув ишлари «Ўқув-Илмий Тиббий Маркази»да жигарнинг сурункали вирусли касалликларида меъда ости бези дисфаолиятини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда сўнгги йигирма йилликда академик Т.О.Даминов, профессорлар Х.Я.Каримовлар бошчилигида атроф-муҳит омиллари таъсирида гепатоцитларнинг мослашувчанлигини шаклланишига қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ўзбек аҳолисида сурункали HCV-инфекцияси патогенезининг молекуляр-генетик жиҳатларини баҳолаш (С.Б.Азимова, 2017); жигар яллиғланиши патогенезида нитрергик ва монооксигеназа тизимини ўзаро функционал боғлиқлиги исботланган (С.А.Сайфуллаева, 2018); бироқ, турли этиологияли гепатитларда қисқа халқали пептидлар утилизациясининг бузилишига боғлиқ ҳолда ошқозон ичак тракти патологиясини даволаш тартиби ўрганилмаган.

Илгари итларда ўтказилган тажрибаларда аниқландики, панкреатик ажралма ва алоҳида трипсинни қисқа занжирли пептидлар билан портал вена ичи юборилганда ошқозон фермент ажратиш фаоллиги пентагастрин таъсирида ва меъда ости бези секрецияси ХЦК-8 таъсирида ортади. Бир вақтнинг ўзида трипсин ва қисқа занжирли пептидлар билан биргаликда



протеаза ингибиторлари контрикал ва гепарин қўлланилиши, ошқозон фермент ажратиш фаолиятини пентагастрин таъсирида ва ошқозон ости беzi ХЦК-8 таъсирида пасайтиради

**Диссертацион тадқиқот ишини диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан алоқаси.**

Диссертация иши Андижон Давлат тиббиёт институтининг Ф-037 рақамли «Ошқозон ҳазм қилиш безлари фаолиятини бузилиш механизмларида жигардаги протеаза ва протеаза фаоллаштирувчи рецепторлар ўрнини ўрганиш» мавзусидаги фундаментал грант лойиҳаси доирасида бажарилган (2014-2018 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** юқумли ва юқумли бўлмаган гепатитларда ошқозон ичак тракти патологиясида қисқа халқали пептидлар иштирокини ва даволаш усулларини такомиллаштиришдан иборат

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тажриба ҳайвонларида қисқа занжирли пентагастрин ва холецистокинининг (ХЦК-8), ҳамда узун занжирли гастрин-17 ва ХЦК-33 пептидларнинг жигарда утилизация даражасига нисбатан меъда ва меъда ости беzi секретор фаолияти ўзгаришларини баҳолаш;

тажрибада қисқа занжирли пентагастрин ва холецистокинин (ХЦК-8) пептидларнинг жигарда утилизацияси даражасига протеаза трипсин ҳамда унинг ингибиторлари гепарин ва контрикалнинг меъда ва меъда ости беzi секретор фаолиятини ўзгариши бўйича таъсирини баҳолаш;

протеаза ингибиторлари контрикал ва гепариннинг тўрт хлорли углерод (CCl<sub>4</sub>) томонидан чақирилган ўткир ости токсик гепатит моделида меъда ва меъда ости безининг турли функционал фаолияти ўзгаришларида ҳамда жигардан қисқа занжир пептидлар холецистокинин (ХЦК-8) утилизацияси даражасига каламушларда ўтказиладиган тажрибаларда таъсирини таҳлил этиш;

синтетик паст молекуляр протеаза ингибиторлари нафамостат ва холецистокинин (ХЦК-1) рецептори антагонистининг –локсиглумид тўрт хлорли углерод (ССL<sub>4</sub>) томонидан чақирилган ўткир ости токсик гепатитда меъда ва меъда ости безининг турли функционал фаолияти ўзгаришлари ҳамда жигарнинг қисқа занжир пептидлар холецистокинин (ХЦК-8) утилизацияси даражасига таъсирини каламушларда ўтказиладиган тажрибаларда баҳолаш;

юқумли гепатит қайд этилган беморларда қон зардобиди меъда функционал фаолиятини ифодаловчи пепсиноген таркибини, меъда ости беши функционал фаолиятини ифодаловчи панкреатик амилаза, липазани, шунингдек, жигарнинг утилизация қилишдаги ўзгариш даражасини ифодаловчи қисқа занжир пептидлар холецистокинин (ХЦК-8) ўзгаришининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

юқумли бўлмаган гепатитли беморларда қон зардобиди меъда функционал фаолиятини ифодаловчи пепсиноген, меъда ости беши функционал фаолиятини панкреатик амилаза, липазани, шунингдек, жигарнинг утилизация қилишдаги ўзгариш даражасини ифодаловчи қисқа занжир пептидлар холецистокинин (ХЦК-8) ўзгаришининг ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;

юқумли гепатитда меъда функционал фаолиятини ифодаловчи пепсиноген таркибини, меъда ости беши функционал фаолиятини ифодаловчи панкреатик амилаза, липазани, шунингдек, жигарнинг утилизация қилишдаги ўзгариш даражасини ифодаловчи қисқа занжир пептидлар холецистокинин (ХЦК-8) ўзгаришларига контрикал протеаза ингибиторлари ва гепариннинг терапевтик қўлланилиш таъсирини баҳолаш;

юқумли ва юқумли бўлмаган сурункали гепатитларда меъда ва меъда ости беши фаолиятининг бузилишида қисқа занжирли пептидлар иштирокининг концептуал патогенетик тизимини ишлаб чиқиш, шунингдек, гепатитларни даволашда холецистокинин-1 рецепторлари антагонисти-

локсиглумид ва протеаза ингибиторлари нафамостат, гепарин, контрикал таъсир механизмларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида 2014-2018 йилларда Андижон давлат тиббиёт институтининг вивариум шароитида бўлган тана вазни 180-210 грамм бўлган 274 та оқ насли эркак каламушлар, шунингдек, 20 дан 70 ёшгача бўлган 188 нафар эркак ва аёл беморлар олинган

**Тадқиқот предмети:** : беморларда қонда-Anti-HCV total, Anti-HCV core IgG, Anti-HCV coreIgM, Anti- HCV NS3, Anti- HCV NS4, Anti- HCV NS5; HBV инфекцияси учун: HBs-антигени, HBe – антигени, анти-HBs антитанача, HBe IgG, HBc IgG, HBc IgM, гастрин-17, ХЦК-8, пепсиноген, панкреатик амилаза, панкреатик липаза; жигар синамалари: АЛТ, АСТ билирубин, ишқорий фосфатаза, IgG ва М маркерлари ва гепатит антигенлари, ХЦК-8, гастрин-17, IgG, икки занжирли (ds)ДНК , IgG бир занжирли(ss)ДНК, антинуклеар антитанача, умумий иммуноглобулин IgA, IgG; каламушлар гомогенатида гастрин-17, ХЦК-8, пепсиноген, панкреатик амилаза, панкреатик липаза; жигар синамалари: АЛТ, АСТ билирубин, ишқорий фосфатаза, IgG ва М маркерлари ва гепатит антигенлари, умумий протеолитик фаолликни баҳолаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тадқиқотда тажриба, биокимёвий, иммунофермент, клиник ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

меъда ва меъда ости беши фаолиятини бошқаришнинг пептидергик механизмларда жигар иштирокининг янги физиологик механизмлари, протеазаларнинг жигарда қисқа занжир пептидлари утилизациясини камайтириш, протеаза ингибиторларининг кучайтириш ҳамда меъда ва меъда ости беши фаолиятини бошқаришда иштироки исботланган;

илк маротаба қисқа занжир пептидлари утилизациясида жигар PAR-2 рецепторлари иштирокида протеаза ва протеаза ингибиторларининг модификацияланган таъсири исботланган;

турли этиологияли гепатитларда жигарда қисқа занжир пептидлари утилизацияси бузилиши ҳисобига меъда ва меъда ости беши фаолияти издан чиқишининг янги патогенетик механизми, CCL4 томонидан чақирилувчи ўткир ости токсик гепатит моделида қисқа занжирли пептидларининг жигар утилизацияси пасайиши ва меъда ости беши функционал фаолияти ортиши ҳамда ошқозон ҳазм безлари фаолиятининг сусайиши исботланган;

контрикал ва гепарин, кўп миқдордаги нафамостат ва локсиглумид таъсирида CCL4 томонидан чақирилувчи токсик гепатит моделида қисқа занжир пептидларининг жигарда утилизацияси ортиши, меъда ости беши функционал фаолияти пасайиши ҳамда ошқозон ҳазм безлари фаолиятининг кучайиши исботланган;

илк бор сурункали гепатит қайд этилган беморларда меъда ва меъда ости беши фаолияти бузилишини даволашда протеаза ингибиторлари контрикал ва гепаринни қўллаш самараси исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

меъда ва меъда ости безлари фаолиятига қисқа занжирли пептидларнинг иштироки тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтирган;

турли этиологияли гепатитларда меъда ва меъда ости безлари фаолиятини бузилишига қисқа занжирли пептидлар утилизацияси бузилишини патогенетик аҳамияти баҳоланган;

турли этиологияли гепатитларда протеаза ингибиторларини жигарни қисқа занжирли пептидларини утилизацияси қилишни кучайтириш ва меъда ва меъда ости безлари фаолиятини пасайтиришда иштироки таъминланган;

амалий жиҳатдан турли этиологияли жигарнинг сурункали касалликлари босқичидаги беморлар учун янги маълумотли скрининг тест таклиф этилган;

патологик жараёнга етарли даражада кўп ёндош жалб этиладиган органлар сифатида меъда ва меъда ости безларининг функционал ҳолатини текшириш йўли билан қонда инкреатирланган овқат ҳазм қилиш гидролазаларини, шунингдек, органлардаги пептидли бошқарувчиларни ХЦК-8 ва гастрин-17ни аҳамияти баҳоланган;

турли этиологияли гепатитларда меъда ва меъда ости безлари фаолияти бузилишларини даволашда локсиглумид, шунингдек, протеазанинг сунъий паст молекулали ингибиторларини (нафомостат) ўзига хосликлари ҳамда протеаза ингибиторларини қўллаб даволашни анъанавий негизидаги янги технологияси таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини исботлаовчи** Тадқиқот жараёнида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, тажриба ҳайвонлари ва беморлар сонининг етарлилиги, тажриба, биокимёвий, иммунофермент, клиник ва статистик тадқиқот усулларига асосланилганлиги, турли этиологияли гепатитларда қисқа халқали пептидлар утилизациясининг бузилишига боғлиқ ҳолда ошқозон ичак тракти патологиясини даволаш натижалари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг назарий аҳамияти инсон ва ҳайвонлар организмида гастрин ва холецистокинин гуруҳдаги пептид гормонлар бир неча молекуляр шаклда иштирок этиши, улар ўн икки бармоқли ичакда жойлашган бўлиб 4 дан 58 аминокислоталар ўзида сақлайди, жигар физиологик шароитида ўзида 10 аминокислота сақлайдиган қисқа занжирли пептид гормонларни 80% утилизация қилиш, меъда ости беши секретор фаолияти пептидергик механизмларида иштироки ҳақидаги тасаввурлари бойитиш, меъда ва меъда ости беши фаолияти бузилишида ҳар турли этиологияга эга гепатитларда қисқа занжирли пептидлар утилизацияси издан чиқишининг патогенетик аҳамияти кўрсатиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти турли этиологияли гепатитларда протеаза ингибиторлари иштирокида жигарда қисқа занжирли пептидлар утилизацияси кучайиши ва меъда ва меъда ости беши фаолияти

бузилиши камайиши, юкумли этиологияли гепатитли беморларда меъда ва меъда ости беши фаолияти бузилганда гепатитлар комплекс терапиясига протеаза ингибиторлари гепарин ва контрикал қўллаш, беморларда турли этиологияли сурункали касаллик даражалари кайд этилганда кўриқдан ўтказиш учун янги информатив скрининг тести, қонда инкретирланган хазм гидролазаларини, пептид бошқарилиши (ХЦК-8 ва гастрин-17)ни аниқлаш йўллари очиб берилган. Анъанавий терапия негизида, турли этиологияли гепатитларда меъда ва меъда ости беши функционал ҳолати бузилишларини даволашда протеаза ингибиторларини қўллаш ва синтетик паст молекуляр протеаза ингибиторлари ҳамда локсиглумиддан фойдаланишнинг янги технологиялари тавсия қилинганлиги, сурункали жигар касалликлари бор беморларда меъда ва меъда ости беши функционал ҳолати кўп ҳолатда патологик жараёнга бевосита боғлиқ орган сифатида эътироф этилганлигини баҳолаганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий этилиши.** Турли этиологияли гепатитларда қисқа халқали пептидлар утилизациясининг бузилишига боғлиқ ҳолда ошқозон ичак тракти патологиясини даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Турли этиологияли жигарнинг сурункали касалликларида меъда ва меъда ости беши касалликларни ташхислаш усуллари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июлдаги 8н-д/97-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома турли вирусли, алкоголь ва аутоиммун этиологияли гепатитларда жигарнинг сурункали касалликлари оқибатида меъда ва меъда ости безининг патофизиологик кўрсаткичларининг ўзгариши натижасида юзага келадиган касалликларни ташхислаш моделини натижасида самарали даволаш тизимини яратиш имконини берган;

«Турли этиологияли жигарнинг сурункали касалликларида меъда ва меъда ости беши касалликларни даволаш усуллари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 15 июлдаги 8н-д/97-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома турли хил этиологик

омиллар натижасида юзага келган жигарнинг патологик касалликларини патофизиологик механизмлари орқали ташхислаш натижасида самарали даволаш тизими амалга ошириш имконини берган.

Турли этиологияли гепатитларда қисқа халқали пептидлар утилизациясининг бузилишига боғлиқ ҳолда ошқозон ичак тракти патологиясини даволашни такомиллаштиришга қаратилган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва «Интернист шифо» хусусий шифохонасининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 27 июлдаги 8н-з/90-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши турли этиологияли жигарнинг сурункали касалликларида меъда ва меъда ости бези касаликларни ташхислаш ва даволаш натижасида сурункали HCV ва HBV инфекциялари баҳоланган беморларда пепсиноген-2 кўрсаткичларининг меъерий даражаси белгиланган бўлиб, бу соғлом инсонларнинг кўрсаткичдан қисман паст, ХЦК-8 ва гастрин-17 кўрсаткичлари эса соғлом одамларнинг кўрсаткичига қараганда нисбатан юқорилиги, меъерий даражадан 2,5 марта ортганлиги, протеаза ингибиторлари, жумладан, контрикал ва гепаринни қўллаш меъда ва меъда ости бези функционал фаолиятининг самарали қайта тикланиши ва самарали баҳолаш механизми яратишга имкон берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 37 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 160 бетни ташкил этган.



# **I БОБ. ЖИГАР ФИЗИОЛОГИЯСИ ВА ПАТОЛОГИЯСИ ШАРОИТИДА МЕЪДА ВА МЕЪДА ОСТИ БЕЗЛАРИ СЕКРЕТОР ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ**

## **§1.1 Меъда ва меъда ости безлари секретор фаолиятининг физиология ва патологиясида протеолитик гидролазанинг бошқарувчанлик ўрни**

Аксарият пептид гормонлар ва нейропептидларнинг эндокрин ва нейроэндокрин хужайралари экзоцитар йўл орқали ташилиш вақтида асосий аминокислота қолдиқлари жуфтлигида эндопротеолизнинг чегараланиши йўли билан янада фаол бўлмаган ўтмишдошлардан ҳосил бўлади. Мазкур жараён хужайра ичи қайта ишланиши ёки кўплаб пропептидларнинг процессинги сифатида маълум бўлиб, улар тўқима келиб чиқишига боғлиқ ҳолда ўзгариб туради. Умуман олганда, ваҳоланки пептид гормонлари уларнинг прогормонларини протеолитик парчаланишидан сўнг биринчи марта физиологик фаолликка эга бўлар экан, ферментлар билан хужайра ичи қайта ишланиши (прогормон-конвертазлар) нафақат биосинтетик жараённинг бир қисми сифатида, балки бошқариш жараёни сифатида ҳам муҳим босқич бўлиб ҳисобланади, турли физиологик жараёнлар таркибига кириб боради. Прогормонлар орасида баъзилари шундай сигментлар сақлайдики, уларда пептид гормонининг кетма кетлиги N- якун ёки C-якун соҳасида жойлашган бўлади. Баъзи прогормонлар биргаликда қўшилган ёки кўп сондаги бир хил пептидларни такрорланувчи бўғини шаклидаги кўп сондаги турли потенциал гормонларни сақлайди. Бошқалар эса N- сигмент соҳасидан ҳам, C-сигмент соҳасидан ҳам ёки пропротеиннинг марказий қисмидан сигментларни ажратиш йўли билан уларнинг фаол шакллариغا айланади [182, б. 1016-1018].

Пептид гормонларининг ўлчами оддий трипептиддан (тиреотропин-рилизинг-гормон), то 198 аминокислотадан ташкил топган оқсилгача (пролактин) ва гликозидланган мультисуббирлик олигомер (одамнинг

хорионик гонадотропини) гача ўзгариб туради. Ваҳоланки мазкур агентлар атроф муҳит омилларига тезда жавоб беришни таъминлар экан, улар плазматик мембрана яқинида секретор пуфакчаларда сақланади ва шошилиш равишида ажралиб чиқиш имкониятига эга бўлади. Пептид гормонларини ҳосил бўлиши ва ажралиб чиқиши бошқариладиган экзоцитотик йўл орқали амалга оширилади. Пептид гормонларини ажралиб чиқишига йўл кўядиган атроф муҳит сигналлари ҳам шунингдек ажралиб чиққан гормон ўрнини босилишини таъминлаш учун пептид гормонлари синтезини тезлаштиради. Ажралиб чиққан гормонлар хужайрага тушиши ёки кон/тўқима протеазалари томонидан парчаланишидан олдин қонда бир неча сония ёки дақиқа давомида бўлади. Сувда эрувчи гормонлар плазматик мембрана орқали диффундирулана олмайди ва нишон-хужайралар юзасидаги рецепторлар билан боғланиб, уларга ўз таъсирини кўрсата олмайди. Сигнал рецепторнинг цитоплазматик соҳаси ичига ўтади ва иккинчи мессенджер регенерациясини ишга туширади. Баъзи рецепторлар фосфорланиш ҳодисаси каскадини фаоллаштиради, бошқалари эса G- оқсилларни фаоллаштиради. Липофил гормонлардан фарқли равишда пептид гормонларининг самараси деярли сонияли бўлади ва одатда фақат жуда қисқа вақт давомида сақланиб туради. Бунда ягона истисно бўлиб, ўсиш гормони ҳисобланади, у генлар транскрипциясининг кейинчалик ўзгариши натижасида узоқ муддат давом этадиган ва ҳаттоки қайтмас жараёнларни чақиритиши мумкин [112, б. 235-236; 176, б. 684-696].

Ҳар бир рецепторларнинг ноёблиги кўп фаолиятлиги билан диалектика жиҳатидан шундай бирга келадигани, кўплаб физиологик фаолиятлар битта эмас, балки бир қатор рецепторлар назорати остида бўлади. Ҳар бир рецептор маълум фаолиятлар мажмуасига киритилиши ёки модуляцияси учун эволюцион яратилган “дастурлар пакети” сифатида ишлайди [33, б. 453-462; 100, б. 33-51].

Адабиётларда меъда ва меъда ости безлари секрециясини бошқаришда пептидларнинг иштирокига бағишланган тадқиқотлар кенг тақдим этилган,

шунинг учун бизлар ўрганилаётган муаммомизга бевосита алоқаси бўлган ишларга кўпроқ эътиборимизни қаратамиз. Булар бошқарувчи пептидлар, жумладан меъда ва меъда ости секрециясини бошқарувчи гастрин, холицистокининнинг аҳамияти тўғрисидаги ишлардир.

Меъда ости беши кўп сондаги гормонлар, бошқарувчи пептидлар ва нейротрансмиттерлар томонидан назорат қилинади. Секретор фаолиятларни бошқаришдан ташқари, бу агентлар шунингдек меъда ости бешини ўсишини бошқариши мумкин. Шу нарса аниқландики, кўп сондаги ажралмалар нафақат экзокрин ва эндокрин секрецияга, балки шунингдек кўплаб турли метаболик фаолиятларига ҳам кўп жиҳатдан турлича таъсир кўрсатади.

Пептид гормонлар каби нейротрансмиттерлар, парасимпатик фаоллик ўзгаришлари орқали меъда ости беши секрециясини модуллайди [82, б. 441-446].

Холецистокинин (ХЦК) ва гастрин биргаликда гомологик пептид гормонлар оиласини ташкил этади, улар гастрин / ХЦК-В рецепторлар учун физиологик лигандалар бўлиб ҳисобланса, ХЦК-А рецепторлари эса фақат сульфатирланган ХЦК-пептидларини боғлайди. ХЦК пептидлари асосан ингичка ичакнинг I –эндокрин хужайраларида ва бош мия нейронларида ҳосил бўлади. ХЦК пептидлари панкреатик ферментларни ҳосил бўлиши ва ўсишини, ўт қопини қисқаришини, ичаклар ҳаракатини, тўқлик хиссини назорат қилади ва меъдада кислота ажралиб чиқишини пасайтиради. Бундан ташқари улар мия ва периферияда жуда кучли трансмиттерлар бўлиб ҳисобланади [262, б. 163-167].

Холецистокинин ингичка ва ўн икки бармоқли ичакда мавжуд бўлади. Йўғон ичакнинг ўзи ва унинг кўтарилиувчи қисмида у нерв охирларида жойлашади ва периферик ҳамда марказий асаб тизимлари бўйлаб кенг тарқалади. ХЦК-33 аминокислота қолдиғидан (ХЦК-33) ташкил этади ва макро- ҳамда микрогетерогенликни намоён қилади. Уларни бир неча бошқа шакллари: ХЦК-58, ХЦК-39 ва ХЦК-8 маълумдир. Табиатда учрайдиган ХЦК 27 ҳолатда сульфатирланган тирозил қолдиғига эга бўлади ва сульфатни олиб

ташлаш биологик фаолликни С-якунли тетрапедга ўхшаш бўлган гастринга фаоллигини ўзгартиради. ХЦК ингичка ичакнинг бутун юзаси бўйлаб аниқланади, аммо ингичка ичакнинг ўн икки бармоқ қисми шиллик каватлари хужайраларида кўпроқ учрайди. ХЦК оқсил ва липидларни ҳазм қилиш маҳсулотлари томонидан чақириладиган стимуллар натижасида ишлаб чиқарилади. Парчаланишнинг ушбу маҳсулотлари абсорбцияланса ёки меъда-ичак тизимининг қуйи бўлдимларига ўтган холлардагина ХЦКнинг ажралиб чиқиши тўхтайди. Холецистокининнинг асосий физиологик таъсири бўлиб, ўт қопи қисқаришини тезлашиши, Одди сфинктерини бўшашиши ва овқат ҳазм қилиш ферментларига бой бўлган панкреатик ширанинг ажралиб чиқишини тезлашиши ҳисобланади. Бошқа вазифаларига эса бикарбонатларга бой бўлган суюқлик ажралишини тезлаштириш, инсуллинни ажралиб чиқиши ва ичаклар моторикаси киради. Холецистокинин одамлар ва лаборатория ҳайвонларида тўйиш ҳиссини чақириши мумкин. Холецистокинин (ХЦК) ва оқсилларни ҳазм қилиш маҳсулотлари томонидан чақирилган стимуллар натижасида ажралиб чиқади. Парчаланишнинг ушбу маҳсулотлари абсорбцияланса ёки меъда-ичак тизимининг қуйи бўлимларига ўтган холлардагина ХЦКнинг ажралиб чиқиши тўхтайди. [70, б. 101-106].

ХЦК меъда ости безлари секрециясини иккита юзага келиши мумкин бўлган механизмлар натижасида жадаллаштиради. Биринчидан, ХЦК меъда ости безининг ацинар хужайраларида ХЦК-1 рецепторларини боғлаб олади ва ферментлар ажралиб чиқишини тезлаштиради. Иккинчи механизм эса билвосита бўлиб, унда ХЦК капсаицинга сезгир бўлган С-типининг афферент толаларини ХЦК-1 рецепторлари боғлаб олади. Адашган афферент нервлар стимуляцияси сигналларни генераллаштиради, улар бош мия ўзагида жойлашган солитария трактининг (NTS) медиал ядроларига юборилади ва охир оқибат меъда ости бези ва бошқа нишон-органларга холинергик постганглионар вагинал эфферент толалар орқали жўнатилади. Эфферент нерв охирларидан ажралиб чиққан ацетилхолин, меъда ости безининг ацинар

хужайраларида мускаринли М3 рецепторларини боғлаб олади ва меъда ости безлари ферментларини ажралиб чиқишини чақиради [82, б. 441-446].

ХЦК кўпинча меъда-ичак трактида учрайдиган бошқарувчи пептид сифатида юзага келади ва у худди нейротрансмиттер каби миядаги энг кенг тарқалган нейропептидлардан бири бўлиб ҳисобланади ҳамда бутун нерв тизими бўйлаб учрайди. Меъда ичак тизимида ХЦК моторикани, панкреатик ферментлар ажралиб чиқишини, меъдани бўшатилишини ва меъда кислотаси ажралиб чиқишини бошқаради [169, б. 85-87; 217, б. 49-53].

Сўнгги маълумотлар кўрсатадики, ХЦК нейрон занжирларини функционал чиқишини бошқариш учун асосий молекуляр кўзғатувчи сифатида иштирок этиб, нейронларнинг ички кўзғалувчанлигини ва синаптик жўнатмаларни модуллайди. Шунингдек, нейрон тўрларидаги ХЦКнинг марказий аҳамияти кўрқув ва тутқаноқ хуружлари киритилган ҳолда кўп сондаги нерв-руҳий ва неврологик бузилишларда унинг иштирок этиши билан акс этади. Бундан ташқари, ХЦК марказий нерв тизимининг баъзи соҳаларидаги бошқа нейротрансмиттерлар билан ўзаро таъсирланади [169, б. 85-87].

ХЦК-8 миядаги асосий нейропептидлардан бири бўлиб ҳисобланади. Кўрсатилганки, ХЦК-8 овқатланиш ҳулки, марказий нафас бошқаруви ва юрак қон томир тонуси, ҳушёрлик ҳолати, хотира жараёнлари, эмоционал ва мотивацион реакциялар каби кўп сонли физиологик фаолиятларда иштирок этади [78, б. 22-26].

Баъзи тадқиқотларнинг кўрсатишича, ХЦК концентрацияси ёшларга нисбатан кекса ёшли кишиларда юқори даражада бўлади [164, б. 153-156]. Бироқ кекса ёшлиларда олиб борилган бошқа тадқиқотларда буни овқат истеъмол қилингандан кейин ХЦКни паст миқдорда ажралиб чиқиши ҳисобига юзага келиши билан тушунтирилади [239, б. 1413-1415].

ХЦК овқат ҳазм қилиш, тўйганлик, кўрқув, ноцицепция ва лордоз каби кенг қамровди физиологик жараёнларга жалб этилгандир. Бундан ташқари, шу нарса аниқ бўлдики, ХЦК юрак қон томир фаолиятининг маълум

аспектларини бошқаришда иштирок этади. ХЦКнинг юрак қон томир эффектлари марказий нерв тизимнинг ҳам марказий, ҳам периферик бўлимларига бевосита таъсири билан намоён бўлади, бундан ташқари пептидни турли физиологик ва патофизиологик ҳолатларда юрак қон томир фаолиятларига нисбатан кўрсатадиган таъсири ўрганилмоқда. Мияда ХЦК юрак-қон томир тизимини назорат қилиш занжирида бевосита тўғридан тўғри таъсир этувчи эмас, балки нейромодулятор сифатида фаолият кўрсатади. Жумлада у бодомчасимон, гипоталамик ва ўрта мия контурларини фаоллашишига сабаб бўлади, улар эса фавқулотда жисмоний ёки рухий стрессли муаммоларда ўткир юрак қон томир ва ҳулқий реакцияларда воситачи сифатида иштирок этади [178, б. 178-173].

Гастрин пептидлари асосан антродуоденал G-хужайраларда ҳосил бўлади, у ердан улар меъда кислотасини ажралиб чиқишини ва шиллиқ қават ўсишини бошқариш учун ажралиб чиқади. Унча кўп бўлмаган миқдори ичаклар тракти бўйлаб, ҳомиланинг меъда ости безида, бош ва периферик миянинг баъзи нейронларида, гипофиз ва сперматазоидларда ҳосил бўлади. Гастринли пептидлар прогастриндан келиб чиқади ва уларнинг ҳаммаси С-яқунли биофаол гексакетмакетликка -Tyr (SO<sub>4</sub>) -Gly-Trp-Met-Asp-Phe-NH<sub>2</sub> эга бўлади. Тўқима ва плазмадаги гастриннинг асосий шакллари бўлиб гастрин-34 ва гастрин-17 ҳисобланади, аммо гастрин-71, -14 ва -6 ҳам ажратиб олинган.

Гастринни ажралиб чиқиши озуқавий моддалар ва гастрин –ажратиб чиқарувчи пептид билан индуцирланади ва меъда шиллиқ қаватидаги H<sup>+</sup> юқори концентрацияси, соматостатин ёрдамида пасайтирилади. Гастрин CCK<sub>2</sub>R орқали энтерохромоаффинсимон хужайраларларда гистамин ҳосил бўлиши ва ажралиб чиқишини стимуллайди; кейинчалик меъда кислотасининг ажралиб чиқиши эса париетал хужайраларда гистамин-2 рецепторлари орқали индуцирланади. Бундан ташқари, гастрин париетал хужайраларда CCK<sub>2</sub>R орқали меъда кислотасини ажралиб чиқишини чақиради [237, б. 172-173].

Гастрин оиласининг аъзолари бўлиб гастрин, холецистокинин (ХЦК) ва церулеин ҳисобланади. Умуртқалиларда гастрин ва ХЦК сульфатирланган тирозин сақлайди ва рецепторларни фаоллаштириш учун зарур бўлган умумий С-яқунли тўрт аминокислота кетма кетлигига эга бўлади. Бундан ташқари, гастрин ва ХЦК умумий рецепторга эга бўлади. Буларни ҳаммасини бирга олиб қаралганда, бу маълумотлар гастрин ва ХЦКнинг аждоди битта бўлганлигини тахмин қилишга имкон беради [238, б. 172].

Гастринни меъда кислотасини ажралиб чиқишидаги асосий ўрнини гастрин инфузияси ва инсонлардаги  $ССК_2R$  антагонистлари билан олиб борилган тажрибалар, итлардаги иммунонейтрализация ва сичқонлардаги гастрин генини нейтрализацияси намойиш этди. Гастрин энтерохромаффинсимон хужайраларга (ECL) гистаминни кучайтирган холда таъсир этади. Унинг секрецияси, париетал хужайраларга  $H_2$ -рецепторлари орқали кейинчалик паракрин таъсир кўрсатади. Шуниси қизиқки,  $G17$  гастрин етишмаслиги бўлган сичқонларда коинфузия ва ноъамидирланган  $G17-Gly$ , меъда кислотаси секрециясини  $G17$ нинг яқка ўзига нисбатан самаралироқ тиклайди. Бундан ташқари, гистаминни ўткир ажралиб чиқишини стимуллаш учун гастрин, ECL хужайраларда гистидинни гистаминга айланиши учун жавобгар бўлган фермент–гистидиндекарбоксилаза экспрессиясини кучайтиради. Ваҳоланки,  $ХЦК_2$  рецепторлари шунингдек париетал хужайраларда иштирок этади, улар балкипариетал хужайралар билан секрецияни гастринли стимуляциясида чегараланган ўрин ўйнайди, бунда кислота секрециясига гастриннинг таъсирини катта қисми ECL даги гистологларга боғлиқ эмас [122, б. 35-41; 225, б. 96-104].

Гастрин меъда шиллиқ қаватини ривожланиши ва ушлаб турилиши учун муҳим аҳамиятга эга эмас, аммо гастрин гени бўйича нейтралланган сичқонларда париетал ва ECL-хужайралар миқдори камайди, улар гастрин инфузияси йўли билан тикланиши мумкин. Шундай қилиб, гастрин меъданинг шиллиқ қаватини дифференциацияси ва бутунлигида гарчи

асосий йўллар давомли тадқиқотлар предмети бўлиб қолаётган бўлсада асосий ўрин ўйнайди. [122, б. 35-41; 225, б. 96-104].

XЦК<sub>2</sub> рецепторларини гастрин билан фаоллаштирилиши нафақат лейкоцитларнинг хемотаксис, адгезия ва фагоцитозига воситачилик қилади, балки яллиғланиш жойларида гастрин ССК<sub>2</sub> R-экспрессланувчи иммун хужайраларини рекрутирланиши ҳисобига яллиғланишга қарши таъсир кўрсатади.

Гастринли пептидлар гастриндан ортиқча миқдорда ажралиб чиқади ва бронхоген, колоректал, меъда, тухумдон ва меъда ости беши ҳавфли ўсмаларида янада паст даражаларда экспрессияланади [83, б. 35-37].

Гастринни ўлчаш асосан Золлингер-Эллисон (ZES) синдроми томонидан чақириладиган, гастрин-қўзғатувчи ҳавфли ўсмаларда ташхислаш учун бажарилади. Гастрин даражасининг ўртача кўтарилиши ZES, G-хужайраларнинг гиперплазияси, атрофик гастрит, пернициоз камқонлик ва сурункали буйраклар етишмаслиги каби турли ҳолатларда кузатилиши мумкин. Gastrin даражаси ёш катта бўлган сари ва дори воситаларини узоқ вақт қабул қилишда ортиши мумкин, улар меъдадаги кислота даражасига ўз таъсирини кўрсатади. Gastrin даражаси беморларда наҳорга кўтарилиши мумкин [223, б. 894-898].

Гастрин ажралиб чиқишини ингибиторлари бўлиб соматостатин, секретин, GIP, VIP, глюкагон, кальцитонин, атропин ҳисобланади ва унинг рН антрал соҳада 1,0-1,5 мартагача пасаяди. рН белгиларининг пастлигини ингибирловчи таъсирини шиллиқ қаватнинг антрал қисмини гастрин ажралиб чиқишини стимулловчи кимёвий моддаларнинг ўтказувчанлигини пасайиши билан боғланади [27, б. 46- 58; 235, б. 600-602].

Меъда ва меъда ости безлар фаолияти нейрогуморал бошқариш механизмларини бошқаришнинг умумий тузилмасида эндоген опийсимон пептидлар тизими муҳим бўғин бўлиб ҳисобланади. Меъдада эндоген опийсимонлар хлор лиид кислота ажралиб чиқишини камайтиради [247, б. 49-81] ва панкреатик секрецияни пасайтиради [30, б. 94-96; 31, б. 74-76], шу



сабабли улар меъда ва меъда ости безлари касалликларида қўлланилади [11, б. 105-109].

Секретин пептид гормони бўлиб ҳисобланади, у бутун организм бўйлаб сув гомеостазини бошқаради ва жигар, меъда ости беши ҳамда меъда секрециясини бошқариш йўли билан ўн икки бармоқ ичакдаги атроф муҳит омилларига ўз таъсирини кўрсатади. Секретин ўн икки бармоқ ичакнинг безларида жойлашган S ҳужайраларидан ажралиб чиқади. Секретин юқорида номи келтириб ўтилган кислота ёрдамида меъдадаги озиқ овқат маоддаларини ингичка ичакка ҳаракатлантириш мақсадида рНни нейтраллаш учун ичакнинг қуйи қисмидаги меъда ширасининг кислотаси томонидан фаоллаштирилади [179, б. 756-758].

Глюкагонсимон пептид-1 (GLP-1) энтероцитлар томонидан ҳосил қилинади ва унинг даражаси овқат истеъмол қилганда ортади. Мазкур пептиднинг таъсир самаралари қаторига меъда секрецияси ва моторикасини тормозланиши, меъдадаги моддаларни эвакуация қилиш тезлигини пасайишини киритиш мумкин. Бу панкреатик секрецияни пасайишини сабабларидан бири бўлиши мумкин [128, б. 377-380]. Панкреатик пептид, бир томондан меъда ости безлари секрециясини тормозлайди, бошқа томондан эса холинергик тизимни фаоллаштиради [257, б. 260-263].

У NPY нейропептиди ингичка ичакнинг қуйи қисми шиллик қаватида сақланади. Меъда-ичак полипептидлари оиласининг аъзоси бўлиб ҳисобланади, у ўз ичига YY (PYY) пептидини ва меъда ости безининг (PP) полипептидини олади. PYY тўйганлик сигнали бўлиб ҳисобланади, у овқат ингичка ичакнинг дистал қисмига етиб борганида ажралиб чиқади ва маълумки меъда ости беши ферментларини ажралишини пасайтиради [97, б. 139-143]. PP ҳам шунингдек гормон бўлиб ҳисобланади, у тўйганлик хиссини чақиради ва меъда ости беши экзокрин секрециясини пасайтиради [82, б. 442-445].

Соматостатин D ҳужайралари томонидан икки молекуляр шаклларда - 14 ва -28 синтезланади. У бошқарувчи аминлар ва пептидларнинг

рилизингини тўхтатади: ХЦК [163, с. 99], секретин, нейротензин, нишон - хужайралар реактивлигини пасайтиради; у қон таркибида айланиб, паракрин таъсир кўрсатади. Наҳорга соматостатин концентрацияси айланиб юривчи мотор мажмуаси фазалари билан бир хил даражада ўзгаради [53, б. 3931-3933].

Меъданинг ингибитрловчи полипептиди (GIP) энтероэндокрин К-хужайралар томонидан ишлаб чиқилади ва қон айланиш тизимига озиқ овқат моддаларининг стимуляциясига жавоб сифатида ажралиб чиқади: GIP ва глюкогонсимон пептид-1(GLP-1) глюкозага боғлиқ холда инсулин секрециясини стимуллади ва шу йўл билан инкретинларни таснифлайди [188, б. 417-425].

Вазофаол ичак полипептиди (VIP) гастроинтестинал гормонларга киради. Унинг энг юқори миқдори ингичка ва йўғон ичакларда экстрагирланади. VIP гастроинтестинал гормонлар орасида энг яққол намоён бўлган томир кенгайтирувчи ва гипотензив таъсирга эга. Шунингдек VIP яна ичак нервларида, шунингдек марказий асаб тизими нейронларида аниқланади, бу эса мазкур пептиднинг марказий нерв тизим фаолиятини бошқаришдаги асосий аҳамиятидан ташқари, нейротрансмиссив жараёнлардаги фаолиятини ҳам кўрсатади. Овқат ҳазм қилиш тизимида VIP гастрин ва гистамин томонидан чақирилган HCl хосил бўлишини пасайтиради; пепсин ажралиб чиқишини камайтиради ва меъда мушакларини бўшашишига сабаб бўлади. Шунингдек у меъда ости безида сув ва электролитларни, ҳамда ўт хосил бўлишини тезлаштиради [213, б. 42-44].

Панкреатин меъда ости безлари эндокрин секретор функцияларига тормозловчи таъсир кўрсатувчи пептид бўлиб ҳисобланади. Адашган нервни электр таъсирланиши, овқат истеъмол қилиш ва глюкоза панкреатинни ажралиб чиқишини кучайтиради [173, б. 88-92; 197, б. 87-91].

## **§1.2. Протеолитик гидролазанинг бошқарув фаолият механизмлари**

Протеолитик ферментлар инсон геномининг 2% га яқинини ташкил этади. Бунинг натижасида эса протеазалар меъда ичак тизими тешигида озуқавий оксилларнинг деградациясидан тортиб, то ҳужайра циклининг назоратигача бўлган турли туман биологик жараёнларда иштирок этади [215, б. 1141-1144].

Ҳозирги вақтда протеазаларни анъанавий равишда фақат овқат ҳазм қилиш ферментлари ёки ичак деструкциялари сифатида қараш эмас, балки меъда-ичак тизимининг физиологик ва патологик ҳолатлари спектрида фаол иштирок этувчи қўшимча сигнал молекула сифатида кўриб чиқиш ҳам зарурдир. Шундай қилиб, умуман олганда протеазаларни ҳозирги кунда “гормонсимон” воситачилар сифатида қараш таклиф этилмоқда, улар сигнализацияни ёхуд, протеаза-фаоллаштирилган рецепторлар ёки бошқа механизмларни амалга ошириши мумкин [215, б. 1145-1149].

Сўнги йиллардаги молекуляр биологиянинг амалий ютуқлари қаторига протеолизни биологик бошқарувнинг алоҳида шакли сифатида қаралишини тушунишни киритиш мумкин. Чегараланган протеолиз кўплаб биологик жараёнларнинг бошланғич механизми бўлиб хизмат қилади ва организмни ўзгаришлар шароити ёки ташқаридан келиб тушувчи сигналларга шошилиш, физиологик жавобларини таъминлайди [32, б. 135-137; 165, б. 75-79]. Протеолитик ферментларнинг бошқарувчанлик ўрнини тушиниш, бўлиниш ва ҳужайралар трансформацияси, дифференциация ва морфогенез, нейробиологик жараёнлар ва ҳ.к.лар каби биологик ҳолатларнинг молекуляр механизмини очиқ бериш учун биринчи даражали аҳамият касб этади. Шу билан тиббиётда протеолитик ферментларни ўрганишга бўлган катта қизиқиш белгиланади [32, б. 135-137; 123, б. 3-7].

Протеолитик ферментлар турли даражадаги биологик жараёнларни бошқаришда иштирок этади [177, б. 30434-30436]. Улар молекуляр даражада

Тахмин қилинадики, дистал карбоксил яқунли протеолитик фрагмент Cav1 суббирлиги билан дистал карбоксил думни бевосита ассоциацияси билан чақирилган, L- типдаги кальций оқимини аутоингибирловчи механизм воситасида пасайтиради [105, б. 7-9; 226, б. 306-308]. Кальпин билан протеолитик қайта ишлаш синаптик эгилувчанлик ва нейротрансмиссия каби нейронларнинг L- типдаги каналлар воситасида ўзгартириши мумкин. Бундан келиб чиқадики, ушбу жараён қариш каби физиологик ҳолатларда ион каналларини протеолиз боғлиқ бошқариши учун янги, маълум аҳамиятини белгилаб беради.

Натрий ионлари гомеостазини назорат қилувчи механизмлар орасида, йўғон ичакнинг гардишсимон қисми, нафас йўллари ёки буйракларнинг эпителиал тўқималари томонидан натрийни ютилиши аниқ назорат қилиниши лозим. Эпителиал натрийли канал (ENaC) натрийни эпителиал ташилишида критик муҳим бошқарувчи бўлиб ҳисобланади. Ўрнатилдики, ENaC каналларини протеолитик ажратилиши каналларни очилиш эҳтимоллигини ошириш йўли билан каналларнинг фаоллаштиришни асосий механизми бўлиб ҳисобланади [156, б. 20447-20449; 224, б. 372-375].

Кислоталарга сезувчан бўлган ионли канал-1 (ASIC1) водород ионлари билан бошқарилувчи канал бўлиб ҳисобланади, у ENaC / degenerin оилсига таълуқли бўлиб ҳисобланади. ASIC1 каналларини олтингурутгли

протеиназалардан бўлган трипсин, хемотрисин ва К протеазаси билан бошқарилиши экспрессиянинг гетерологик тизимларида ўлчанди, бу ерда протеолитик процесснинг кислота-индуцирланган оқимларни пасайтиради ва каналнинг рН фаоллаштирилишини пасайтиради [89, б. 27130-27133; 242, б. 705-708]. Яқиндагина эпителиал трансмембранали олтингурут протеиназаси, матриптаза ҳам шунингдек, ASIC1нинг модулирланишига, жумладан, каналларнинг хужайрадан ташқари занжирида жойлашган тақсимлишнинг учта сайти орқали (Arg145, Lys185 и Lys384) жалб этилди [89, б. 27130-27133].

Шуни таъкидлаш лозимки, протеолитик ажратиш билан модулирланган ион каналларининг барча функциялари ва энг мухими ушбу биологик жараёнда иштирок этувчи протеазаларни ҳали аниқлаш лозим. Хўжайин ва патоген ўртасидаги ўзаро таъсирда иштирок этувчи ион каналлари субстратлари ва протеазаларни идентификация қилиш, клиник аҳамиятли терапевтик агентларни ишлаб чиқиш учун янги мқсадларни аниқлаб бериши мумкин [215, б. 1110-1113].

### **§1.5. Жигарнинг сурункали касалликларида меъда-ичак тизими дисфункцияси, бунда бошқарувчи пептидлар, протеолитик гидролазлар ва протеаза ингибиторларининг ўрни.**

Кўрсатилдики, жигар томонидан гастринли (пентагастрин) ва холецистокинин (ХЦК-8) гуруҳининг қисқа занжирли пептидларини 80%гача миқдори утилизация қилинади, улар 10 дан ортиқ аминокислота сақлаган узун занжирли пептидлардан фарқли равишда 10 тагача бўлган аминокислоталарни сақлайди. Мазкур утилизациянинг физиологик аҳамияти ўрганилмаган ва сезиларли қизиқиш уйғотади [4, б. 20-22; 5, б. 9-11; 9, б. 46; 113, б. 344-346; 114, б. 243-245; 133, б. 1204-1208; 136, . 1-3].

Қисқа занжирли пептидлар бошқарувнинг турли механизмларида катта аҳамиятга эга бўлади, чунки улар марказий асаб тизимининг турли бўлим

нейронларида ва периферик нейронларнинг афферент нерв яқунларида рецепторларга эга бўлади [94, б. 8-10; 166, б. 625-627].

Паракрин меъда ва ичакларда бу пептидлар эндокрин хужайралар ва шиллик ости нерв чигали нейронлари, мезентериал ва афферент нейронлар ўртасидаги алоқани амалга оширади [94, б. 8-10; 233, б. 277-279].

Бир қисм қисқа занжирли пептидлар орган ичида тўқима ва мембрана протеазалари томонидан утилизацияланади. Бошқа қисми эса- портал тизим орқали тушганидан сўнг жигарда утилизацияланади. Шундай қилиб, қисқа занжирли пептидларни периферик қонга тушиши чеграланаяди. Овқатни меъда-ичак тизимига тушиш вақтида қисқа занжирли пептидларни ишлаб чиқарилиши сезиларли ортади [113, б. 344-346; 114, б. 243-245; 187, б. 23-25; 212, б. 1813-1815].

Шунингдек, маълумки, қисқазанжирли пептидлар масалан ХЦК-8 ҳисобига гематоэнцефалик тўсиқ орқали кириб бориб, тўйиш ҳиссини чақиради, яъни овқат ҳазм қилиш безларини марказий асаб тизимининг турли бўлимлари билан масофивий ўзаро алоқасини таъминлайди [145, б. 99-101; 220, б. 172-174].

Сўнгги йилларда жигарни қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишдаги физиологик иштирокини намоён этувчи ва шу йўл билан овқат ҳазм қилиш безларини секретор, мотор ва нейромодулирловчи фаолиятига таъсир кўрсатиши тўғрисида маълумотлар пайдо бўлмоқда [4, б. 20-22; 9, б. 46-48; 113, б. 344-346; 114, б. 243-245; 133, б. 1204-1208; 187, б. 23-25]. Мазкур маълумотлар клиник тадқиқот натижалари билан мос келади, унда шикастланган жигар томонидан утилизация қилинолмайдиган, айланиб юрувчи ичак пептидларининг ҳаддан ташқари юқори миқдорда бўлиши намоён этилади [136, б. 1-3; 187, б. 23-25; 255, б. 880-882].

Жигар патологиясида (биллиар циррозда) жигарнинг утилизацион қобилияти пасаяди, периферик қонда ХЦК-8 ортади, бунинг ҳисобига эса меъда ости беши ва меъданинг гиперсекреторлик синдроми ривожланади [150, б. 3508-3510; 195, б. 207-210].

Илгари, бизнинг лабораториямизда итлар устида олиб борилган тадқиқотларда аниқландики, панкреатик сўриб олинишни портал ичи киритилиши ва алохида трипсинни қисқа занжирли пептид Г-5 (пентагстрин) билан биргаликда таъсир этиши остида меъданинг фермент ажратувчи фаолияти ортади, ХЦК-8 (холецистокнин) билан биргаликда эса–меъда ости безининг фермент ажратиш фаолияти кучаяди. Трипсин ингибиторини биргаликда портал ичи қўлланилишида бу стимулятор самаралар сезиларли камайди, натижада шундай тахмин қилиндики, жигарни қисқа занжирли пептидларни утилизация қилиш қобилияти камайди ва бу самаралар PAR-2 рецепторлари орқали амалга оширилади [4, б. 20-22; 5, б. 10-11; 8, б. 252-253; 9, б. 46-48;].

PAR-2 меъда-ичак тизимининг барча бўлимларида жойлашган ва фаоллаштирувчилар, жумладан трипсинни таъсири остида сўлак безлари, меъда, меъда ости бези, ичаклар ва жигарни функционал фаоллаштиришни бошқаришда иштирок этади [52, б. 248-250; 131, б. 8-10].

Кемирувчилардаги шикастланган жигар моделида аниқландики, PAR-1 антагонистлари фиброздан ҳимоя қилади. Бунда PAR-1ни фаоллаштириш профибротик таъсир кўрсатади. Яқинда олиб борилган тадқиқотлар кўрсатдики, PAR-1 жигарда яллиғланиш олди агентлари сифатида олдинга чиқиши мумкин [72, б. 85-87; 265, б. 1037].

Каламушлар жигарининг ҳужайралар культураси тримбин ва трипсин таъсири остида арахидон кислота метаболизмини стимуляциясини кўрсатди [172, б. 445-447], бу ушбу самараларда PAR-1 ва PAR-2 нинг иштирокини тахмин қилишга имкон беради.

Аниқландики, каламушларда сунъий паст молекулали протеаза ингибитори габексатни қўлланилиши, қон зардобида трансаминазалар даражасини ортишини сезиларли камайтирди ва тўртхлорли углерод киритилгандан сўнг 24 соат ўтиб жигар гистологиясини яхшилади. Бунда ҳавfli ўсманинг некроз омили  $\alpha$  (TNF- $\alpha$ ) ва интерлейкин-1 $\beta$  (IL-1 $\beta$ ) габексат қабул қилган каламушларда физиологик эритма қабул қилган каламушларга

нисбатан солиштирилганда сезиларли даражада пасайди. СС1 4 нинг ўлим дозаси 0%дан 20%гача юборилгандан кейин ҳам габексатни қўлланилиш яшовчанликни сезиларли даражада яхшилади [190, б. 260-262].

Каламушларда олиб борилган тажрибалар кўрсатдики, паст молекулали гепарин ўткир фазада яллиғланишни олдини олади ва балки, Купфер хужайралари ва семиз хужайраларнинг фаоллигини пасайтиради, ҳамда некроз ва апаптозга қарши ҳимоя ўрнини намоиш этади. Гепаринни агарда жигардаги сурункали шикастланишларга ижобий таъсир кўрсатиш самарадорлиги тадқиқотларда ўз тасдиғини топса, у холда ундаги шикастланишларни даволаш учун арзон ва ҳавфсиз вариант бўлиб ҳисобланиши мумкин. Шунингдек, каламушлар жигаридаги фиброз моделида гепаринни антифибротик таъсири ўрнатилди [162, б. 450-453;240, б. 86-89].

ShiJ. et al. 2003 берган маълумотларда, сурункали В гепатит билан хасталанган беморларнинг жигаридаги фиброзга гепариннинг таъсири кўрсатилган. Гепарин билан даволагандан сўнг жигар фаолиятини сезиларли яхшиланиши ўрнатилган. Даволашдан кейин зардобдаги коллаген даражаси сезиларли камайди. Шунингдек, даволашдан сўнг коллагенли пролиферация ҳам сезиларли пасайди. Шундай хулоса қилиндики, гепарин гепатит В билан хасталанганларнинг жигар тўқимасида коллаген пролиферациясини пасайтириши мумкин [243, б. 1613]. Худди шу тадқиқот гуруҳидагилар томонидан сурункали В гепатит билан хасталанган беморларда гепаринни қўллашни самарадорлиги аниқланди [129, 9-11]. Жигар циррози билан хасталанган беморларда гепаринни тромبوпрофилактика воситаси сифатида қўллашнинг самарадорлиги ва ҳавфсизлиги бошқа муаллифлар томонидан ҳам тасдиқланади [92, б. 416-418].

Бундан ташқари ўрнатилдики, вирусли гепатит ташхиси қўйилган беморларда меъда ости безининг ферментлари зардоб ва панкреатик амилазалар, шунингдек, зардобдаги липазалар даражаси жигар касаллигини кучайиб бориши билан ортиб боради [42, б. 4-7]. Панкреатит ва гепатитнинг



бирга келишида қонда протеолитик фаолликни ортиши ва антипротеолитик фаолликни пасайиши қайд этилади [23, б. 22-23;46, б. 4-7].

Бир томондан панкреатит ҳисобига, бошқа томондан жигардаги сурункали яллиғланишнинг мавжудлиги ҳисобига меъда ва меъда ости беъида протеолитик ва антипротеолитик тизимлар мувозанатини протеолитик тизимлар фаоллигини ортиши ва антипротеолитик фаолликни пасайиши томонига бузилиши қайд этилади. Шунинг учун протеаза ингибиторини қўлланилиши яллиғланишга қарши самарага олиб келиши мумкин.

Жигарнинг сурункали касалликлари билан хасталанган беморларда меъда-ичак тизимининг мотор-эвакуатор фаолиятининг ўзгариши, овқат хазм қилиш безларининг секретор фаолиятини бузилиши, ичаклар ўтказувчанлиги ва абсорбциялари киритилган холдаги турли ўзгаришлар баён этилган. Шу билан бир вақтда қандай қилиб бу ўзгаришлар жигарнинг бошқа сурункали касалликларини умумий асоратлари каби клиник номён бўлмаслиги мумкин, улар сурункали панкреатитга ва атрофик гастритга олиб келади [136, б. 1-3; 147, б. 14686-14688; 149, б. 176-178].

Шу билан бир вақтда бу ўзгаришларнинг патогенетик механизмлари тушунарсиз бўлиб қолмоқда ва етарли даражада ўрганилмаган. Гарчи бу жараёнларда касалликка чалинган жигар метаболизм олмайдиган ичак пептидларини иштирокини кўрсатувчи маълумотлар тобора кўп пайдо бўлмоқда [136, б. 1-3; 250, б. 880-883].

Меъдага келсак, шу нарса кўрсатилдики, жигар циррози билан хасталанган беморларда эркин ва умумий кислоталиликнинг ўртача кўрсаткичлари, қон зардобидги пепсиноген 1 оддий шароитга нисбатан паст бўлди. Меъда шиллиғида қон оқимини пасайиши қайд этилди ва гастрин миқдори соғлом беморлар гуруҳига нисбатан сезиларли даражада паст бўлди. Жигар циррози билан хасталанган беморларда зардобда гастрин ва соматостатин концентрацияси сезиларли даражада юқори бўлди [232, б. 27-30].

Жигар касаллиги билан хасталанган итларда олиб борилган бошқа тадқиқотларда гипергастринемия ва меъда-ичак бузилишларининг тез тез намоён бўлиши аниқланди, улар яраларни пайдо бўлиши билан юзага келади. Ишда жигарни гастриннинг баъзи шакллари инактивация қилиш учун ўт муҳим деган фикр илгари сурилади. Шунинг учун гипергастринемия жигар дисфункцияси билан боғлиқ бўлган меъда-ичак тизимидаги яраланиш патогенезида иштирок этади [187, б. 22-24].

Цирроз билан хасталанган беморлар кўпинча меъда-ичак симптомларини бошидан ўтказадилар [103, б. 370-372; 134, б. 985-987; 86, б. 117-119]. Меъданинг аномал ҳаракат фаолияти бу беморларда патологик белгиларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шу билан бир вақтда жигар циррози билан хасталанган беморларда меъдани кечиккан бўшатилиши қайд этилади ва бу постпрандиал тўлиш ва қоринни шишиши билан боғлиқ бўлади [253, б. 1-3]. Умуман олганда гастропарезни хабар берилган тарқалиши 24%дн 95%гача ўзгариб туради [59, б. 58-59].

Жигарнинг сурункали касалликларида меъдани бўшатилиш тезлиги эҳтимол Childs-Pugh [253, б. 1-3] кўрсаткичлари асосида касалликни оғирлиги ва беморнинг ёшига, альбумин, билирубин, протромбин вақти ва тромбоцитлар миқдорида боғлиқ бўлади [84, б. 143-145]. Жигар касалликларининг этиологияси ҳам шунингдек жигарнинг алкоғолли касаллигидаги янада секин транзитда ва ноцирротик портал гипертензияда меъда-ичак транзитини ортиши билан меъдани бўшатилиш тезлигига таъсир этиши мумкин [116, б. 191-193; 149, б. 178-180]. Жигарнинг сурункали касаллиги билан хасталанган беморларда меъданинг аномал бўшатилиши ва ичаклар транзити асосида ётувчи механизмлар ноаниқлигича қолмоқда. Алкоғол ёки алкоғолсиз этиологияга боғлиқ бўлмаган холда [69, б. 1751-1753] жигар циррозида автоном дисфункция кенг тарқалган ва у ошқозоннинг аномал транзитига сабаб бўлиши мумкин. Жигар циррози билан хасталанган беморларда вегетив дисфункциянинг мавжудлиги меъда бўшатилишини тутилишида ҳавф омили бўлиб ҳисобланади [102, б. 81-83].

Соғломларда ҳам, диабетик субъектларда ҳам постпрандиал гипергликемия ва гиперинсулинемия, ичаклар ҳаракатчанлигини камайиши ва циррозда меъдани бўшатилишини тутилиши билан боғлиқдир [104, б. 24-26]. Бу жуда долзарб, чунки циррозли беморларда [96, б. 936-938], периферик плазмада инсулин даражасини ортиши билан углеводлар қабул қилингандан сўнг яққол намоён бўлган постпрандиал гипергликемия билан тавсифланувчи глюкозани кўтара олмаслик ва диабет кенг тарқалгандир [96, б. 936-938]. Гарчи меъда-ичак тракти моторикасини бошқаришда иштирок этувчи бир неча ичак гормонларининг даражаси жигарнинг сурункали касалликларида бузилса ҳам, уларнинг меъда-ичак дисмотиллигидаги хиссаси нониқлигича қолмоқда. Меъда ва проксимал ингичка ичак томонидан ишлаб чиқариладиган, гастропрокинетик таъсир кўрсатувчи [119, б. 2352-2354; 206, б. 740-743], постпрандиал грелин, пептид гормонларни чуқурлаштирилган холда ортиши, янада долзарб бўлиб ҳисобланади, чунки у жигар циррози билан хасталанган беморларда тана оғирлигини йўқотилиши ва меъдани бўшатилиш вақтини ижобий корреляция қилди [98, б. 252-254].

Ҳар икки плазма холецистокининлари (ССК) ва ҲҲ (РҲҲ) жуда кучли тўйиниш пептидлари бўлиб ҳисобланади, улар ошқозонни бўшатилишини секинлаштиради. Шу билан бир вақтда, уларнинг даражаси циррозда ошган [231, б. 1464-1467; 255, б. 880-883], ундай беморларда ошқозонни бўшатилиши, энергия истеъмоли ва овқатланиш ҳолатидаги ўрни антагонистлар томонидан расмий равишда баҳоланмади. Гарчи жигар циррозида зардоб ажралиб чиқиш даражасини ортишини диэритмик электрогастрографиядаги шакли билан корреляция бўлса ҳам, қандай қилиб секретин бу беморларда меъда дисфункциясига воситачи бўлиши мумкинлиги ноаниқлигича қолмоқда. Асцитнинг мавжудлиги бу беморларда гастропарезнинг потенциал хиссадорларидан бири бўлиб ҳисобланади [144, б. 15-18; 147, б. 14686-14688].

Жигар касалликлари билан хасталанган беморларда ингичка ичак транзитига алоқадор маълумотлар мутлақо бир бирига қарама қаршидир.

Ингичка ичакда бўлиш вақтини ҳисоблаш учун радио-шаффоф бўлмаган маркерларни ва орофекал транзитни аниқлаш учун водород лактулоза билан нафас олдириш тестини қўллаб шу нарса аниқландики, жигар циррози билан хасталанган беморларда ингичка ичак транзити белгилари намоён бўлади [148, б. 346-347].

Меъдани бўшатилишида ҳам жигар касаллигини оғирлиги ва ингичка ичаклар дисфункцияси ўртасида алоқа мавжуддир ва бундай ошқозон ичак харакатининг анамалиялари жигар кўчириб ўтказилгндан сўнг меъёрлашади [147, б. 14686-14688].

Ингичка ичак бактериал ўсиши (SIBO) цирроз билан хасталанган беморларда кенг тарқалган ва эҳтимол бу тарқалиш баҳолаш усулларига боғлиқ холда ўзгариб туради. Кўнгил айнаш аспират культурасига боғлиқ холда SIBO нинг тарқалиши 48-73%га етиши мумкинлигига қарамасдан, у глюкозанинг водород нафас тестини қўллашда бир неча маротаба (30%дан 38%гача) паст [180, б. 268-270].

Бирламчи ўт кислоталарини иккиламчи ўт кислоталарига айланишини камайиши Enterobacteriaceae каби янада патоген бактерияларни тарқалишини ортиши билан боғлиқдир, улар шунингдек меъда-ичак трактини тешигини бактериал транслокациясида янада самаралироқдир [202, б. 1273-1275]. Меъда шираси, ингичка ичакнинг проксимал қисми ва меъдани зарарсизлантириш учун ўта муҳимдир [107, б. 30-33]. Кўрсатилдики, кислотани босувчи даволаш ва ўз ўзидан юзага келувчи очлик гипохлорлигидрияси цирроз билан хасталанган беморларда SIBO учун кучли предиктор бўлиб ҳисобланади [189, б. 1877-1879].

Цирроз билан хасталанган беморларда эпителил тўсиқ фаолиятини ўзгариши кузатилади, у ичаклар ўтказувчанлигини ортишига олиб келади, бу эса оғиз орқали юбориш ёрдамида, перорал назорат маркерлари ёрдамида пешобни тикланиш йўли билан баҳоланади [202, б. 1273-1275]. Олиб борилган тадқиқотлар кўрсатдики, энтероцитларнинг зич бирикмаларининг

фаолияти ва тузилмасидаги ўзгаришлар ўтказувчанликни ортишига сабаб бўлиши мумкин [236, б. 294-296].

Иштаҳани бошқариш, ичак гормонларини бошқаришни ўзгариши ҳам, ичга қабул қилишни камайтиришга сабаб бўлиши мумкин, жумладан, лептинни наҳорга қабул қилмш, грелинни пасайгандан сўнг ўсишни ортиши, РҮҮва ССКнпи ортиши [127, б. 18-20; 205, б. 1-3]. Мальабсорбция жигар циррозида тўйиб озукаланмасликка олиб келади. Кўрсатилганки, циррознинг тажриба моделларида ичакларда углевод, ёғ ва оксилларнинг абсорбцияси сезиларли пасаяди [86, б. 117-120].

Меъда-ичак дисфункцияси кўпинча жигар касалликларида, гепатит ва циррозида юзага келади ва касалликни оғирлигига қараб ортади. У жигар циррозининг кўплаб асоратлари патогенезида марказий ўрин ўйнайди. Жигар циррозидаги аномал меъда-ичак ҳаракатчанлиги тез тез юзага чиқувчи меъда-ичак симптомларига ва ёмон озукавий талабларга олиб келади; бу шунингдек ингичка ичак микробиотидаги миқдорий ва сифатий ўзгаришлар билан боғлиқдир. Шиллиқ қават бутунлигини SIBO билан биргаликда бузилиши бактерия ва эндотоксинларнинг транслокациясини енгиллаштиради, улар ўз ўзидан келиб чиқувчи бактериал перитонит киритилган холда, жигар энцефалопатияси ва циррознинг инфекцион асоратлари билан боғлангандир. Шунингдек бактериал транслокация каскад ҳодисаларга олиб келади, улар яллиғланиш олди цитокинларини ажралиб чиқишини чақиради, улар эса жигарнинг асосий касаллигини ривожланишига потенциал сабаб бўлиши мумкин. Шундай қилиб, ичга қабул қилишни яхшилаш, озукавий моддаларни абсорбцияси ва бактериялар транслокациясини потенциал камайтириш учун эрта босқичларда меъда-ичак дисфаолиятини аниқлаш ва назорат қилиш муҳимдир [136, б. 1-3].


## II БОБ. ТАЖРИБА ВА КЛИНИК МАТЕРИАЛНИНГ ТАВСИФИ ҲАМДА ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

### §2.1. Тажриба материалари

Илмий изланиш тадқиқотлари 2017-2020 йиллар давомида Андижон давлат тиббиёт институти илмий текшириш лаборатория базасида оғирлиги 180-220 грамм бўлган оқ зотсиз эркак каламушларда ўтказилди, тажриба хайвонлари стандарт шароитли виварийларда сақланди. Тажрибалар «Тажриба ва бошқа илмий мақсадлар учун қўлланиладиган умурткали хайвонларни химоя қилиш тўғрисидаги Овropa конвенцияси» га мос ҳолда ўтказилди (Страсбург,1985). Жами умумий тажрибалар 5 серияда ўтказилди ( 2.1.-расмга қаранг):

Ўткир тажрибаларнинг биринчи сериясида тана оғирлиги 180-220 грамм бўлган 56 дона оқ зотсиз эркак каламушларни ҳар бир гуруҳда 7 донадан каламушдан ташкил топган ва 8 гуруҳга бўлинди. Периферик венага қуйидагилар юборилганда меъда секрециясини ўзгариши ўрганилди:

1-гуруҳ– 0,3 мл физиологик эритма; 2- гуруҳ–0,3 мл физиологик эритмада 0,1 мкг/кг миқдорида 5 аминокислота (Г-5) сақлаган пентагастриннинг қисқа занжирли пептиди; 3-гуруҳ–0,3 мл физиологик эритмада пентагастриннинг 0,28 мкг/кг эквимоляр миқдорида 17 аминокислота (Г-17) сақлаган гастриннинг узун занжирли пептиди; 4-гуруҳ– 0,3 мл физиологик эритмада трипсинни 300 мкг/кг миқдордаги эритмаси; 5- гуруҳ–0,3 мл физиологик эритмада 0,1 мкг/кг миқдорда 5 аминокислота (Г-5) сақлаган пентагастриннинг қисқа занжирли пептидини 0,3 мл физиологик эритмада трипсинни 300 мкг/кг миқдордаги эритмаси билан биргаликда қўллаш; 6-гуруҳ–протеаза ингибитори контрикал (апротини)ни 25 000 АТрЕ/кг қорин ичишга юбориш; 7-гуруҳ– 0,3 мл физиологик эритмада 0,1 мкг/кг миқдордаги 5 аминокислота (Г-5) сақлаган пентагастриннинг қисқа занжирли пептиди ва унга қўшимча равишда протеаза ингибитори контрикал (апротини)ни 25 000 АТрЕ/кг қорин ичига юбориш; 8-гуруҳ – 0,3 мл



Ўтқир ости CCL4 билан захарланишда 5 серия текширувида ошқозон ва ошқозон ости инкреция ва экзосекрециялар кўрсаткичларигаи контрикал ва гепарин таъсири



2.1-расм. Тажриба ҳайвонларда ўтқизиш тизимининг босқичлари.

физиологик эритмада 0,1 мкг/кг миқдорда 5 аминокислота (Г-5) сақланган пентагастриннинг қисқа занжирли пептидини махсус фаоллаштирувчи протеаза – фаоллаштирилган рецептор (PAR-2) гексапептиднинг 50 мкг/кг миқдорини 0,3 мл физиологик эритма билан биргаликда қўллаш.

Ўткир тажрибаларнинг иккинчи сериясида тана оғирлиги 180-220 грамм бўлган оқ зотсиз эркак каламушлар ҳар бир гуруҳда 7 донадан каламушлар бўлган 8 гуруҳга ажратилди. Бунда портал венага қуйидаги моддалар юборилганда меъда секрециясидаги ўзгаришлар ўрганилди:

1-гуруҳ– 0,3 мл физиологик эритма; 2- гуруҳ–0,3 мл физиологик эритмада 0,1 мкг/кг миқдорда 5 аминокислота (Г-5) сақлаган пентагастриннинг қисқа занжирли пептиди; 3-гуруҳ–0,3 мл физиологик эритмада пентагастриннинг 0,28 мкг/кг эквимольяр миқдорда 17 аминокислота (Г-17) сақлаган гастриннинг узун занжирли пептиди; 4-гуруҳ– 0,3 мл физиологик эритмада трипсинни 300 мкг/кг миқдордаги эритмаси; 5-гуруҳ– 0,3 мл физиологик эритмада 0,1 мкг/кг миқдорда 5 аминокислота (Г-5) сақлаган пентагастриннинг қисқа занжирли пептидини 0,3 мл физиологик эритмада трипсинни 300 мкг/кг миқдордаги эритмаси билан биргаликда қўллаш; 6-гуруҳ–протеаза ингибитори контрикал (апротини)ни 25 000 АТрЕ/кг қорин ичиша юбориш; 7-гуруҳ– 0,3 мл физиологик эритмада 0,1 мкг/кг миқдорда 5 аминокислота (Г-5) сақлаган пентагастриннинг қисқа занжирли пептиди ва унга қўшимча равишда протеаза ингибитори контрикал (апротини)ни 25 000 АТрЕ/кг қорин ичига юбориш; 8-гуруҳ – 0,3 мл физиологик эритмада 0,1 мкг/кг миқдорда 5 аминокислота (Г-5) сақлаган пентагастриннинг қисқа занжирли пептидини махсус фаоллаштирувчи протеаза – фаоллаштирилган рецептор (PAR-2) гексапептиднинг 50 мкг/кг миқдорини 0,3 мл физиологик эритмада биргаликда қўллаш.

Ўткир тажрибаларнинг учинчи сериясида тана оғирлиги 180-220 грамм бўлган 56 дона оқ зотсиз эркак каламушлар ҳар бир гуруҳда 7 донадан каламушлар бўлган 8 гуруҳга ажратилди. Бунда периферик венага қуйидаги моддалар юборилганда меъда ости беши секрециясидаги ўзгаришлар



Ўрганилди: 1-гуруҳ– 0,3 мл физиологик эритма; 2-гуруҳ–0,3 мл физиологик эритмада 8 аминокислотни (ХЦК-8) 0,15 мкг/кг миқдорда ва секретинни (0,15 мкг/кг) миқдорда сақлаган холецистокинининг қисқа занжирли пептиди; 3-гуруҳ–0,3 мл физиологик эритмада ХЦК-8 ни эквимоляр 0,56 экг/кг миқдорда 33 аминокислоталар сақлаган (ХЦК-33) холецистокинининг узун занжирли пептиди; 4-гуруҳ– 0,3 мл физиологик эритмада трипсинни 300 мкг/кг миқдордаги эритмаси; 5-гуруҳ–0,3 мл физиологик эритмада 8 аминокислотни (ХЦК-8) 0,15 мкг/кг миқдорда ва секретинни (0,15 мкг/кг) миқдорда сақлаган холецистокинининг қисқа занжирли пептидини 0,3 мл физиологик эритмада трипсинни 300 мкг/кг миқдордаги эритмаси билан бирга қўллаш; 6-гуруҳ–протеаза ингибитори контрикал (апротини)ни 25 000 АТрЕ/кг қорин ичиша юбориш. 7-гуруҳ–0,3 мл физиологик эритмада 8 аминокислотни (ХЦК-8) 0,15 мкг/кг миқдорда ва секретинни (0,15 мкг/кг) миқдорда сақлаган холецистокинининг қисқа занжирли пептидига қўшимча равишда протеаза ингибитори контрикал (апротини)ни 25 000 АТрЕ/кг қорин ичига юбориш; 8-гуруҳ – 0,3 мл физиологик эритмада 8 аминокислотни (ХЦК-8) 0,15 мкг/кг миқдорда ва секретинни (0,15 мкг/кг) миқдорда сақлаган холецистокинининг қисқа занжирли пептидини 0,3 мл физиологик эритмада ПАР-2 гексапептиднинг 50 мкг/кг дозасидаги фаоллаштириш билан бирга қўллаш.

Ўткир тажрибаларнинг тўртинчи сериясида тана оғирлиги 180-220 грамм бўлган 56 дона оқ зотсиз эркак каламушлар ҳар бир гуруҳда 7 донадан каламушлар бўлган 8 гуруҳга ажратилди. Бунда портал венага қуйидаги моддалар юборилганда меъда ости беши секрециясидаги ўзгаришлар ўрганилди: 1-гуруҳ– 0,3 мл физиологик эритма; 2-гуруҳ–0,3 мл физиологик эритмада 8 аминокислотни (ХЦК-8) 0,15 мкг/кг миқдорда ва секретинни (0,15 мкг/кг) миқдорда сақлаган холецистокинининг қисқа занжирли пептиди; 3-гуруҳ–0,3 мл физиологик эритмада ХЦК-8 ни эквимоляр 0,56 экг/кг дозасида 33 аминокислоталар сақлаган (ХЦК-33) холецистокинининг узун занжирли пептиди; 4-гуруҳ– 0,3 мл физиологик эритмада трипсинни 300 мкг/кг

миқдордаги эритмаси; 5-гурӯҳ–0,3 мл физиологик эритмада 8 аминокислотни (ХЦК-8) 0,15 мкг/кг миқдорда ва секретинни (0,15 мкг/кг) миқдорда сақлаган холецистокинининг қисқа занжирли пептидини 0,3 мл физиологик эритмада трипсинни 300 мкг/кг миқдордаги эритмаси билан бирга қўллаш; 6-гурӯҳ–протеаза ингибитори контрикал (апротини)ни 25 000 АТрЕ/кг қорин ичиша юбориш; 7-гурӯҳ–0,3 мл физиологик эритмада 8 аминокислотни (ХЦК-8) 0,15 мкг/кг миқдорда ва секретинни (0,15 мкг/кг) миқдорда сақлаган холецистокинининг қисқа занжирли пептидига қўшимча равишда протеаза ингибитори контрикал (апротини)ни 25 000 АТрЕ/кг қорин ичига юбориш; 8-я группа – 0,3 мл физиологик эритмада 8 аминокислотни (ХЦК-8) 0,15 мкг/кг миқдорда ва секретинни (0,15 мкг/кг) миқдорда сақлаган холецистокинининг қисқа занжирли пептидини 0,3 мл физиологик эритмада ПАР-2 гексапептиднинг 50 мкг/кг миқдордаги фаоллаштирилган тартибда қўллаш.

Ўткир ости тажрибаларининг бешинчи сериясида тана оғирлиги 180-220 грамм бўлган 50 дона оқ зотсиз эркак каламушларда, ҳар бир гуруҳда 10 донадан каламушлар бўлган 5 гуруҳда тадқиқотлар ўтказилди. 1 гуруҳда (назорат) эркак каламушларга физиологик эритма кун аро оғиз орқали 21 кун двомида ҳайвонларнинг 100 грамм тана оғирлигига 0,1 мл ҳисобидан юборилди. 2, 3, 4 ва 5 гуруҳларда (тажриба) тўрт хлорли углерод (CCl<sub>4</sub>) билан ўткир ости захарланиши моделлаштирилди. Бунинг учун ХЧ маркасидаги тўрт хлорли углерод (CCl<sub>4</sub>) 21 кун давомид ҳайвонларнинг 100 грамм тана оғирлигига нисбатан 0,1 мл ҳисобидан кун ора оғиз орқали эркак каламушларга юборилди [26].

3 (тажриба) гуруҳига қўшимча равишда қорин бўшлиғига 15 кундан бошлаб ҳар куни протеаза ингибитори контрикал (апротинин) 25 000 АТрЕ/кг миқдорида юборилди.

4 (тажриба) гуруҳига эса 15 кундан бошлаб ҳар куни протеаза ингибитори контрикал (апротинин) 25 000 АТрЕ/кг ва гепаринни 500 МЕ/кг миқдорида юборилди.

5 (тажриба) гуруҳига эса 15 кундан бошлаб ҳар куни 10 мг/кг тана оғирлигига ХЦК-1 рецепторининг антагонисти локсиглумид 10 мг/кг ва сунъий паст молекулли протеаза ингибитори нафамостатнинг 20 мг/кг миқдорида қорин ичига юборилди.

## **§2.2. Клиник материал**

20 ёшдан 70 ёшгача бўлган 188 нафар эркак ва аёллар текширишдан ўтказилди. Улар орасидан қиёслаш учун 42 нафар кишидан иборат бўлган 1-соғлом шахслар гуруҳи шакллантирилди, уларда HBV ва HCV инфекциясининг маркерлари мавжуд бўлмаган, жигар синамалари ва бошқа ҳисобга олинмаган кўрсаткичлар меъёрида бўлди. Текширилганларнинг 70 нафари ижобий HCV кўрсаткичларига эга бўлди, серологик маркерлардан 2 гуруҳ шакллантирилди, улардан 38 нафар бемор инфекциядан кейинги HCV маркерига эга бўлгалардан ташкил топган. Кичик гуруҳ бўлса, 32 нафар бемордан ташкил топган кичик гуруҳда эса HCVнинг сурункали инфекцияси аниқланди. Қолган 76 нафари HBV инфекциянинг ижобий серологик маркерларига эга бўлди, улардан 3 гуруҳ шакллантирилди, биринчи кичик гуруҳ 47 нафар беморлардан ташкил топган бўлиб, уларда HBV постинфекциясини тавсифловчи маркерларни бирга келиши аниқланди, шу гуруҳдаги 29 нафар беморда HBV сурункали инфекциясини кўрсатувчи серологик маркерлар аниқланди, бундан ташқари HBVнинг сурункали инфекцияси аниқланувчи яна бир кичик гуруҳ шакллантирилди.

Бундан ташқари, сурункали аутоиммун гепатит билан хасталанган 6 нафар бемор текширишдан ўтказилди, улардан 4 гуруҳ шакллантирилди ва 8 нафар сурункали алкогольли гепатит билан хасталанган беморлардан 5 гуруҳ шакллантирилди.

HCV сурункали инфекциянинг ижобий серологик маркерларига эга бўлган 18 нафар текширилган беморлардан ва HCV сурункали инфекцияси билан хасталанган 22 нафар бемордан 6 гуруҳ шакллантирилди, ушбу гуруҳни комплекс даволашга 3 кун давомида томир ичига томчилатиб 100 мл

физиологик эритмага 100 000 бирликда контрикал ва ҳафта давомида ҳар 12 соатда тери орасига 2,5 минг бирликда гепарин моддасини юбориш киритилди.

## 2.1-жадвал

### Беморларда текшириш ўтказиш жадвали

Текширувни 6 серияда турли формадаги гепатит ҳамда В ва С гепатит билан хасталанган беморларни контрикал ва гепарин билан даволаш тартиби					
1 гуруҳ соғлом назорат гуруҳи	2 гуруҳ В гепатитли тажриба гуруҳи	3 гуруҳ С гепатитли тажриба гуруҳи	4 гуруҳ алкоголли гепатит	5 гуруҳ аутоиммун гепатит	6 гуруҳ В ва С гепатит билан хасталанган контрикал ва гепарин қабул қилган беморлар гуруҳи

### §2.3. Тажриба тадқиқот усуллари

Меъда безларини секрецияси M.Ghosh ва S.Schild бўйича узлуксиз перфузия усули билан ўтказилди [43; б. 53-56]. Текширишлар гексанал наркози остида ўтказилди: қорин ичига тана оғирлигининг 100 граммга нисбатан 5%ли гексанал эритмасидан 0,3 мл киритилди.

Меъда перфузатини 0,3 мл физиологик эритмада 0,1 мкг/кг пентагастринни портал ичига киритилгунча 40 дақиқа давомида (иккита 20 дақиқали даврда) ва киритилгандан сўнг 40 дақиқа (иккита 20 дақиқали даврда), 20 дақиқали танаффуслар билан йиғилди.

Меъда перфузати таркибида қуйидагилар аниқланди: умумий протеолитик фаоллик (УПФ) бўйича протеазаларни спектрофотометрик усул бўйича ажратиб олиш [7; б. 13-17], хлорид кислота дебитини NaOH [7; б. 13-17] перфузати билан титрлаш.

Меъда ости беги секрециясини текшириш уретан наркози остида ўтказилди: тана оғирлигига нисбатан 1,1 г/кг миқдорда қорин ичига юбориш. Меъда ости безининг шираси ЭЧТ ни аниқлаш учун стандарт шиша капиллярларга 20 дақиқа давр мобойнида йиғилди, текширилувчи моддани томир ичига ёки портал ичига киритилгунча 40 дақиқа давомида (иккита 20

дақиқали даврда) ва киритилгандан сўнг (иккита 20 дақиқали даврда) аниқланди.

Меъда ости беши шираси таркибида қуйидагилар аниқлананди: умумий протеолитик фаоллик бўйича (УПФ) протеазаларни спектрофотометрик усул бўйича ажратиб олиш [40; б.; 15-19] 180 нмда оптик зичликни аниқлаш, крахмал бўйлишини пасайиб бориши бўйича фотометрик усул билан амилазани ажратиб олиш .[40].

Тетрахлорид углерод ( $CCl_4$ ) билан ўткир ости захарланиши моделлаштирилган гуруҳлардаги калмушларда 22 кунни декапитция ўтказилди, шундан сўнг қон зардобида ИФА усули билан қуйидагилар аниқланди : пепсиноген-1 (PG1) (ЗАО «Вектор-Бест», Россия); ХЦК-8 («ВСМ Diagnostics» АҚШ); гастрин-17 (G17) («Biohit», Финляндия).

Биокимёвий усул билан панкреатик амилаза (ЗАО «Вектор-Бест», Россия) ва панкреатик липаза («HUMAN», Германия), шунингдек, жигар синамалари: аланин трансминаза (АЛТ), аспартат аминотрансфераза (АСТ) ва умумий билирубин миқдори аниқланди.

Меъда ости беши тўқимасининг гомогенат таркибида спектрофотометрик усул билан умумий протеолитик фаоллик (УПФ) аниқланди [40; б. 15-19] крахмал бўйлишини пасайиши бўйича фотометрик усул билан 180 нм оптик зичликда амилаза аниқланди [40;б. 15-19].

Меъда шиллиғининг гомогенат таркибида 180 нм оптик зичлиги бўйича спектрофотометрик усул билан [7; б. 15-19] умумий протеолитик фаоллик (УПФ) аниқланди.

#### **§2.4. Клиник тадқиқот усуллари**

Барча текширилганларда инфекцион жараён босқичини аниқлаш учун қон зардобида ИФА (ЗАО «Вектор-Бест» нинг стандарт жамланмаси, Россия) усули билан HCVнинг қуйидаги маркерлари ўрганилди: Anti-HCVtotal, Anti-HCV core IgG, Anti-HCV core IgM, Anti- HCV NS3, Anti- HCV NS4, Anti-HCV NS5, HBV инфекциясини аниқлаш учун: HBs-антиген, HBe – антиген,

анти-НВs антитела, НВе IgG, НВс IgG, НВс IgM. Антителлар концентрацияси.

Текширишда оптик зичлик ҳисобга олинди (ОЗ –ҳажм бирлигидаги антитаначалар концентрация даражасини тавсифловчи оптик зичликни ўлчовчи бирлик) ва ОЗнинг шартли кўрсаткичларида акс эттирилди. Шунингдек, текширилганларнинг кон зардобида ИФА (стандарт жамланмаси) усули билан қуйидагиларни аниқлаш ўтказилди: икки занжирли (ds) ДНКга аутоиммун IgG (табиий), бир занжирли (ss) ДНКга аутоиммун IgG (денатурацияланган), пепсиноген-1 (PG1) ва пепсиноген-2 (PG2), (ЗАО «Вектор-Бест», Россия), ХЦК-8 («BCM Diagnostics», АҚШ), гастрин-17 (G17) («Biohit», Финляндия), антигенлар нисбатан антинуклеар антитаначалар: RNP-70, RNP/Sm, Sm, SS-A, SS-B, Scl-70, центромер В, Jo-1 (скриннингли тест) Orgentec Diagnostika GmbH (Германия), жигарнинг эриган антигенига нисбатан антитела (SLA/LP), IgG AESKU DIAGNOSTICS GmbH (Германия), IgA умумий иммуноглобулини, IgG («ХЕМА», Россия). Биокимёвий усулди панкреатик амилаза (ЗАО «Вектор-Бест» стандарт жамланмаси, Россия) ва панкреатик липаза («HUMAN», Германия) аниқланди.

Шунингдек, барча беморларда биокимёвий усул билан қуйидаги жигар синамалари аниқланди: аланинтрансаминаза (АЛТ), аспартатамино-трансфераза (АСТ), умумий ва бевосита билирубин, ишқорий фосфатаза (ИФ), глутамилтранспептидаза (ГГТП) (ЗАО «Вектор-Бест» стандарт жамланмасидан фойдаланилди.

## **§2.5. Статистик усуллар**

Статистик ҳисоблашлар Microsoft Windows дастур муҳитида, Microsoft OfficeExcel-2012 ва Statistica version 6,0 дастур пакетларини қўллаган ҳолда ўтказилди. Олинган маълумотлар  $M \pm m$  кўринишида акс эттирилди, бу ерда  $M$  – вариацион қаторнинг ўртача белгиси,  $m$ –ўртача белгининг стандарт хатолиги. Мустақил танловлар ўртасидаги фарқлар ишончилиги Манна–

Уитни ва Стьюдент усуллари бўйича аниқланди, жуфт қаторлар динамикасини баҳолашда Вильсон мезони қўлланилди.

Мустақил танловлар ўртасидаги корреляцион алоқа (r) Спирмен формуласидан фойдаланиш билан аниқланди:

$$r = 1 - \frac{6 - \sum(r_1 - r_2)^2}{n(n^2 - 1)}$$

Бу ерда:  $\sum (r_1 - r_2)^2$  – мос ранглардаги фарқлар квадратини йиғиндиси, n – жуфтлар миқдори.

Белгилар ўртасидаги ўзаро алоқа корреляция катталиги бўйича баҳоланди: агарда 0,7 дан юқори бўлса, у холда алоқа кучли деб баҳоланди, r= 0,3 дан кичик бўлса кучсиз деб баҳоланди.

Стьюдентнинг t-мезонини қуйидаги формуладан фойдаланиб ҳисобланди:

$$t = \frac{M_1 - M_2}{\sqrt{m_1^2 + m_2^2}}$$

Бу ерда: M – ўртача, m – стандарт ўртача хатолик.

Олинган катталикни Стьюдент жадвали билан таққосланди ва ишончлилик мезони олинди. Ўртача кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар ишончилиги деб P<0,05 қабул қилинди.

### **III БОБ. МЕЪДА ВА МЕЪДА ОСТИ БЕЗЛАРИДА ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИГА ЖИГАРНИ МОДИФИКАЦИЯЛОВЧИ ТАЪСИРИ**

Инсон ва ҳайвонлар организмида меъда ва меъда ости безларини овқат ҳазм қилишдаги бошқаришни пептидлар таъминлайди, уларнинг аксарият қисми турли молекуляр шаклларда бўлади.

Гастрин гуруҳ пептидларининг 10 молекуляр шакли ва холецистокинин (ХЦК)гуруҳининг 5 пептиди аниқланган бўлиб, улар ўз тузилмасида 4 дан 56 гача аминокислоталарни сақлайди, уларнинг физиологик аҳамияти жуда кам ўрнанилган. Исботланганки, жигар 80% гача қисқа занжирли гастрин пептидларини (пентагастрин) ва холецистокининли (ХЦК-8) пептидларини чиқаради [4, б. 20-22; 5, б. 9-11; 9, б. 46; 113, б. 344-346; 114, б. 243-245; 133, б. 1204-1208; 136, б. 1-3].

Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот лабораториясида тажриба шароитига олинган итларда олиб борилган изланишларда жигарда паст молекулали пептидлар, жумладан, ХЦК-8 ва пентагастринни физиологик утилизацияси кўрсатилган [4, б. 20-22; 9, б. 46]. Бу бир қатор бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам тасдиқланди [113, б. 344-346; 114, б. 243-245; 133, б. 1204-1208; 187, б. 19-20] мазкур утилизация айланиб юрувчи ичак пептидларининг ҳаддан ташқари кўп миқдорда иштирок этиши ҳисобига жигар касалликларида сезиларли ўзгариши мумкин, уларни шикастланган жигар утилизация қила олмаслиги мумкин [136, б. 1-3; 187, б. 19-20; 255, б. 880-883]. Шунингдек, бу меъда ва меъда ости безлари овқат ҳазм қилиш безларини бошқариш механизмларига таъсир этади. Шу билан бир вақтда ушбу модификацияловчи таъсир механизмларига таъсир этувчи омиллар етарли даражада ўрганилмаган.

Ҳозирги кунда мавжуд бўлган қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишда жигарнинг иштирокини ва овқат ҳазм қилувчи безларнинг фермент ажратувчи фаолиятига таъсир этишини намоёниш этувчи кам сонли



тадқиқотлар мазкур масалаларни етарли даражадаги ишончлилигини бермайди ва жигарни овқат ҳазм қилиш безларига таъсирини тасдиқловчи қўшимча тадқиқотлар ўтказишни талаб этади. Жигарнинг протеаза-фаоллаштирувчи рецепторларини (PAR-2 ва PAR -1) овқат ҳазм қилиш безларининг турли бошқариш мехнизмларида иштирок этишига оид масалалар қўйилмаган ва ўрганилмаган.

Қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун бизлар томонимиздан мазкур бобда баён этилган, каламушлардаги ўткир тажрибаларнинг қуйидаги сериялари ўтказилди. Периферик (1-серия) ва портал (2-серия) веналарга физиологик эритма, қисқа занжирли (Г-5) ва узун занжирли (Г-17) пептидлар, протеазалар (трипсин) ва протеаза ингибиторлари (контрикал), шунингдек, жигарда тахмин қилинаётган PAR -2 фаоллаштирувчи сифатида трипсин, Г-5 ва контрикални бирга қўллаш ва Г-5, гексапептид (SLIGRL) ни жигарни Г-5 махсус фаоллаштирувчиси билан бирга меъданинг овқат ҳазм қилиш безлари секрециясини ўзгаришига Г-5 ни кўрсатадиган қиёсий таъсири тадқиқ қилинди. Шунингдек, периферик (3-серия) ва портал (4-серия) веналарга физиологик эритмани, қисқа занжирли (ХЦК-8) ва узун занжирли (ХЦК-33) пептидларни, протеазалар (трипсин) ва протеаза ингибиторлари (контрикал), шунингдек, контрикал ХЦК-8 билан, трипсинни жигарнинг тахмин қилинаётган PAR -2 фаоллаштирувчилари ҳамда жигардаги PAR -2 нинг махсус фаоллаштирувчилари гексапептид (SLIGRL)ни ХЦК-8 билан таъсири ва меъда безлари секрециясини ўзгаришига ХЦК-8 ни киритилгандаги қиёсий таъсири ўрганилди.

Тажрибнинг каламушларда  $CCl_4$  томонидан захарланиш билан чақирилган захарли гепатитнинг ўткир ости моделида гепарин ва контрикал протеаза ингибиторларини бирга қўллашдаги таъсири, шунингдек, меъда ва меъда ости безлари овқат ҳазм қилиш безлари кўрсаткичлари бўйича жигар томонидан қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишдаги ўзгаришларга ХЦК-1 рецепторларининг антогонисти локсиглумид ва нафамостат-протеазанинг сунъий паст молекулали ингибиторлари тадқиқ қилинди.

### **§3.1. МЕЪДА ВА МЕЪДА ОСТИ БЕЗЛАРИ СЕКРЕТОР ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚА ЗАНЖИРЛИ ВА УЗУН ЗАНЖИРЛИ ПЕПТИДЛАРНИНГ МОДИФИКАЦИЯЛОВЧИ ТАЪСИРИНИНГ БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

#### **3.1.1. Меъда безларининг секретор фаолиятига пентагастрин ва гастрин-17 нинг таъсирининг баҳолаш натижалари**


Қисқа занжирли ва узун занжирли пептидларнинг утилизациясидаги ўзгаришларга меъданинг овқат ҳазм қилиш безларини таъсирига оид масалалар илгари етарли даражада ўрганилмаган. Тажрибанинг мазкур бўлимида каламушларнинг ошқозондаги овқат ҳазм қилиш безларига қисқа занжирли ва узун занжирли пептидларнинг таъсири тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

42 та каламушларда ўтказилган ўткир тажриба натижалари бўйича портал ва периферик веналарга юборилган қисқа занжирли пептид пентагастрин (Г-5) ва узун занжирли пептид гастрин-17 (Г-17) ларни меъда безларининг секретор фаолиятига кўрсатдиган модификацияловчи таъсири ўрганилди.

Ўрнатилдики, периферик венага (в/и) Г-5 ни киритилиши мос равишда  $1,7 \pm 0,08$  ва  $0,5 \pm 0,03$  мл ( $P < 0,001$ ) физиологик эритмани киритиш билан солиштирилганда меъда ширасини ажралиб чиқиш ҳажмини ишончли равишда ортишига олиб келади (3.1-расмга қаранг). Бунда периферик венага (в/и) юборилган Г-17 таъсири остида шунингдек, ажралаётган меъда ширасининг ҳажми, физиологик эритма юборилгандан кейингисига нисбатан ишончли равишда юқори  $1,8 \pm 0,09$  ва  $0,5 \pm 0,03$  мл ( $P < 0,001$ ) ва Г-5 киритилгандагига нисбатан сезиларсиз даражада юқори бўлди (3.1-А-расмга қаранг).

Г-5ни портал ичига киритилганда, портал ичига физиологик эритма киритишдаги кўрсаткичлар билан солиштирилганда меъда ширасининг ажралиб чиқувчи ҳажмини ишончли даражада ортиши  $1,1 \pm 0,08$  ва  $0,7 \pm 0,04$

мл ( $P < 0,001$ ) қайд этилди. Шу билан бир вақтда Г-5 ни портал вена ичига юборишдаги ширанинг хажм кўрсаткичлари, периферик венага киритишдаги худди шу белгиларга нисбатан ишончли даражада паст  $1,1 \pm 0,08$  ва  $1,7 \pm 0,08$  мл ( $P < 0,001$ ) бўлди. Г-17 ни портал ичига юбориш эса физиологик эритмани ҳам  $-1,65 \pm 0,12$  мл ва  $0,7 \pm 0,04$  мл ( $P < 0,001$ ), Г-5  $-1,65 \pm 0,12$  мл ва  $1,1 \pm 0,08$  мл ( $P < 0,001$ ) ҳам портал ичига киритишга нисбатан солиштирилганда меъда шираси хажмини ишончли равишда ортишини чақирди. Бунда Г-17 ни портал ичига юборишда кўрсаткичлар, мазкур периферик вена ичига киритишга нисбатан сезиларли даражада паст  $1,8 \pm 0,09$  ва  $1,65 \pm 0,12$  мл (3.1-А-расмга қаранг) бўлди.



+–физиологик эритма киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончлилик даражаси; о–периферик венага пентгстринни киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончлилик даражаси.

### 3.1-расм. Каламушларнинг периферик венасига (в/и) ва портал венасига (п/в) 0,3 мл физиологик эритма, пентагастрин Г-5(0,1 мкг/кг) ва гастрин Г-17(0,28 мкг/кг) юборилганда меъда секреция кўрсаткичларини ўзгариши

Периферик венага Г-5ни киритиши натижасида меъда ширсидаги УПФ кўрсаткичлари физиологик эритма киритилгандан кейинги кўрсаткичлар билан солиштирилганда  $51,3 \pm 3,74$  20ХБ/дақиқа ва  $29,9 \pm 1,85$  20ХБ/дақиқа

( $P < 0,001$ )га мос холда ишончли даражада юқори бўлди (3.1-Б-расмга қаранг). Периферик венага Г-17 пептиди киритилганда шунингдек, УПФ кўрсаткичлари физиологик эритма киритилгандан кейинги маълумотлар билан солиштирилганда ишончли равишда  $49,7 \pm 3,29$  (20ХБ/дақиқа) ва  $29,9 \pm 1,85$  20ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) юқори ва Г-5 киритилгандан кейинги ҳолатга нисбатан эса  $51,3 \pm 3,74$  20ХБ/дақиқа ва  $49,7 \pm 3,29$  20 ХБ/дақиқага мос холда сезиларсиз паст бўлди.

Г-5ни портал ичига киритилиши УПФни ажралиб чиқиши кўрсаткичларини, портал ичига физиологик эритма киритилгандаги кўрсаткичлар билан солиштирилганда мос холда  $42,8 \pm 2,2$  20 ХБ/дақиқа ва  $31,4 \pm 2,1$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,01$ ) га ишончли равишда ортишини юзга келтирди. Шу билан бир вақтда Г-5ни портал ичига киритилишида УПФ кўрсаткичлари сезиларли даражада паст  $42,8 \pm 2,2$  20 ХБ/дақиқа ва  $31,4 \pm 2,1$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,01$ ), аммо периферик венага киритилишидги худди шундай белгиларга нисбатан  $51,3 \pm 3,74$  20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) ишончсиз бўлди. Г-17ни портал ичига киритиш физиологик эритмани портал ичига киритиш билан солиштирилганда УПФнинг ишончли ортишини  $47,9 \pm 4,1$  20 ХБ/дақиқа ва  $31,4 \pm 2,1$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,01$ ), ва Г-5 чақирди. Бунда Г-17ни портал ичига киритилишидаги кўрсаткичлар ушбу пептидни периферик венага киритилишига нисбатан  $47,9 \pm 4,1$  Ед/20 дақиқа ва  $49,7 \pm 3,29$  20 ХБ/дақиқага га паст бўлди. (3.1-Б-расмга қаранг).

Меъда ширасининг умумий кислоталик кўрсаткичлари меъда шираси хажми ва УПФ ни ажралиши бўйича қайд этилган қонуниятларга эга бўлди. Г-5нинг периферик венага киритилгандан кейинги самарадорлик даражаси физиологик эритма самарасига нисбатан мос холда  $16,7 \pm 1,2$  мкмоль/20 дақиқа ва  $5,6 \pm 0,4$  мкмоль/20 дақиқа ( $P < 0,001$ ) ишончли равишда юқори бўлди. Шунингдек, Г-17ни периферик венага киритилгандан кейинги самараси, физиологик эритма самарасига нисбатан мос равишда  $14,5 \pm 1,1$  мкмоль/20дақиқа ва  $5,6 \pm 0,4$  мкмоль/20 дақиқа ( $P < 0,001$ ) га ишончли равишда юқори бўлди, аммо, Г-5 киритилгандан кейинги худди шу каби

кўрсаткичлардан мос ҳолда  $14,5 \pm 1,1$  мкмоль/20 дақиқа ва  $16,7 \pm 1,2$  мкмоль/20 дақиқага сезиларсиз паст бўлди. Г-5ни портал ичига киритилишидаги самараси физиологик эритмага нибатан мос ҳолда  $8,6 \pm 0,6$  мкмоль/20 дақиқа ва  $5,1 \pm 0,4$  мкмоль/20 дақиқа ( $P < 0,001$ ) га юқори бўлди, бироқ уларни периферик венага киритилгандан сўнг мос ҳолда бу кўрсаткичлар ишончли равишда паст  $8,6 \pm 0,6$  мкмоль/20 дақиқа ва  $16,7 \pm 1,2$  мкмоль/20 дақиқа ( $P < 0,001$ ) га тенг бўлди. Шу билан бир вақтда Г-17ни портал ичига киритиш меъда ширасининг умумий кислотлилиги физиологик эритмани портал ичига киритиш билан солиштирилганда ишончли равишда  $13,2 \pm 1,1$  мкмоль/20 дақиқа ва  $5,1 \pm 0,4$  мкмоль/20 дақиқа ( $P < 0,001$ ), шунингдек, Г-5 мос равишда  $13,2 \pm 1,1$  мкмоль/20 дақиқа ва  $8,6 \pm 0,6$  мкмоль/20 дақиқа ( $P < 0,001$ ) мос ҳолда ошишишини юзага келтирди. Бунда Г-17ни портал ичига киритишдаги кўрсаткичлар периферик венага ушбу пептидни киритишга нисбатан бўлган кўрсаткичлар мос ҳолда сезиларсиз даражада паст  $13,2 \pm 1,1$  мкмоль/20 дақиқа ва  $14,5 \pm 1,1$  мкмоль/20 дақиқа (3.1-в-расмга қаранг) бўлди.

Тақдим этилган маълумотлар гувоҳлик берадики, қисқа занжирли Г-5 гастрини жигар орқали ўтганда, секретор самарани сезиларли пасайиши юзага келади, бу умумий кислоталилик ва меъда шираси хажми кўрсаткичларини ишончли равишда пастлиги билан намоён бўлади. Бироқ меъданинг фермент-ажратиш фаолияти (УПФ-умумий протеолитик фаоллик кўрсаткичлари) кўрсаткичларининг ишончсиз, аммо яққол намоён бўлган пасайиши қайд этилади. Бунда жигар орқали Г-17 узун занжирли гастрин ўтганда секретор самарани пасайиши юзага келади, бу меъда шираси хажми, УПФ ва умумий кислоталилик кўрсаткичларини сезиларсиз пасайиши билан намоён бўлади. Бу маълумотлар каламушлардан олинган, жигарни узун занжирли эмас, балки қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишда иштирок этишидаги тахминларни тасдиқлайди.

Шундай қилиб жигар меъда фаолиятининг пептидергик бошқариш механизларида иштирок этади.

### **3.1.2. МЕЪДА ОСТИ БЕЗИ СЕКРЕТОР ФАОЛИЯТИГА ХОЛЕЦИСТОКИНИН-8 ВА ХОЛЕЦИСТОКИНИН-33 НИНГ ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ НАТИЖАЛАРИ**

Меъданинг овқат ҳазм қилиш безларига қисқа занжирли ва узун занжирли пептидларни утилизация қилишини ўзгаришига кўрсатдиган таъсирдан ташқари, ушбу механизмни меъда ости безлари функционал фаоллигига кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Тажрибанинг мазкур бўлимида қисқа занжирли ва узун занжирли пептидларни утилизация қилишни ўзгаришини меъда ости бези секретор фаолиятига таъсирини ўрганиш тажрибаларининг натижалари тақдим этилган.

42 дона каламушларда ўткир тажрибалар ўтказилди, унда портал ва периферик венага қисқа занжирли пептид ХЦК-8 ва узун занжирли пептид ХЦК-33 юборилганда меъда ости безининг секретор фаолиятига кўрсатадиган модификацияловчи таъсири ўрганилди.

Аниқландики, периферик вена ҳамда портал венага ҳам киритилган ХЦК таъсири остида ажралиб чиқувчи меъда ости бези ширасининг хажми физиологик эритма киритилгандан кейинги худди шундай кўрсаткичларга нисбатан ишончли равишда мос ҳолда  $0,79 \pm 0,07$  мл ва  $0,59 \pm 0,05$  мл ( $P < 0,05$ ), ва  $0,61 \pm 0,06$  мл ва  $0,48 \pm 0,03$  мл ( $P < 0,05$ ) юқори бўлди. Портал венага киритилган ХЦК-8 таъсири остида шира хажми периферик венага юборилганда ХЦК-8 кўрсаткичларига нисбатан  $0,61 \pm 0,06$  мл ва  $0,79 \pm 0,07$  мл ( $P > 0,5$ ) ишончсиз паст даражада бўлди.


ХЦК-33 юборилиши периферик венага  $0,71 \pm 0,06$  мл ва  $0,59 \pm 0,05$  мл ( $P > 0,5$ ), портал венага  $0,65 \pm 0,05$  мл ва  $0,48 \pm 0,03$  мл ( $P > 0,5$ ) физиологик эритмани юборилгандан кейинги худди шундай кўрсаткичлар билан солиштирилганда шира хажмини ишончсиз ортиши қайи қилинди (А-расмга қаранг). Шу билан бир вақтда, портал венага юборилганда ХЦК-33 таъсири остида меъда ости бези ширасини ажралиб чиқиши периферик венага ХЦК-

33 ни ажралиб чиқиши билан солиштирилганда мос холда  $0,65 \pm 0,05$  мл ва  $0,71 \pm 0,06$  мл ( $P > 0,5$ ) ишончсиз даражада паст бўлди, аммо пасайишнинг бу самаралари ХЦК-8 нинг худди шу самаралари билан солиштирилганда мос холда  $0,48 \pm 0,03$  мл ва  $0,59 \pm 0,05$  мл ( $P < 0,05$ ) сезиларли даражада кам намоён бўлди (3.2- А расмга қаранг).

Меъда ости беши шираси таркибида УПФ ни периферик венага ажралиб чиқишида ХЦК-8 ни киритилиши  $133,5 \pm 12,6$  20 ХБ/дақиқани ташкил этди, портал венага киритилишда эса -  $79,2 \pm 7,4$  20 ХБ/дақиқани ташкил этди, бу эса физиологик эритма киритилгандан кейинги кўрсаткичларга нисбатан мос холда  $62,2 \pm 6,6$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) ва  $48,0 \pm 5,4$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) га ишончли равишда юқори бўлди. Аммо шунга қарамай, портал венага киритилган ХЦК-8 таъсири остида УПФнинг кўрсаткичлари ( $79,2 \pm 7,4$  20 ХБ/дақиқа) периферик венага юборилганга нисбатан солиштирилганда -  $133,5 \pm 12,6$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) ишончли равишда паст бўлди. Периферик венага киритилган ХЦК-33 таъсири остида УПФ  $121,4 \pm 10,8$  20 ХБ/дақиқани этди, портал венага киритилганда эса -  $108,9 \pm 9,2$  20 ХБ/дақиқани кўрсатди, бу физиологик эритма киритилгандан кейинги кўрсаткичлар билан солиштирилганда мос холда  $62,2 \pm 6,6$  20 ХБ/дақиқани ( $P < 0,001$ ) в  $48,0 \pm 5,4$  20 ХБ/дақиқани ( $P < 0,001$ ) ишончли равишда юқори бўлди (3.2.-Б расмга қаранг). Барибир, портал венага киритилган ХЦК-33 таъсири остида УПФ периферик венага киритилган худди шундай кўрсаткичлардан сезиларсиз даражада паст бўлди (3.2- Б - расмга қаранг).

Периферик венага киритилган ХЦК-8 таъсири остида меъда ости беши шираси таркиби билан амилазанинг ажралиб чиқиши,  $1362,0 \pm 121,4$  20 ХБ/дақиқага, портал венага киритилганда эса -  $1001,1 \pm 93,1$  20 ХБ/дақиқага мос бўлди, бу эс физиологик эритма киритилгандан кейинги кўрсаткичларга нисбатан мос холда  $639,7 \pm 53,7$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) ва  $601,8 \pm 43,2$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) ишончли равишда юқори бўлди. Шунини таъкидлаш лозимки, портал венага киритилган ХЦК-8 таъсири остида, амилазани ажралиб чиқиши -  $1001,1 \pm 93,1$  20 ХБ/дақиқани ташкил этиб, бу периферик

венага ХЦК-8 ни киритилиши билан кўрсаткичларни  $639,7 \pm 53,7$  20 ХБ/дақиқа (P<0,001) ва  $601,8 \pm 43,2$  20 ХБ/дақиқа (P<0,001) ишончли равишда паст бўлиши кузатилди. ХЦК-33 ни периферик венага -  $1294,1 \pm 106,8$  20 ХБ/дақиқа ҳам, портал венага ҳам -  $1212,5 \pm 98,7$  20 ХБ/дақиқа киритилгандан кейин амилазани ажралиб чиқиши, физиологик эритма юборилгандан кейинги ҳолат билан солиштирилганда, мос ҳолда  $639,7 \pm 53,7$  20 ХБ/дақиқа (P<0,001) ва  $601,8 \pm 43,2$  20 ХБ/дақиқа (P<0,001) ишончли ортишини чақирди (3.2.-В расмга қаранг). Бунда портал венага киритилган ХЦК-33 таъсири остида амилазани ажралиб чиқиши, периферик венага ХЦК-33 юборилгандаги кўрсаткичлардан сезиларсиз даражада паст  $1212,5 \pm 98,7$  20 ХБ/дақиқа ва  $1294,1 \pm 106,8$  20 ХБ/дақиқа бўлди (3.2- В расмга қаранг).



+ - физиологик эритма киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарк катталиклари; o – периферик венага ХЦК-8 ни киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарк катталиклари

**3.2-расм. Каламушларнинг периферик венасига (в/и) ва портал венасига (п/в) физиологик эритма, ХЦК-8 (0,15 мкг/кг) ва секретин (0,15 мкг/кг), ХЦК-33 – (0,56 мкг/кг) ва секретин (0,15 мкг/кг) юборилганда меъда ости бези секреция кўрсаткичларини ўзгариши.**

Ўрнатилдики, жигар орқали қисқа занжирли ХЦК-8 пептиди ўтганида меъда ости безининг фермент ажратиб чиқарувчи фаолиятини сезиларли



пасайиши юзага келади, бу умумий протеолитик фаоллик ва амилазаларнинг ишончли пасайиши билан намоён бўлди. Бунда жигар орқали узун занжирли ХЦК-33 пептиди ўтганида меъда ости безининг фермент ажратувчи фаолиятини сезиларсиз пасайиши юзага келади, бу меъда ости безининг ширасинин хажми, умумий протеолитик фаоллик ва амилазалар кўрсаткичларини сезиларсиз пасайиши билан намоён бўлади.

Шундай қилиб, тажриба хайвонларда (каламушларда) портал венага киритилганда ХЦК-8 қисқа занжирли пептидини сезиларли, ХЦК-33 пептидини эса сезиларсиз утилизация қилади.

Олинган натижалар, жигарни қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишдаги иштирокини қўшимча тарзда тасдиқловчиси бўлиб ҳисобланади, бу меъда ости беги фаолиятини бошқаришнинг механизмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур тасдиқ меъда, меъда ости беги ва жигарнинг ўзаро боғлиқлигини физиологик механизмлари мавжудлигини янги исботи бўлиб ҳисобланади.

**§3.2. Пентагастриннинг қисқа занжирли пептидлари ва ХЦК-8 ни жигар томонидан утилизация қилишдаги ўзгаришларга трипсинни модификацияловчи таъсири кўрсаткичлари.**

**3.2.1. Пентгастринни жигар томонидан утилизация қилишдаги ўзгаришларга трипсинни таъсири, баҳолаш натижалари.**

Меъда ва меъда ости безини фермент ажратувчи фаолиятини камайтириш бўйича ушбу бобнинг ўтган бўлимларида кўрсатилдики, жигар қисқа занжирли пептидлар утилизациясини амалга оширади. Жигар томонидан қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишдаги ўзгаришларга таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш катта қизиқишни ташкил этди. Жигарни утилизация қилиш қобилиятига таъсир этувчи бизлар томонимиздан тахмин қилинаётган омиллардан бири трипсин бўлиб ҳисобланади. Ушбу бобнинг мазкур бўлимида трипсинни жигарни қисқа

занжирли пептидларни утилизация қилишдаги таъсирини ўрганиш натижалари келтириб ўтилган.

Бунда тажриба хайвонлари (каламушлар) да олиб борилган 56 ўткир тажриба натижалари тақдим этилган, унда портал ва периферик веналарга киритиш йўли билан трипсинни қисқа занжирли пептид пентагастрин (Г-5) билан биргаликда меъда ости безининг секретор фаолиятига модификацияловчи таъсири ўрганилди.

Каламушлардаги тажриба натижалари шуни кўрсатдики, периферик венага (в/и) юборилган трипсин таъсири остида ажралиб чиқувчи меъда ширасининг хажми физиологик эритма юборилгандан кейинги кўрсаткичларга нисбатан мос холда  $0,6 \pm 0,05$  мл ва  $0,5 \pm 0,03$  мл ( $P > 0,5$ ) ишончсиз равишда юқори бўлди. Трипсинни портал венага (п/и) юборилгандан кейинги таъсир натижасида эса физиологик эритма юборилгандан кейинги кўрсаткичларга нисбатан мос холда  $0,9 \pm 0,05$  мл ва  $0,7 \pm 0,04$  мл ( $P < 0,001$ ) ишончли равишда юқори бўлди (3.3.-А расмга қаранг).

Периферик венага  $1,7 \pm 0,15$  мл, ва портал венага  $1,1 \pm 0,09$  мл, юборилган Г-5 таъсири остида ажралувчи меъда ширасининг хажми физиологик эритма юборилгандан кейинги худди шундай кўрсаткичлардан мос холд  $0,5 \pm 0,03$  мл ва  $0,7 \pm 0,04$  мл ( $P < 0,001$ ) ишончли юқори бўлди. Бунда портал венага киритилган Г-5 таъсири остидаги кўрсаткичлар, периферик венага юборилган кўрсаткичлардан ишончли равишда паст  $1,7 \pm 0,15$  мл ва  $1,1 \pm 0,09$  мл ( $P < 0,001$ ) бўлди. Шу билан бир вақтда трипсин ва Г-5 нинг биргаликдаги таъсири остида Г-5 га нисбатан периферик венага юборилгандаги кўрсаткичларни ишончсиз ортиши  $1,7 \pm 0,15$  мл ва  $1,9 \pm 0,17$  мл ( $P > 0,5$ ) ва портал венага киритилганда эса ишончли ортиши  $1,1 \pm 0,09$  мл ва  $1,35 \pm 0,11$  мл ( $P < 0,001$ ) қайд этилди (3.3.-А расмга қаранг).


Периферик венага  $34,6 \pm 2,9$  20 ХБ/дақиқа ҳам, портал венага  $36,8 \pm 3,1$  20 ХБ/дақиқа ҳам трипсин киритилгандан кейинги меъда ширасининг УПФ кўрсаткичлари, физиологик эритма киритилгандан кейинги кўрсаткичларга нисбатан мос холда  $29,9 \pm 2,3$  20 ХБ/дақиқа ва  $31,4 \pm 2,7$  20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ )

ишончсиз юқори бўлди, ammo периферик венага киритилганга нисбатан сезиларсиз юқори натижаларни кўрсатди. Периферик венага юборилган  $51,3 \pm 4,7$  20 ХБ/дақиқа, ҳам, портал венага  $42,8 \pm 3,5$  20 ХБ/дақиқа ҳам киритилган Г-5 таъсири остида УПФ кўрсаткичлари физиологик эритма юборилгандан кейинги худди шундай кўрсаткичларга нисбатан ишончли равишда юқори  $29,9 \pm 2,3$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) ва  $31,4 \pm 2,7$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) бўлди. Бунда портал венага киритилган Г-5 таъсири остидаги кўрсаткичлар  $42,8 \pm 3,5$  20 ХБ/дақиқа, периферик венага юборилган кўрсаткичларга нисбатан  $51,3 \pm 4,7$  20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) ишончсиз паст бўлди. Шу билан бир вақтда трипсин ва Г-5нинг биргаликдаги таъсири остида, периферик венага юборилганда кўрсаткичларни  $51,3 \pm 4,7$  20 ХБ/дақиқа ва  $59,2 \pm 5,1$  20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) ишончсиз ортиши ва портал венага киритилганда эса  $42,8 \pm 3,5$  20 ХБ/дақиқа  $54,1 \pm 4,3$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,05$ ) ишончли ортиши қайд этилди (3.3- Б расмга қаранг).

Меъда ширасининг умумий кислотали кўрсаткичлари меъда ширасининг ажралиб чиққан хажми ва УПФ бўйича қайд этилган қонуниятларга эга бўлди. Периферик венага (в/и) трипсин киритилгандан сўнг, физиологик эритма киритилгандан кейинги кўрсаткичларга нисбатан ишончсиз юқори  $7,1 \pm 0,5$  20 ХБ/дақиқа  $5,6 \pm 0,4$  20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) бўлди. Портал венага (пв/и) трипсин таъсири остида эса физиологик эритма киритилгандагига нисбатан ишончли равишда юқори  $6,8 \pm 0,6$  20 ХБ/дақиқа  $5,1 \pm 0,3$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) бўлди.

Периферик венага ҳам  $16,7 \pm 1,3$  20 ХБ/дақиқа, портал венага ҳам  $8,6 \pm 0,7$  20 ХБ/дақиқа киритилган Г-5 таъсири остида меъда ширасининг умумий кислоталик кўрсаткичлари физиологик эритма юборилгандан кейинги кўрсаткичларга нисбатан мос холда  $5,6 \pm 0,4$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) ва  $5,1 \pm 0,3$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) ишончли даражада юқори бўлди. Бунда портал венага киритилгандаги Г-5 таъсири остидаги кўрсаткичлар  $8,6 \pm 0,7$  20 ХБ/дақиқа периферик венага киритилгандаги кўрсаткичлардан ишончли равишда паст  $16,7 \pm 1,3$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) бўлди. Шу билан бир вақтда

трипсин ва Г-5 нинг биргаликдаги таъсири остида периферик венага юборилганга нисбатан Г-5 кўрсаткичларини  $18,4 \pm 1,5$  20 ХБ/дақиқа ва  $16,7 \pm 1,3$  20ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) ишончсиз ортиши ва портал венага киритилганда эса ишончли ортиши қайд этилди (3.3-В-расмга қаранг).



+ - пентагастрин киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқ катталиклари; о – физиологик эритма киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқ катталиклари; + - периферик венага пентагастрин киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқ катталиклари.

**3.3-расм. Каламушларнинг периферик венасига (в/и) ва портал венасига (п/в) физиологик эритма, пентагастрин Г-5(0,1 мкг/кг), трипсин ва пентагастрин Г-5 (0,1 мкг/кг) ва трипсина биргаликда юборилганда меъда секреция кўрсаткичларини ўзгариши.**

Тақдим этилган маълумотлар гувоҳлик бердики, периферик венага трипсинни киритилиши физиологик эритмани киритишдаги худди шундай кўрсаткичлар билан солиштиришга нисбатан барча ҳисобга олинган кўрсаткичларни ишончсиз ортишини юзага келтирди. Бунда портал венага трипсинни киритилиши меъда ширасининг хажми ва умумий кислотлилик кўрсаткичларини ишончли даражада ортишини ва физиологик эритмани

киритилиши билан эс худди шундай кўрсаткичларга нисбатан УПФ кўрсаткичларини ишончсиз ортишини чақирди.

Ўрнатилдики, жигар орқали қисқа занжирли пентагастрин ўтказилганда, секретор самараларининг сезиларли пасайиши юзага келади, бу меъда ширасининг хажми ва умумий кислоталилик кўрсаткичларининг ишончли пастлиги билан намоён бўлади. Бироқ, меъданинг фермент ажратиб чиқарувчи кўрсаткичларини (УПФ кўрсаткичлари) яққол намоён бўлган, аммо ишончсиз равишда пасайиши қайд этилади. Бунда периферик венага трипсинни пентагастрин билан бирга киритилиши фақат пентагастринни ўзини киритилиши билан юзага келадиган худди шундай кўрсаткичларга нисбатан барча ҳисобга олиндиغان кўрсаткичларни ишончсиз ортишини юзага келтиради. Шу билан бир вақтда портал венага трипсинни пентагастрин билан бирга киритилиши фақат пентагастринни ўзини киритилиши билан юзага келадиган худди шундай кўрсаткичларга нисбатан барча ҳисобга олиндиغان кўрсаткичларни ишончли ортишини юзага келтиради.

Ушбу тадқиқот натижалари бўйича шундай хулоса қилиш мумкинки, каламушларда жигар қисқа занжирли пептид пентагастринни утилизация қилади. Трипсин периферик венага киритилганда меъданинг секретор фаоллигини сезиларсиз ва портал венага киритилганда сезиларли оширади, бу трипсинни жигарнинг қисқа занжирли пептид пентагастринни утилизация қилиш қобилиятини пасайтириш имкониятини кўрсатади.

Шундай қилиб, меъда ости беши томонидан инкретирланадиган трипсин жигар томонидан қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишни пасайтиришга олиб келади ва шу билан меъдани овқат ҳазм қилиш безлари фаолиятини бошқаришнинг физиологик механизмларида иштирок этади.

**3.2.2. Жигар томонидан ХЦК-8 утилизация қилишдаги ўзгаришларга трипсинни таъсири механизми.**


Ушбу бобнинг ўтган бўлимида трипсин таъсири остида жигар томонидан қисқа занжирли пептид пентагастринни утилизациясини пасайиши кўрсатилган. Шунингдек, меъда ости беши секретор фаолиятлари самараси бўйича ХЦК-8 қисқа занжирли пептидини жигар томонидан утилизация қилишга трипсин таъсири ўрганилди, ушбу тақдқиқот натижалари мазкур бўлимда тақдим этилади.

Меъда ости безининг секретор фаолиятига трипсин билан бирагаликда ХЦК-8 қисқа занжирли пептидини модификацияловчи таъсири каламушлардаги 56 ўткир тажрибаларда, уларни портал ва периферик веналарга юборилгандаги самарасини солиштириш йўли билан ўрганилди.

Ўрнатилдики, периферик вена кон томири ва портал венага ҳам киритилгандан кейин трипсин таъсири остида ажралувчи меъда ости беши ширасининг хажми (мос холда  $0,61 \pm 0,05$  мл ва  $0,5 \pm 0,03$  мл) мос холда физиологик эритма киритилгандан кейинги кўрсаткичга нисбатан солиштирилганда  $0,59 \pm 0,05$  мл ва  $0,48 \pm 0,03$  мл ( $P > 0,5$ ) амалий бўлмаган холатда юқори бўлди. Периферик венага ҳам, портал венага ҳам ХЦК-8 киритилганда физиологик эритма киритилиши билан худди шундай кўрсаткичларга нисбатан солиштирилганда мос холда  $0,79 \pm 0,07$  мл ва  $0,59 \pm 0,05$  мл ( $P < 0,05$ ),  $0,61 \pm 0,06$  мл ва  $0,48 \pm 0,03$  мл ( $P < 0,05$ ) бўлиши қайд этилди. Аммо шунга қарамай, портал венага киритилган ХЦК-8 таъсири остида бу кўрсаткичлар периферик венага киритилгандаги худди шундай кўрсаткичлардан ишончсиз бўлмаган холда  $0,61 \pm 0,06$  мл ва  $0,79 \pm 0,07$  мл ( $P > 0,5$ ) паст бўлди. ХЦК-8 ва трипсинни биргаликда қўлланилиши периферик венага юборилганда ХЦК-8 га нисбатан шира хажмини ишончсиз ортишини  $0,84 \pm 0,07$  мл ва  $0,79 \pm 0,07$  мл ( $P > 0,5$ ) ва портал венага киритилганда эса ишончли ортишини  $0,78 \pm 0,05$  мл ва  $0,61 \pm 0,06$  мл ( $P < 0,05$ ) чақирди (3.4.-А расмга қаранг).

Физиологик эритма юборилгандан кейинги кўрсаткичлар –  $62,2 \pm 6,6$  20/ХБ дақиқа  $57,2 \pm 4,3$  20/ХБ дақиқа ( $P > 0,5$ ) билан солиштирилганда

периферик венага юборилган трипсин таъсири остида УПФни аҳамиятсиз пасайиши ва портал венага киритилганда ортиши, шунингдек физиологик эритма самарасига нисбатан  $48,0 \pm 5,4$  20 ХБ /дақиқа ва  $55,4 \pm 4,1$  20 ХБ /дақиқа ( $P > 0,5$ ) қайд этилди. Периферик венага ҳам, портал венага ҳам ХЦК-8ни киритилиши, физиологик эритма борилгандан кейинги худди шу каби кўрсаткичлар билан солиштириш бўйича УПФ кўрсаткичларини мос холда –  $62,2 \pm 6,6$  20 ХБ /дақиқа ва  $133,5 \pm 11,7$  20/ХБ дақиқа ( $P < 0,001$ ) ва  $48,0 \pm 5,4$  20/ХБ дақиқа в  $79,2 \pm 7,1$  20 ХБ /дақиқа ( $P < 0,001$ ) ишончли ортишини чақирди. Шу билан бир вақтда портал венага киритилган ХЦК-8 таъсири остида УПФни ажралиб чиқиши  $79,2 \pm 7,1$  20 ХБ /дақиқа, периферик венага юборилгандаги худди шу каби кўрсаткичлари  $133,5 \pm 11,7$  20 ХБ /дақиқа ( $P < 0,001$ ) ишончли равишда паст бўлди. Трипсин ва ХЦК-8 биргаликда қўллаганда фақат ХЦК-8нинг ўзини қўллаш билан олинган кўрсаткичларни таққослашда периферик венага юборилганда  $142,7 \pm 13,5$  20 ХБ /дақиқа ва  $133,5 \pm 11,7$  20 ХБ /дақиқа ( $P > 0,5$ ) УПФни ишончсиз ортиши ва портал венага киритилганда ишончли ортиши  $111,8 \pm 9,4$  20 ХБ /дақиқа ва  $79,2 \pm 7$  20 ХБ /дақиқа ( $P < 0,05$ ) қайд этилди (3.4.- Б-расмга қаранг).



+ - ХЦК-8 киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарк катталиклари; o – периферик венага ХЦК-8 киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарк катталиклари; \* - ХЦК-8 ни киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг

ишончли фарқ катталиклари; + - физиологик эритма киритилгандан кейинги нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқ катталиклари; о–периферик венага ХЦК-8 киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқ катталиклари.

**3.4-расм. Каламушларнинг периферик венасига (в/и) ва портал венасига (п/в) физиологик эритма, ХЦК-8 – холецистокинин (0,15 мкг/кг) ва секретин (0,15 мкг/кг), трипсинни (300 мкг/кг) миқдорда, трипсин (300 мкг/кг) ХЦК-8 – холецистокинин (0,15 мкг/кг) ва секретин (0,15 мкг/кг) биргаликда юборилганда меъда ости бези секреция кўрсаткичларини ўзгариши.**

Трипсин таъсирида меъда ости бези шираси билан амилзанинг ажралиб чиқиши физиологик эритмани периферик венага юборилганда ҳам  $663,9 \pm 57,2$  20 ХБ/дақиқа  $639,7 \pm 53,7$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,5$ ), портал венага киритилганда ҳам мос холда  $663,9 \pm 57,2$  Бирлик/20 дақиқа ва  $639,7 \pm 53,7$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,5$ )  $663,9 \pm 57,2$  20 ХБ/дақиқа ва  $639,7 \pm 53,7$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,5$ ) ажралиб чиқишига нисбатан аҳамиятсиз даражада паст бўлди.

Периферик венага  $1362,0 \pm 121,4$  20 ХБ/дақиқа ҳам, портал венага ҳам  $1001,1 \pm 93,1$  20 ХБ/дақиқа, киритилган ХЦК-8 таъсири остида меъда ости бези шираси билан амилазани ажралиб чиқиши, физиологик эритма киритилгандан кейинги худди шу каби кўрсаткичларга нисбатан солиштирилганда мос холда ишончли равишда юқори  $639,7 \pm 53,7$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) ва  $601,8 \pm 43,2$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) бўлди. Шу билан бир вақтда портал венага киритилган  $1001,1 \pm 93,1$  20 ХБ/дақиқа, ХЦК-8 таъсири остида амилаза кўрсаткичлари ХЦК-8ни периферик венага киритилгандаги  $1362,0 \pm 121,4$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,05$ ) кўрсаткичлардан ишончли паст бўлди. Фақат ХЦК-8 нинг ўзига нисбатан трипсин ва ХЦК-8 ни бирга қўлланилиши периферик венага киритилишида  $1484,0 \pm 123,9$  20 ХБ/дақиқа ва  $1362,0 \pm 121,4$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,05$ ) меъда ости бези шираси таркибида амилазаларни ишончсиз ортишини ва портал венага киритилишида эса ишончли ортишини чақирди (3.4.-В расмга қаранг).



Ўрнатилдики, жигар орқали қисқа занжирли ХЦК-8 таъсирида секретор фаолияти самараларнинг сезиларли пасайиши юзага келади, бу умумий протеолитик фаоллик ва амилазалар кўрсаткичларини ишончли пасайиши билан намоён бўлади. Бунда периферик венага трипсинни ХЦК-8 билан бирга киритилиши, фақат ХЦК-8 ни киритилиши билан юзага келадиган кўрсаткичларга нисбатан барча ҳисобга олинган кўрсаткичларни ишончсиз ортишини чақирди. Шу билан бир вақтда портал венага ХЦК-8 ни трипсин билан бирга киритилиши фақат ХЦК-8 ни ўзини киритилиши билан юзага келдиган худди шундай кўрсаткичларга нисбатан барча ҳисобга олинган кўрсаткичларни ишончли ортишини юзага келтирди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари бўйича шундай хулоса қилиш мумкинки, каламушларда жигар қисқа занжирли пептидлар-ХЦК-8ни утилизация қилади. Периферик венага трипсин билан биргаликда ХЦК-8 ни киритилиши меъда ости бези секретор фоллигини сезиларсиз ва портал венага киритилганда сезиларли оширди, бу эса трипсинни ХЦК-8 қисқа занжирли пептидини жигар томонидан утилизация қилиш қобилятинини пасайтиришга имкон беришини кўрсатди.

Олинган натижалар, жигар томонидан қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишдаги ўзгаришларда трипсин иштирокини тасдиқловчи бўлиб ҳисобланади, бу меъда ости бези секретор фоллиятини бошқарувчи механизмлардан биридир. Трипсин тахминан жигардги PAR-2 орқали ушбу овқат ҳазм қилиш безлари фаолиятини бошқариш механизмларида иштирок этади, чунки PAR-2 меъда –ичак тизимининг барча бўлимларида жойлашган ва фоллаштирувчилар, жумладан трипсин таъсири остида сўлак безлари, меъда, меъда ости бези, ичаклар ва жигарни функционал бошқаришда иштирок этади [52, б. 248-250; 131, б. 4-6].

Тадқиқотнинг ушбу натижалари жигар ва меъда ичак тизимининг ўзаро боғлиқ бўлган физиологик механизмларининг мавжуд бўлган янги исботи бўлиб ҳисобланади, трипсин эса ушбу механизмларни модификациялшда иштирок этувчи омил бўлиб ҳисобланиши мумкин.

### **§3.3. Жигар томонидан қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишга контрикалнинг таъсири**

Аниқландики, каламушларда сунъий паст молекулали протеаза ингибитори габексатни қўлланилиши, қон зардобда трансаминазалар даражасини ортишини сезиларли камайтирди ва тўртхлорли углерод киритилгандан сўнг 24 соат ўтиб жигар гистологиясини яхшилади. Бунда ҳавфли ўсманинг некроз омили  $\alpha$  (TNF- $\alpha$ ) ва интерлейкин-1 $\beta$  (IL-1 $\beta$ ) габексат қабул қилган каламушларда физиологик эритма қабул қилган каламушларга нисбатан солиштирилганда сезиларли даражада пасайди. CCl<sub>4</sub> нинг ўлим дозаси 0%дан 20% гача юборилгандан кейин ҳам габексатни қўлланилиши яшовчанлик фаолиятини сезиларли даражада яхшилади [190, с. 260-263]. Шунингдек, кўрсатилдики, сунъий паст молекулали протеаза ингибитори нафомостат мезилатни вена ичига киритилганда чўчка гептоцитларига ижобий таъсир кўрсатади, чўчка гепатоцитлари мембраналарида протеаза фаоллигини олдини олиш билан бевосита таъсир этиш орқали уларнинг яшовчанлигини яхшилади [87, б. 2392-2395; 175, б. 534-537; 204, б. 595-597].

Шунинг учун жигар томонидан қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишга протеаза ингибиторларини таъсирини ва меъда ҳамда меъда ости безларининг овқат ҳазм қилиш безларини секретор фаолияти катта қизиқиш уйғотмоқда.

#### **3.3.1. Жигар томонидан пентагастринни утизация қилишдаги ўзгаришларга контрикалнинг таъсири**

Трипсиндан ташқари, жигар томонидан қисқа занжирли пептид пентагастринни меъда безларининг секретор фаолиятини утилизация қилишдаги контрикал протеаза ингибиторини таъсирини ўрганиш, шунингдек, катта қизиқиш уйғотди, мазкур тадқиқот натижалари ушбу бўлимда тақдим этилган.

Қисқа занжирли пентагастринни контрикал билан биргаликда меъда безларининг секретор фаолиятига периферик ва портал веналарга киритиш билан модификацияловчи таъсири каламушлардаги 56 ўткир тажрибаларда ўрганилди.

Тажриба натижалари кўрсатдики, периферик ванага киритилган (в/и) контрикал таъсири остида ажралувчи меъда ширасининг хажми физиологик эритма киритилгандагига нисбатан  $0,4 \pm 0,02$  мл ва  $0,5 \pm 0,03$  мл ( $P > 0,5$ ) ишончсиз равишда паст бўлди. Портал венага киритилган (п/и) контрикал таъсири остида физиологик эритма киритилгандагига нисбатан шунингдек, самара ишончсиз равишда паст  $0,5 \pm 0,04$  мл ва  $0,7 \pm 0,04$  мл ( $P > 0,5$ ), бўлди, аммо бу самара периферик венага киритилганга нисбатан янада яққол намоён бўлди (3.5.-А расмга қаранг).

Г-5 таъсири остида ажралиб чикувчи меъда ширасининг хажми периферик венага ҳам киритилган  $1,7 \pm 0,08$  мл ва  $0,5 \pm 0,03$  мл ( $P < 0,001$ ), портал венага ҳам киритилган  $1,1 \pm 0,08$  мл ва  $0,7 \pm 0,04$  мл ( $P < 0,001$ ) физиологик эритмалардан кейинги худди шундай кўрсаткичларга нисбатан мос холда ишончли равишда юқори бўлди. Бунда портал венага киритилган Г-5 таъсири остида кўрсаткичлар периферик венага киритилган кўрсаткичлардан  $1,1 \pm 0,08$  мл и  $1,7 \pm 0,08$  мл ( $P < 0,001$ ) ишончли равишда паст бўлди. Шу билан бир вақтда Контрикал в Г-5 нинг биргаликдаги таъсирини фақат Г-5 нинг ўзини таъсирига нисбатан таққослаганда периферик венага киритилгандаги кўрсаткичларни ишончсиз камайиши  $1,6 \pm 0,13$  мл ва  $1,7 \pm 0,08$  мл ( $P > 0,5$ ) ва портал венага киритилганда  $0,9 \pm 0,05$  мл ва  $1,1 \pm 0,08$  мл ( $P < 0,05$ ) ишончли камайиши қайд этилди (3.5.-А расмга қаранг).

Контрикал киритилгандан кейинги меъда ширасидаги УПФ кўрсаткичлари периферик венага ҳам  $26,1 \pm 2,2$  20 ХБ/дақиқа ва  $29,9 \pm 1,85$  20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ), портал венага  $25,4 \pm 2,4$  20 ХБ/дақиқа ва  $31,4 \pm 2,1$  20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) ҳам физиологик эритма киритилганга нисбатан ишончсиз паст бўлди, аммо периферик венага киритилганга нисбатан янада яққол намоён бўлди.


Периферик венага киритилган  $51,3 \pm 3,74$  20 ХБ/дақиқа и  $29,9 \pm 1,85$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ), шунингдек портал венага киритилган  $42,8 \pm 2,2$  20 ХБ/дақиқа и  $31,4 \pm 2,1$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,01$ ) Г-5 таъсири остида физиологик эритма киритилгандан кейинги худди шундай кўрсаткичларга нисбатан ишончли юқори бўлди. Бунда портал венага киритилган Г-5 таъсири остидаги кўрсаткичлар периферик венага киритилган кўрсаткичлардан  $42,8 \pm 2,2$  20 ХБ/дақиқа ва  $31,4 \pm 2,1$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,01$ ) ишончсиз паст бўлди. Шу билан бир вақтда контрикал ва Г-5нинг биргаликдаги таъсирини, фақат Г-5нинг ўзига нисбатан бўладиган таъсири остида периферик венага киритилгандаги кўрсаткичларни  $46,5 \pm 3,9$  20 ХБ/дақиқа ва  $51,3 \pm 3,74$  20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) ишончсиз пасайиши ва портал венага киритилишида эса ишончли камайиши  $35,7 \pm 2,1$  20 ХБ/дақиқа ва  $42,8 \pm 2,2$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,05$ ) қайд этилди (3.5-Б-расмга қаранг).

Меъда ширасининг умумий кислоталик кўрсаткичлари УПФ ва меъда шираси хажмини ажралиб чиқиши бўйича қонуниятга эга бўлди.

Периферик венага (в/и) контрикал киритилгандан сўнг, бу кўрсаткичлар физиологик эритма киритилгандагига нисбатан  $5,2 \pm 0,3$  мкмоль/20 дақиқа ва  $5,6 \pm 0,4$  мкмоль/20 дақиқа ( $P > 0,5$ ) сезиларсиз паст бўлди. Портал венага киритилган (п/и) контрикалнинг таъсири остида эса, физиологик эритма киритилгандагига нисбатан  $4,2 \pm 0,2$  мкмоль/20 дақиқа ва  $5,1 \pm 0,4$  мкмоль/20 дақиқа ( $P < 0,05$ ) ишончлилик даражаси паст бўлди.

Г-5 таъсири остида меъда ширасининг умумий кислоталик кўрсаткичлари периферик венага  $16,7 \pm 1,2$  мкмоль/20 мин ва  $5,6 \pm 0,4$  мкмоль/20 дақиқа ( $P < 0,001$ ) ҳам, портал венага ҳам  $8,6 \pm 0,6$  мкмоль/20 дақиқа ва  $5,1 \pm 0,4$  мкмоль/20 дақиқа ( $P < 0,001$ ) мос холда физиологик эритма киритилгандан кейинги кўрсаткичлардан ишончлилик даражаси юқори бўлди. Бунда портал венага киритилган Г-5 таъсири остида бу кўрсаткичлар периферик венага киритилгандаги кўрсаткичлардан  $8,6 \pm 0,6$  мкмоль/20 дақиқа ва  $5,1 \pm 0,4$  мкмоль/20 дақиқа ( $P < 0,001$ ) ишончли пст бўлди. Шу билан бир вақтда контрикал ва Г-5нинг биргаликдаги таъсирини, фақат Г-5нинг ўзига

нисбатан бўладиган таъсири остида периферик венага киритилгандаги кўрсаткичларни  $14,9 \pm 1,3$  мкмоль/20 дақиқа ва  $16,7 \pm 1,2$  мкмоль/20 дақиқа ( $P > 0,5$ ) ишончсиз пасайиши ва портал венага киритилишида эса ишончли камайиши  $8,6 \pm 0,6$  Мкмоль/20 дақиқа ва  $7,1 \pm 0,4$  Мкмоль/20 дақиқа ( $P < 0,05$ ) кайд этилди (3.5-В расмга қаранг).



+ -физиологик эритма киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқ катталиклари; о – периферик венага пентагастрин киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқ катталиклари.

### 3.5-расм. Каламушларнинг периферик венасига (в/и) ва портал венасига (п/в) физиологик эритма, пентагастрин Г-5 (0,1 мкг/кг), контрикал ва пентагастрин Г-5 (0,1 мкг/кг) ва контрикал биргаликда юборилганда меъда секреция кўрсаткичларини ўзгариши.

Такдим этилган маълумотлар гувоҳлик берадики, периферик венага контрикални киритилиши физиологик эритмани киритилиши билан юзага келадиган худди шундай кўрсаткичлар билан солиштирилганда барча ҳисобга олинadиган кўрсаткичларни ишончсиз камайишини юзага келтирди. Портал венага контрикални киритилиши меъда шираси хажми, умумий кислоталилик ва УПФ кўрсаткичларини периферик венага юборилгандаги худди шундай кўрсаткичларга нисбатан ишончлилик даражаси пасайишини чақирди.

Ўрнатилдики, жигар орқали қисқа занжирли пентагастрин ўтказилганда секретор самаранинг сезиларли пасайиши юзага келади, бу умумий кислотлилик ва меъда ширасининг хажмини паст кўрсаткичлари билан намоён бўлади. Бироқ, яққол намоён бўлган, аммо меъданинг фермент ажратувчи фаолияти (УПФ кўрсаткичлари) кўрсаткичларини ишончсиз пасайиши қайд этилди. Бунда периферик венага пентагастринни контрикал билан бирга киритилишида фақат пентагастринни ўзини киритилишидаги худди шундай кўрсаткичлар билан солиштирилганда барча ҳисобга олинган кўрсаткичларни ишончсиз камайиши юзага келди. Шу билан бир вақтда портал венага контрикални пентагастрин билан бирга киритилиши периферик венага киритилиш билан солиштирилганда ҳисобга олинган барча кўрсаткичларни янада яққол намоён бўлган пасайишини чақирди.

Олинган маълумотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, каламушлар жигарида қисқа занжирли пептид пентагастринни утилизация қилади. Контрикални периферик венага киритилганда меъданинг секретор фаоллигини сезиларсиз, портал венага киритилганда эса сезиларли пасайтиради, бу жигарни қисқа занжирли пептид пентагастринни утилизация қилиш қобилятини контрикал пасайтириши мумкинлигини кўрсатади.

Олинган натижалар жигар томонидан қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишдаги ўзгаришларда контрикалнинг иштирок этишини тасдиқлайди, бу меъда безлари секретор фаолиятини бошқариш механизмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Контрикал таҳминларга кўра жигарнинг ПАР-2 си орқали мазкур овқат ҳазм қилиш безлари фаолиятини бошқариш механизмларида иштирок этади, чунки у ПАР-2 протеаза фаолиятига қаршилиқ кўрсатади, улар эса жигар томонидан қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишни пасайтиришга сабаб бўлади.

Шунингдек олинган маълумотлар жигар ва меъда ичак тизимининг ўзаро боғлиқлиги физиологик механизмларининг мавжудлигини яна бир исботи бўлиб ҳисобланади, протеазалар ингибитори, бу ҳолатда контрикал

ушбу механизмларни модификация қилишда иштирок этувчи омиллардан бири бўлиб ҳисобланиши мумкин.

### **3.3.2. Жигар томонидан ХЦК-8ни утилизация қилишга контрикалнинг таъсири**

Жигар томонидан қисқа занжирли пептид ХЦК-8 ни утилизациясига, шунингдек меъда ости беши секретор фаолиятига контрикалнинг таъсири катта қизиқиш уйғотди, ушбу тақдқиқот натижалари мазкур бўлимда тақдим этилган.

Тажриба хайвонларда ўтказилган 56 та ўткир тажриба натижалари бўйича меъда ости безларининг секретор функциясига қисқа занжирли пептид ХЦК-8 ни контрикал билан бирга портал ва периферик венага киритилишидаги модификацияловчи таъсири ўрганилди.


Ўтказилган тақдқиқот натижалари бўйича ўрнатилдики, контрикал таъсири остида ажралиб чиқувчи меъда ширасининг хажми периферик венага киритилган  $0,58 \pm 0,04$  мл ва  $0,59 \pm 0,05$  мл ( $P > 0,5$ ) да ҳам, портал венага киритилганда ҳам  $0,45 \pm 0,04$  мл ва  $0,48 \pm 0,03$  мл ( $P > 0,5$ ) физиологик эритмадан кейин худди шундай кўрсаткичларга нисбатан аҳамиятсиз даражада паст бўлди.

Бунда ХЦК-8 таъсири остидаги шира хажми периферик венага ҳам  $0,79 \pm 0,07$  мл ва  $0,59 \pm 0,05$  мл ( $P < 0,05$ ), портал венага ҳам  $0,61 \pm 0,06$  мл ва  $0,48 \pm 0,03$  мл ( $P < 0,05$ ) киритилган физиологик эритмадан сўнг юзага келган кўрсаткичларга нисбатан ишончли даражада юқори бўлди. Шу билан бир вақтда портал венага киритилган ХЦК-8 таъсири остида кўрсаткичлар периферик венага киритилган кўрсаткичлардан  $0,61 \pm 0,06$  мл ва  $0,79 \pm 0,07$  мл ( $P > 0,5$ ) ишончсиз даражада паст бўлди. Контрикал ва ХЦК-8ни бирга қўлланилиши эса периферик венага киритилганда, ХЦК-8ни киритилишини худди шундай кўрсаткичлари билан солиштирилганда кам даражада кўрсаткичларни ишончсиз пасайишини  $0,75 \pm 0,06$  мл ва  $0,79 \pm 0,07$  мл ( $P > 0,5$ )

чақирган бўлса, портал венага киритилганда  $0,52 \pm 0,04$  мл ва  $0,61 \pm 0,06$  мл ( $P > 0,5$ ) юқори даражасини юзага келтирди (3.6. Арасмга қаранг).

Периферик венага киритилган контрикал таъсири остида физиологик эритмани киритишдаги мос холдаги  $62,2 \pm 6,6$  20 ХБ/дақиқа ва  $48,0 \pm 5,4$  20 ХБ/дақиқа, ( $P > 0,5$ ) худди шундай кўрсаткичларга таққосланганда УПФнинг сезиларсиз пасайиши -  $53,1 \pm 4,7$  20 ХБ/дақиқа портал венага киритилганда эса юқори даражада -  $37,1 \pm 2,5$  20 ХБ/дақиқа даражада пасайиши қайд этилди.

ХЦК-8 ни киритилиши периферик венага ҳам  $133,5 \pm 12,6$  20 ХБ/дақиқа ва  $62,2 \pm 6,6$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ), портал венага ҳам  $79,2 \pm 7,4$  20 ХБ/дақиқа ва  $48,0 \pm 5,4$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) физиологик эритма киритилгандан кейинги худди шундай кўрсаткичлар билан таққослаш бўйича УПФ кўрсаткичларини ишончли ортишини чақирди.



+ -физиологик эритма киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарк катталиклари; о – периферик венага ХЦК-8 киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарк катталиклари.

**3.6-расм. Каламушларнинг периферик венасига (в/и) ва портал венасига (п/в) физиологик эритма, ХЦК-8 – холецистокинин ( $0,15$  мкг/кг) ва секретин ( $0,15$  мкг/кг), контрикал  $25\ 000$  АТрЕ/кгни биргаликда ХЦК-8 – ( $0,15$  мкг/кг) ва секретин ( $0,15$  мкг/кг) билан биргаликда юборилганда меъда ости бези секреция кўрсаткичларини ўзгариши.**



Бунда портал венага юборилган ХЦК-8 таъсири остидаги кўрсаткичлар, периферик венага юборилган кўрсаткичлардан  $79,2 \pm 7,4$  20 ХБ/дақиқа ва  $133,5 \pm 12,6$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) ишончлилик даражаси паст бўлди.

Шу билан бир вақтда контрикал ва ХЦК-8 нинг биргаликдаги таъсири остида, факт ХЦК-8 ни киритиш билан юзага келадиган худди шундай кўрсаткичларга нисбатан натижаларни ишончлилик даражаси пасайиши қайд этилди, бунда периферик венага юборилишда паст даражада  $122,4 \pm 11,3$  20 ХБ/дақиқа ва  $133,5 \pm 12,6$  20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) ҳамда портал венага киритишда  $61,9 \pm 5,2$  20 ХБ/дақиқа ва  $79,2 \pm 7,4$  20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) юқори даражада намоён бўлди (3.6- Б расмга қаранг).

Контрикал таъсири остида меъда ости беши ширасидаги амилаза кўрсаткичлари физиологик эритма юборишдаги худди шу каби кўрсаткичлар билан солиштирилганда, периферик венага юборилганда  $579,3 \pm 46,1$  20 ХБ/дақиқа ва  $639,7 \pm 53,7$  20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) кам даражада сезиларсиз, портал венага киритилганда эса  $496,8 \pm 42,5$  20 ХБ/дақиқа ва  $601,8 \pm 43,2$  20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) юқори даражада пасайди.

Бунда периферик венага ҳам юборилган -  $1362,0 \pm 121,4$  20 ХБ/дақиқа дақиқа, портал венага ҳам киритилган -  $1001,1 \pm 93,1$  20 ХБ/дақиқа ХЦК-8 таъсири остида меъда ости беши шираси таркибидаги амилаза кўрсаткичлари мос холдаги физиологик эритма юборилгандан кейинги худди шундай кўрсаткичларга нисбатан  $639,7 \pm 53,7$  20 ХБ/дақиқа ва  $601,8 \pm 43,2$  20 ХБ/дақиқа ишончли юқори бўлди ( $P < 0,001$ ). Шу билан бир вақтда контрикал ва ХЦК-8 нинг биргаликдаги таъсири остида, фақат ХЦК-8 ўзини киритиш билан юзага келадиган худди шундай амилаза кўрсаткичларга нисбатан натижаларни ишончсиз пасайиши қайд этилди, бунда периферик венага юборилишда паст даражада  $1245,0 \pm 115,4$  20 ХБ/дақиқа ва  $1362,0 \pm 121,4$  20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) ҳамда портал венага киритишда  $814,2 \pm 73,1$  20 ХБ/дақиқа ва  $1001,1 \pm 93,1$  Ед/20 20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) юқори даража қайд этилди (3.6.-В расмга қаранг).

Олинган натижалар кўрсатдики, периферик венага контрикал юборилганда меъда ости шираси таркибидаги барча кўрсаткичларни ўзгаришлари жуда кам намоён бўлган ва ишончсиз бўлди, бу кўрсаткичларни янада кўпроқ намоён бўлиши портал венага киритилганда қайд этилди.

Ўрнатилдики, жигар орқали қисқа занжирли ХЦК-8 пептиди ўтганида секретор самаранинг сезиларли пасайиши юзага келади, бу меъда ости беши шираси хажми, умумий протеолитик фаоллик ва амилазалар кўрсаткичларини ишончлилик даражаси пастлиги билан намоён бўлди. Периферик венага контрикални ХЦК-8 билан бирга юборилиши факт ХЦК-8ни ўзини юборишга нисбатан барча ҳисобга олинадиган кўрсаткичларни ишончсиз пасайишини юзага келтирди. Шу билан бир вақтда портал венага контрикални ХЦК-8 билан бирга киритилишида фақат ХЦК-8 ни ўзи киритилгандаги худди шу каби кўрсаткичларга нисбатан барча ҳисобга олинадиган кўрсаткичларни янада яққол намоён бўлган ишончли камайишини чақирди.

Олинган маълумотлар шундай хулоса қилишга имкон берадики, каламушларнинг жигари ХЦК-8 қисқа занжирли пептидини утилизация қилади. Периферик венага Контрикални ХЦК-8 билан бирга киритилиши меъда ости безининг секретор фаоллигини сезиларсиз ва портал венага киритилганд сезиларликамайтиради, бу контрикални жигарни қисқа занжирли пептид ХЦК-8 ни утилизация қилиш қобилятини ошириш имкониятини кўрсатади.

Тақдим этилган маълумотлар жигарда қисқа занжирли пептидларни утилизация қилинишини тасдиғи бўлиб ҳисобланади, бу эса овқат ҳазм қилиш безлари фаолиятини бошқариш механизмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунингдек протеаза ингиборлари ҳам бошқаришнинг ушбу механизмларида иштирок этиши мумкин. Жигар томонидан қисқа занжирли пептидларни PAR-2 орқали утилизация қилинишини пасайтирувчи трипсинга қарама қарши, протеаза ингибиторлари PAR -2 протеаза фаолиятига қаршилик кўрсатади ва уларнинг утилизациясини оширади. Бу эса жигарни меъда ва

меъда ости безлари билан ўзаро боғланган модификацияланувчи механизмларини мавжудлигини янги исботи бўлиб ҳисобланади.

**§3.4. Жигар томонидан пентагастрин ва ХЦК-8 ни утилизация қилишга трипсин ва гексапептид-SLIGRL таъсирини қиёсий баҳолаш.**

**3.4.1. Жигарда пентагастринни утилизация қилишдаги ўзгаришларга гексапептид-SLIGRL ва трипсинни таъсири.**


Ушбу бобнинг ўтган бўлимларида бизлар томонимиздан жигар томонидан қисқазанжирли пептидларни утилизациясини модификациялашда протеаза ва унинг ингибиторларини иштироки кўрсатилди. Маълумки, протеазанинг турли ҳужайраларга кўрсатадиган асосий таъсир механизми PAR-2 орқали амалга оширилади. Бизлар томонимиздан тахмин қилиндики, трипсинни жигар томонидан пентагастрин ва ХЦК-8 утилизация қилишни пасайтиришга кўрсатадиган таъсир механизми жигарнинг PAR-2 си орқали амалга оширилади. Шунинг учун трипсинни PAR-2 рецепторларининг махсус фаолаштирувчиси бўлган - гексапептид-SLIGRL га кўрсатадиган таъсирини ўрганиш катта қизиқиш уйғотди. Бундан мақсад самараларнинг ўхшашлиги бўйича трипсинни жигарнинг PAR-2 рецепторлари орқали қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишини пасайтиришини билвосита тасдиқлашдир. Сунъий агонистлар ва антогонистлар PAR-2 фаолиятини *in vivo* тадбиқ қилиш учун қимматли восита бўлиб ҳисобланади. PAR-2 биологиясини баҳолаш учун ҳозирги вақтда қўлланиладиган аксарият лигандлар бўлиб пептидлар бўлиб ҳисобланди. Сунъий гексапептид - SLIGRL (серин, лейцин, изолейцин, глицин, аргинин, лейцин кетма кетлиги), бошқа аминокислоталар кетма кетлигига нисбатан янада кучли бўлиб, у пептид агонисти сифатида энг кўп қўлланувчи бўлиб ҳисобланади. [185, б. 195-197]. Ушбу тадқиқот натижалари бобнинг мазкур бўлимида тақдим этилган.

Каламушларда 56 nf ўткир тажрибалар ўтказилди, уларда меъда безлари секретор функциясига портал ва периферик венага қисқа занжирли пептид пентагастринни трипсин билан биргаликда ва алохида пентагастринни гексапептид (SLIGRL) биргаликда таъсир этиб, киритишдаги қиёсий таъсири ўрганилди.

Каламушлардаги тажриба натижалари кўрсатдики, периферик венага ҳам киритилган  $1,7 \pm 0,15$  мл ва  $0,5 \pm 0,03$  мл ( $P < 0,001$ ), портал венага ҳам киритилган  $1,1 \pm 0,09$  мл ва  $0,7 \pm 0,04$  мл ( $P < 0,001$ ) Г-5 таъсири остида меъда шираси физиологик эритма киритилгандан кейинги худди шундай кўрсаткичлардан ишончли юқори бўлди. Бунда портал венага киритилган Г-5 таъсири остида ҳажм кўрсаткичлари, периферик венага киритилгандаги кўрсаткичлардан  $1,7 \pm 0,15$  мл ва  $1,1 \pm 0,09$  мл ( $P < 0,001$ ) ишончли паст бўлди. Худди шу каби йўналиш трипсинни Г-5 билан биргаликда таъсир этиши остида ҳам кузатилди. Физиологик эритмани киритишдаги кўрсаткичларга нисбатан периферик венага юборишда  $0,5 \pm 0,03$  мл  $1,9 \pm 0,17$  мл ( $P < 0,001$ ) ва портал венага киритишда  $0,7 \pm 0,04$  мл и  $1,35 \pm 0,11$  мл ( $P < 0,001$ ) ҳажм кўрсаткичларни ишончилилик даражаси ортиши, фақат пентагастринни критишдаги кўрсаткичлара нисбатан периферик венага киритилишида ҳажм кўрсаткичларини  $1,7 \pm 0,15$  мл и  $1,9 \pm 0,17$  мл ( $P > 0,5$ ) ишончсиз ортиши ва портал венага киритилганда  $1,1 \pm 0,09$  мл ва  $1,35 \pm 0,11$  мл ( $P < 0,001$ ) ишончилилик даражаси ортиши қайд этилди. Худди шунга ўхшаш самара йўналиши гексапептидни Г-5 билан биргаликдаги таъсири остида, физиологик эритмани периферик венага ҳам  $0,5 \pm 0,03$  мл ва  $1,85 \pm 0,15$  мл ( $P < 0,001$ ) ва портал венага ҳам  $0,7 \pm 0,04$  мл ва  $1,45 \pm 0,12$  мл ( $P < 0,001$ ), шунингдек пентагастринни периферик венага  $1,7 \pm 0,15$  мл ва  $1,85 \pm 0,15$  мл ( $P > 0,5$ ) ва портал венага  $1,1 \pm 0,09$  мл, ҳамда  $1,45 \pm 0,12$  мл ( $P < 0,001$ ) таъсири остида кузатилди (3.7-А- расмга қаранг).

Периферик венага ҳам  $51,3 \pm 4,7$  20 ХБ/дақиқа, портал венага ҳам киритилган Г-5 таъсири остида УПФ кўрсаткичларини мос холдги физиологик эритма киритилгандан кейинги  $29,9 \pm 2,3$  20 ХБ/дақиқа дақиқа

( $P < 0,001$ ) ва  $31,4 \pm 2,7$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) худди шу каби кўрсаткичлардан ишончли юқори бўлди. Бунда портал венага  $42,8 \pm 3,5$  20 ХБ/дақиқа киритилган Г-5 таъсири остида УПФ кўрсаткичлари периферик венага киритилган  $51,3 \pm 4,7$  20 ХБ/дақиқа кўрсаткичлардан ишончсиз паст бўлди ( $P > 0,5$ ). Шу билан бир вақтда фақат пентагастринни киритилиш кўрсаткичларига нисбатан трипсин ва Г-5 нинг биргаликдаги таъсири остида периферик венага юборилганда  $51,3 \pm 4,7$  20 ХБ/дақиқа ва  $59,2 \pm 5,1$  20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) кўрсаткичларни ишончсиз ортиши ва портал венага киритилганда  $42,8 \pm 3,5$  20 ХБ/дақиқа ва  $54,1 \pm 4,3$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,05$ ) ишончлилик даражасини ортиши қайд этилди. Фақат пентагастринни киритилишдаги кўрсаткичларга нисбатан, гексапептидни Г-5 билан бирга таъсир қилганида периферик венага юборилишида кўрсаткичларни  $51,3 \pm 4,7$  20 ХБ/дақиқа ва  $55,1 \pm 4,9$  20 ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) ишончсиз ортиши ва шунингдек портал венага киритилганда эса  $42,8 \pm 3,5$  20 ХБ/дақиқа ва  $61,7 \pm 5,2$  20 ХБ/дақиқа ( $P < 0,05$ ) ишончли ортиши қайд этилди (3.7-Б расмга қаранг).



Изоҳ: \* - физиологик эритма киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли даражаси; o - пентагастринни киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончлилик даражаси; + - периферик венага пентагастринни киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқи.

**3.7-расм. Каламушларнинг периферик венасига (в/и) ва портал венасига (п/в) физиологик эритма, пентагастрин (Г-5)ни, трипсин билан биргаликда (Тр) ваГ-5, декгексапептидни (Гекп) ваГ-5 билан биргаликда юборилганда меъда секреция кўрсаткичларини ўзгариши.**

Меъда ширасининг умумий кислоталилик даражасининг ўзгариши меъда ширасининг ажралиб чиқиш хажми ва УПФ кўрсаткичлари билан бир хил бўлади. Г-5 нинг таъсири остида меъда ширасининг умумий кислоталик кўрсаткичлари периферик венага киритилганда  $16,7 \pm 1,3$  Бирлик/20 дақиқа ҳам, портал венага киритилганда  $8,6 \pm 0,7$  Бирлик/20 дақиқа ҳам мос холда физиологик эритма киритилгандан  $5,6 \pm 0,4$  Бирлик/20 дақиқа ( $P < 0,001$ ) ва  $5,1 \pm 0,3$  Бирлик/20 дақиқа ( $P < 0,001$ ) кейинги кўрсаткичлардан ишончли юқори бўлди. Бунда портал венага киритилган  $8,6 \pm 0,7$  Бирлик/20 дақиқа Г-5 таъсири остида периферик венага киритилган  $16,7 \pm 1,3$  Бирлик/20 дақиқа ( $P < 0,001$ ) кўрсаткичлардан ишончли паст бўлди. Шу билан бир вақтда трипсинни Г-5 билан биргаликдаги таъсири остида периферик венага киритилганда  $18,4 \pm 1,5$  Бирлик/20 дақиқа  $16,7 \pm 1,3$  Бирлик/20 дақиқа ( $P > 0,5$ ) кўрсаткичларни Г-5 га нисбатан ишончсиз ортиши ва портал венага киритилганда эса  $11,3 \pm 0,9$  Бирлик/20 дақиқа ва  $8,6 \pm 0,7$  Бирлик/20 дақиқа ( $P < 0,05$ ) ишончли ортиши қайд этилди. Фақат пентагастринни киритилгандаги кўрсаткичларга нисбатан худди шу каби йўналишлар гексапептид ва Г-5 нинг биргаликдаги таъсири остида ҳам кузатилди, бунда периферик венага киритилгандаги  $17,5 \pm 1,6$  Бирлик/20 дақиқа ва  $16,7 \pm 1,3$  Бирлик/20 дақиқа ( $P > 0,5$ ) кўрсаткичларни ишончсиз ортиши ва портал венага киритилганда  $13,2 \pm 1,2$  Бирлик/20 дақиқа ва  $8,6 \pm 0,7$  Бирлик/20 дақиқа ( $P < 0,001$ ), ишончли ортиши қайд этилди (3.7. Врасмга қаранг).

Тақдим этилган маълумотлар кўрсатадики, периферик венага ҳам, портал венага ҳам киритилган пентагастрин физиологик эритма киритилгандаги худди шундай кўрсаткичларга нисбатан солиштирилганда барча ҳисобга олинган кўрсаткичларни ишончли ортишини чақирди. Бунда

портал венага киритилган пентагастрин таъсири остида барча кўрсаткичлар периферик венага киритилган кўрсаткичлардан ишончли паст бўлди. Бунда портал венага киритилган пентагастрин таъсири остида баарча кўрсаткичлар периферик венага киритилган кўрсаткичлардан ишончли паст бўлди. Бу натижалар жигар томонидан пентагастринни сезиларли утилизация қилинишини кўрсатади.

Периферик венага пентагастринни трипсин билан биргаликда киритилиши, фақат пентагастринни киритилиши билан юзага келадиган худди шу кўрсаткичларга нисбатанбарча ҳисобга олинган кўрсаткичларни ишончсиз ортишини ва портал венага киритилганда эса ишончли ортишини чақирди. Мазкур натижалар намойиш этадики, трипсин жигар томонидан пентагастринни утилизация қилинишини пасайтиришга ва уни меъданинг овқат ҳазм қилиш безларига таъсирини ортишига сабаб бўлади.

Трипсиндагига ўхшаш самаралар гексапептидни пентагастрин билан бирга қўлланилганда қайд этилди. Фақат пентагастринни киритилиши билан худди шу каби кўрсаткичларга нисбатан периферик венага гексапептидни пентагастрин билан бига киритилиши шунингдек барча ҳисобга олинган кўрсаткичларни ишончсизлик даражасини ортишини ва портал венага киритилганда эса бу кўрсаткичларни ишончлилилик даражасини ортишини юзага келтирди. Бунда гексапептидни пентагастрин билан биргаликда киритилгандаги кўрсаткичлар периферик венага юборилганга нисбатан сезиларсиз даражада паст ва портал венага киритилганга нисбатан эса аҳамиятсиз даражада юқори бўлди. Бу натижалар қуйидагиларни намойиш этади: гексапептид PAR-2нинг селектив агонисти бўлганлиги учун, жигар томонидан пентагастрин утилизациясига ва меъда безларининг функционал фаоллигини ортишига трипсин билан худди шундай таъсир кўрсатади, бу эс PAR-2нинг иштироки билан бир хил механизмларни кўрсатиши мумкин. Буни трипсин жигарнинг PAR-2си орқали жигар томонидан пентагастринни утилизация қилишини пасайтиришига ва меъдадаги овқат ҳазм қилиш безлари

таъсирини ортишига сабаб бўлиши мумкин деган бизнинг тахминларимизни тасдиқлаши мумкин.

Олинган нтижалар кўрсатадики, каламушлар жигари пентагастриннинг қисқа заанжирли пептидини утилизация қилади. Трипсин, шунингдек PAR-2агонисти гексапептид-SLIGRL каби периферик венага киритилганда меъданинг секретор фаоллигини сезиларсиз ва портал венага киритилганда сезиларли оширади, бу трипсинни жигарнинг PAR-2си ҳисобига пентагастрин қисқа занжирли пептидини жигар томонидан утилизация қилиш қобилиятини пасайтиради.

### **3.4.2. Жигар томонидан ХЦК-8ни утилизация қилишга трипсин ва гексапептид-SLIGRLни таъсири.**


Шунингдек, меъда ости беши фермент ажратиш фаолиятини ўзгартириш бўйича ХЦК-8 ни жигар томонидан утилизация қилишга трипсин ва махсус фаоллаштирувчи PAR-2– гексапептид (SLIGRL)ни таъсирини ўрганиш қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу тадқиқот натижалари бобнинг мазкур бўлимид тақдим этилган.

Каламушлардаги ўтказилган 56 ўткир тажрибалар натижасида портал ва периферик венага қисқа занжирли пептид ХЦК-8 ни трипсин билан бирга киритилганда ва алохида ХЦК-8ни гексапептид (SLIGRL) билан бирга киритилганда меъда ости беши секретор функцияларига кўрсатадиган қиёсий таъсири ўрганилди.

Каламушлардаги тажриба натижалари кўрсатдики, периферик венага ҳам, портал венага ҳам юборилган ХЦК-8 таъсири остида меъда ости беши ширасининг ажралиб чиқувчи хажми, физиологик эритма юборилгандан кейинги  $0,79 \pm 0,07$  мл ва  $0,59 \pm 0,05$  мл ( $P < 0,05$ ),  $0,61 \pm 0,06$  мл ва  $0,48 \pm 0,03$  мл ( $P < 0,05$ ) худди шу каби кўрсаткичлардан ишончлилик даражаси юқори бўлди. Бунда портал венага киритилган ХЦК-8 таъсири остида шира хажмининг кўрсаткичлари периферик венага юборилгандаги кўрсаткичлардан  $0,61 \pm 0,06$  мл ва  $0,79 \pm 0,07$  мл ( $P > 0,5$ ) ишончлилик даражаси



паст бўлди. Трипсин ва ХЦК-8 нинг биргликдаги таъсири остида ҳам худди шу каби йўналганлик кузатилди. Физиологик эритмани киритиш билан юзага келадиган кўрсаткичларга нисбатан периферик венага ҳам  $0,84 \pm 0,06$  мл ва  $0,59 \pm 0,05$  мл ( $P < 0,05$ ), портал венага ҳам юборилганда  $0,78 \pm 0,06$  мл ва  $0,48 \pm 0,03$  мл ( $P < 0,001$ ) кўрсаткичлар ҳажмини ишончлилик даражаси ортиши ва фақат ХЦК-8 ни юборилиши билан юзага келадиган кўрсаткичлар бўйича периферик венага юборилганда  $0,84 \pm 0,06$  мл ва  $0,79 \pm 0,07$  мл ( $P > 0,5$ ) кўрсаткичлар ҳажмини ишончсизлик даражаси ортиши ва портал венага киритилганда  $0,78 \pm 0,06$  мл ва  $0,61 \pm 0,06$  мл ( $P < 0,05$ ) эса ишончли ортиши кайд этилди (3.8.-А-расмга қаранг). Гексапептид ва ХЦК-8 нинг биргаликдаги таъсири остида периферик венага ҳам  $0,89 \pm 0,07$  мл ва  $0,59 \pm 0,05$  мл ( $P < 0,05$ ), портал венага ҳам  $0,85 \pm 0,08$  мл ва  $0,48 \pm 0,03$  мл ( $P < 0,001$ ) физиологик эритмани киритишдаги кўрсаткичларга нисбатан, шунингдек периферик венага ҳам  $0,89 \pm 0,07$  мл ва  $0,84 \pm 0,06$  мл ( $P > 0,5$ ), портал венага ҳам  $0,85 \pm 0,08$  мл ва  $0,78 \pm 0,06$  мл ( $P > 0,5$ ) ХЦК-8 ни киритилиши билан самарани ўхшаш йўналишлари кузатилди (3.8.-А-расмга



\* -физиологик эритма киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқ катталиклари; o – портал венага ХЦК-8 ни киритилиши билан нисбий

кўрсаткичларининг ишончли фарқ катталиклари; +- периферик венага ХЦК-8ни киритилиши билан нисбий кўрсаткичларининг ишончли фарқ катталиклари.

**3.8-расм. Каламушларнинг периферик венасига (в/и) ва портал венасига (п/в) физиологик эритма (физ. эритма) ХЦК-8, трипсин (Тр) билан бирга ва ХЦК-8, шунингдек гексапептид (Гекп) ва ХЦК-8 биргаликда юборилганда меъда ости беши секреция кўрсаткичларини ўзгариши.**

Периферик венага ҳам, портал венага ҳам киритилган ХЦК-8 таъсири остида УПФ кўрсаткичлари физиологик эритма юборилгандаиритилгандан кейинги худди шу каби кўрсаткичларга мос холда  $62,2 \pm 6,6$  20ХБ/дақиқа ва  $133,5 \pm 11,7$  20ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) ва  $48,0 \pm 5,4$  20ХБ/дақиқа ва  $79,2 \pm 7,1$  20ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) ишончли бўлди. Бунда портал венага киритилган  $79,2 \pm 7,1$  20ХБ/дақиқа ХЦК-8 таъсири остида УПФ кўрсаткичлари, периферик венага киритилгандаги кўрсаткичлардан  $133,5 \pm 11,7$  20ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) ишончсиз паст бўлди. Шу билан бир вақтда фақат ХЦК-8 ни киритишдаги кўрсаткичларга нисбатан ХЦК-8 ва трипсинни биргаликда таъсир этишида периферик венага киритилганда  $142,7 \pm 13,5$  20ХБ/дақиқа  $133,5 \pm 11,7$  20ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) кўрсаткичларни ишончсиз ортиши ва портал венага киритилганда  $111,8 \pm 9,4$  20ХБ/дақиқа ва  $79,2 \pm 7,1$  20ХБ/дақиқа ( $P < 0,05$ ) ишончли ортиши қайд этилди. Гексапептид ва ХЦК-8 ни биргаликдаги таъсири остида шунингдек периферик венага киритилганда кўрсаткичларни  $142,7 \pm 13,5$  20ХБ/дақиқа ва  $151,6 \pm 13,4$  20ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) ва портал венага киритилганда ҳам кўрсаткичларни  $111,8 \pm 9,4$  Бирлик/20 дақиқа ва  $125,4 \pm 10,5$  20ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ), фақат ХЦК-8ни киритишдаги кўрсаткичларга нисбатан ишончсиз ортиши қайд этилади (3.8.-Расмга қаранг).

Меъда ости ширасидаги амилаза кўрсаткичлари УПФ ва меъда ости беши ширасини ажралиб чикувчи хажми бўйича қайд этилган қонуниятларга эгадир. Периферик венага ҳам  $1362,0 \pm 121,4$  20ХБ/дақиқа, портал венага ҳам  $1001,1 \pm 93,1$  20ХБ/дақиқа юборилган ХЦК-8 таъсири остида меъда ости беши ширасидаги амилаза кўрсаткичлари физиологик эритма киритилгандан

кейинги кўрсаткичларга  $639,7 \pm 53,7$  20ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) ва  $601,8 \pm 43,2$  20ХБ/дақиқа ( $P < 0,001$ ) мос холда ишончлилиқ даражаси юқори бўлди. Бунда портал венага киритилган  $1001,1 \pm 93,1$  20ХБ/дақиқа ХЦК-8 таъсири остидаги кўрсаткичлар периферик венага киритилгандаги кўрсаткичлардан  $1362,0 \pm 121,4$  20ХБ/дақиқа ( $P < 0,05$ ) ишончлилиқ даражаси паст бўлди. Шу билан бир вақтда трипсин билан ХЦК-8 ни биралиқдаги таъсирини, фақат ХЦК-8ни ўзини таъсирига нисбатан периферик венага юборилганда  $1484,0 \pm 123,9$  20ХБ/дақиқа ва  $1362,0 \pm 121,4$  20ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) кўрсаткичларни ишончсиз ортиши ва портал венага киритилганда  $1285,0 \pm 95,3$  20ХБ/дақиқа ва  $1001,1 \pm 93,1$  20ХБ/дақиқа ( $P < 0,05$ ) ишончлилиқ даражаси ортиши қайд этилди. Бундай йўналганлик гексапептид ва ХЦК-8ни биргалиқдаги таъсири остид кузатилади, бунда фақат ХЦК-8 ни киритиш билан юзага келадиган кўрсаткичлар билан таққосланганда периферик венага юборилганда кўрсаткичларни  $1557,0 \pm 141,2$  20ХБ/дақиқа ва  $1362,0 \pm 121,4$  20ХБ/дақиқа ( $P > 0,5$ ) ишончсизлик даражаси ортиши ва портал венага киритилганда эса кўрсаткичларни  $1369,0 \pm 114,7$  20ХБ/дақиқа ва  $1001,1 \pm 93,1$  20ХБ/дақиқа ( $P < 0,05$ ) ишончлилиқ даражаси ортиши қайд этилади (3.8.- В-расмга қаранг).

Тақдим этилган маълумотлар кўрсатадики, периферик венага ҳам портал венага ҳам ХЦК-8ни киритилиши, физиологик эритмни киритилиши билан юзага келадиган худди шундай кўрсаткичларга нисбатан барча ҳисобга олинадиган кўрсаткичларни ишончлилиқ даражаси ортишини чақирди. Бунда портал венага киритилган ХЦК-8 таъсири остида барча кўрсаткичлар периферик венадаги юборилган кўрсаткичлардан ишончлилиқ даражаси паст бўлди. Бу натижалар шундан гувоҳлик берадики, жигар орқали қисқа занжирли пептид ХЦК-8 ўтганида барча ҳисобга олинган кўрсаткичларни сезиларли пасайиши юзага келади, бу жигар томонидан ХЦК-8ни сезиларли утилизация қилинишини кўрсатади.

Трипсинни ХЦК-8 билан бирга периферик венага юборилиши барча ҳисобга олинган кўрсаткичларни ишончсизлик даражаси ортишини чақирган

бўлса, фақат ХЦК-8 ни киритишдаги кўрсаткичлар билан солиштирилганда, портал венага киритилганда мазкур кўрсаткичларни ишончли ортиши қайд этилди. Мазкур натижалар намойиш этадики, трипсин жигар томонидан ХЦК-8ни утилизациясини пасайишига ва меъда ости бези функциясига таъсирини ортишига сабаб бўлади.

Трипсиндаги каби ўхшаш самара гексапептидни ХЦК-8 билан бирга кўллашда қайд этилди. Демак периферик венага гексапептидни ХЦК-8 билан бирга юборилиши барча ҳисобга олинган кўрсаткичларни ишончсиз ортишини ва фақат ХЦК-8ни ўзини киритишдаги худди шундай кўрсаткичлар билан солиштирилганда портал венага киритилишда ушбу кўрсаткичларни ишончли ортишини чақирди. Бунда гексапептидни ХЦК-8 билан бирга киритилгандаги кўрсаткичлар периферик венага киритилгандаги кўрсаткичлардан сезиларсиз паст, портал венага киритилгандан эса аҳамиятсиз юқори бўлди. Бу натижалар қуйидагиларни намойиш этади: гексапептид PAR-2нинг селектив агонисти бўлганлиги учун, жигар томонидан ХЦК-8 утилизациясига ва меъда ости безларининг функционал фаоллигини ортишига трипсин билан худди шундай таъсир кўрсатади, бу эса PAR-2нинг иштироки билан бир хил механизмларни кўрсатиши мумкин. Буни трипсин жигарнинг PAR-2си орқали жигар томонидан ХЦК-8 ни утилизация қилишини пасайтиришига ва меъда ости бези функцияларигатаъсирини ортишига сабаб бўлиши мумкин деган бизнинг тахминларимизни тасдиқлаши мумкин.

**§3.5. Тўрт хлорли углерод билан ўткир ости захарланишда жигар томонидан ХЦК-8 ва гастрин -17 утилизация қилиш жараёнини ўзгаришларига контрикал ва гепаринни таъсири.**

Ўрнатилдики, вирусли гепатит ташхиси қўйилган беморларда меъда ости безлари ферментларининг даражаси, зардоб ва панкреатик амилазалар ҳамда зардобдаги липазалар даражаси жигар касаллигининг ривожланиши билан ортади [42, б. 3-7]. Шунингдек шу нарса ҳам аниқландики, жигар

циррози билан хасаланган беморларда эркин ва умумий кислоталик дебитининг ўртача кўрсаткичлари, шунингдек, қон зардобдаги пепсиноген I одатий шароитлардан паст бўлди. Бундай ҳолларда жигар циррози билан хасаланган беморлардаги зардобда гастрин ва соматостатин концентрцияси сезиларли даражада юқори бўлди [187,б. 19-21; 232, б. 27-31]. Бу омиллар сурункали панкреатитни ҳам, атрофик гастритни ҳам шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.

Каламушларда ўтказилган тажрибалар кўрсатдики, паст молекулали гепарин ўткир фазада яллиғланишни олдини олди ва балки семиз хужайралар ва Купфер хужайраларини фаоллашишини пасайтирди ҳамда некроз ва апаптозга қарши ҳимоя ўрнини намоёиш этди. Агарда келгусидаги тадқиқотлар гепаринни жигарнинг сурункали шикастланишларига ижобий таъсирини тасдиқласа, бу модда жигарни даволаш учун энг арзон ва ҳавфсиз бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, каламушларнинг жигар фибрози моделида унинг антифибротик таъсири ўрнатилди [162, б. 445-447; 240, б.86-88].

Бунинг натижасида каламушларда жигарни тўрт хлорли углероди билан ўткир ости заҳарлаш моделида протеаза ингибитори бўлган контрикал ва гепаринни меъда ва меъда ости беши овқат ҳазм қилиш гидролазларининг қондаги ўзгаришларга биргаликдаги таъсирларини ўрганиш, шунингдек меъда ва меъда ости безлари шиллиғининг гомогенатлари таркибидаги овқат ҳазм қилиш гидролазларининг миқдори ва бу ўзгаришлар механизмларини асослаш катта қизиқишни ташкил этди. Мазкур тадқиқот натижалари ушбу бўлимда тақдим этилган.

Каламушларда 50та ўтказилган ўткир тажрибалар асосида қуйидагилар аниқланди. Каламушларда жигарни тўрт хлорлили углероди билан ўткир ости заҳарлаш моделида протеаза ингибитори бўлган контрикал ва гепаринни меъда ва меъда ости беши овқат ҳазм қилиш гидролазларининг қондаги ўзгаришларга биргаликдаги таъсирларини ўрганиш, шунингдек меъда ва меъда ости безлари шиллиғининг гомогенатлари таркибидаги овқат ҳазм қилиш гидролазларининг миқдори ўрганилди.

Каламушларда ўтказилган тажриба натижалари кўрсатдики, 2 тажриба гуруҳидаги тажриба ҳайвонларда тўрт хлорли углероди билан ўткир ости захарланиши натижасида жигар синама кўрсаткичлари: АЛТ, АСТ, умумий билирубинни назорат гуруҳидаги худди шундай кўрсаткичлардан ишончли ортиши қайд этилди (3.1 жадвалга қаранг).

Шу билан бир вақтда тўрт хлорли углероди билан ўткир ости захарланиш натижасида қондаги меъда ва меъда ости беши гидролазаларини ўзгариш даражасининг турли ҳил даражаси қайд этилди. Демак назорат гуруҳига нисбатан панкреатик амилаза ва панкреатик липаза ишончли ошди. Шу билан бир вақтда назорат гуруҳига нисбатан пепсиноген 1 кўрсаткичлари ишончли камайди (3.1- жадвалга қаранг). Бунда бу гуруҳда назорат гуруҳи билан солиштирилганда қон таркибида ХЦК-8 ва Гепарин-17 ни ишончилилик даражаси ортиши кузатилди.

Меъда ости беши тўқималари ва меъда шиллиғининг гомогенатлари таркибидаги овқат ҳазм қилиш гидролаза кўрсаткичлари тўрт хлорли углероди билан ўткир ости захарланишида қондаги худди шундай кўрсаткичлар билан корреляцион боғлиқлиги қайт этилди. Демак, меъда ости беши тўқимаси гомогенат таркибидаги амилаза ва УПФ назорат гуруҳига нисбатан ишончилилик даражаси ошди. Шу билан бир вақтда меъда шиллиғи гомогенати таркибидаги пепсиноген-1 назорат гуруҳига нисбатан ишончли камайди.

3-тажриба гуруҳи каламушларида ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, тўрт хлорли углеродини қўллаш билан ўткир ости захарланиш негизида ҳайвонларда жигар синамалари: АЛТ, АСТ, умумий билирубинни 2 тажриба гуруҳидаги худди шундай кўрсаткичлар билан солиштирилганда ишончли пасайиши қайд этилди (3.1-жадвалга қаранг)

Тўрт хлорли углероди билан ўткир ости захарланиши негизида контрикални қўлланилиши натижасида меъда ости беши овқат ҳазм қилиш гидролазлари, панкреатик амилаза ва қондаги липаза кўрсаткичлари, 2 тажриба гуруҳидаги худди шу кўрсаткичларга нисбатан ишончли камайди.

## 3.1.-жадвал

## Ўткир ости токсик гепатитда каламушларда назоратга олинган кўрсаткичларни ўзгариши

Зардоб маркерлари	1 гуруҳ назорат (соғломлар)	2 гуруҳ токсик гепатит + физ. эритма	3 гуруҳ токсик гепатит + контрикал	4 гуруҳ токсик гепатит + контрикал и гепарин	5 гуруҳ токсик гепатит + нафамостат ва локсиглумид
<b>Жигар пробалари</b>					
АЛТ (ммоль/ч*л)	0,56±0,08	1,07±0,1*	0,71±0,08**	0,63±0,07**	0,57±0,06**
АСТ (ммоль/ч*л)	1,07±0,13	1,93±0,17*	1,35±0,14**	1,21±0,11**	1,13±0,09**
умумий билирубин (мкмоль/л)	3,9±0,5	9,2±1,2*	6,3±0,4**	4,8±0,3**	4,2±0,6***
<b>Қон гидролазалари</b>					
Панкреатик амилаза Ед/мл	63,1±7,9	123,6±13,1*	86,5±9,1**	74,2±6,8**	65,1±7,1**
Панкреатик липаза Ед/мл	42,6±5,3	94,2±8,6*	69,8±5,7**	56,4±6,1**	47,2±5,3***
Пепсиноген-I (мкг/л)	69,4±8,6	32,5±4,1*	41,3±4,8	58,6±5,2**	66,3±7,5***
<b>Пептидлар</b>					
ХЦК-8 нг/мл	0,87±0,11	1,63±0,15*	1,17±0,11**	1,04±0,09**	0,95±0,08***
Гастрин-17 пмоль/л	7,3±0,92	15,9±1,6*	12,5±1,3	10,7±1,2**	8,4±0,9***
<b>Гомогенат гидролазалари</b>					
Ошқозон беги амилазаси Ед/100 мг	4892,5±543,7	7362,5±781,9*	6927,4±725,3	6128,4±573,8	5431,7±612,5**
ошқозон ости беги УПФ Ед/100 мг	649,5±59,4	895,3±82,4*	789,5±82,6	576,3±61,4**	529,3±55,2***
Ошқозон шиллиқ қавати УПФ Ед/100 мг	87,5±7,6	56,8±5,1*	71,9±6,2	82,7±7,9**	97,1±8,6***

\* - ишочилилик даражаси назорат гуруҳига нисбатан; \*\* - ишончилилик даражаси 2 тажриба гуруҳига нисбатан; +- ишончилилик даражаси 3 тажриба гуруҳига нисбатан

Шу билан бир вақтда 2 тажриба гуруҳига нисбатан пепсиноген-I ни ишончсиз ортиши қайд этилди(3.1-жадвалга қаранг).

Бунда 3 тажриба гуруҳида 2 тажриба гуруҳига нисбатан қон таркибида ХЦК-8 ни ишончли камайиши ва гастрин-17ни ишончсиз камайиши қайд этилди (3.1-жадвалга қаранг).

Тўрт хлорли углероди билан ўткир ости заҳарланиши негизида контрикални таъсири натижасида меъда ости беши тўқимаси в меъда шиллик каватидаги овқат ҳазм қилиш гидролаза кўрсаткичлари 3 тажриба гуруҳида 2 тажриба гуруҳига нисбатан солиштирилганда ишончсиз ўзгаришларга эга бўлди, аммо қондаги худди шу каби кўрсаткичлар билан корреляцион боғлиқлик аниқланди.

4 тажриба гуруҳи каламушларида ўтказилган тажрибалар кўрсатдики, тўрт хлорли углероди билан ўткир ости заҳарланиши фониде контрикал ва гепаринни биргалиқда қўлланилиши натижасида жигарнинг: АЛТ, АСТ, умумий билирубин каби синамалари 2 гуруҳдаги худди шу каби кўрсаткичлар билан солиштирилганда ишончли камайиши ва 3 гуруҳга нисбатан солиштирилганда эса ишончсиз камайиши қайд этилди(3.1-жадвалга қаранг).

Тўрт хлорли углероди билан ўткир ости заҳарланиши фониде контрикал ва гепаринни биргалиқда қўлланилиши натижасида меъда ости беши овқат ҳазм қилиш гидролазлари, панкреатик амилаза ва қондаги липаза кўрсаткичлари, 2 тажриба гуруҳидаги худди шу кўрсаткичларига нисбатан ишончлилик даражаси камайди. Шу билан бир вақтда 2 тажриба гуруҳига нисбатан пепсиноген-I ни ишончсиз ортиши қайд этилди, бунда 3 гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан амилаза ва липаза кўрсаткичлари ишончсиз равишда паст, пепсиноген-I эса ишончлилик даражаси юқори бўлди (3.1-жадвалга қаранг).

4 гуруҳда қон таркибидаги ХЦК-8 ва гастрин-17 2 гуруҳга нисбатан солиштирилганда ишончлилик даражаси пасайиши ва 3 гуруҳга нисбатан эса ишончсизлик даражаси пасайиши қайд этилди (3.1- жадвалга қаранг).



Тўрт хлорли углеводи билан ўткир ости заҳарланиши негизида контрикал ва гепаринни биргаликда қўлланилиши натижасида 4 гуруҳдаги меъда ости беши тўқимаси гомогенатлари таркибидаги овқат ҳазм қилиш гидролазалар кўрсаткичлари 2 гуруҳга нисбатан таққосланганда ишончсизлик даражаси пасайишди, аммо қондаги худди шу каби кўрсаткичлар билан корреляцион боғлиқлик ва бу тенденция 3 гуруҳга нисбатан ҳам сақланиб қолди. Шу билан бир вақтда меъда шиллиғидаги гомогенатлар таркибининг УПФ кўрсаткичлари 2 гуруҳга нисбатан ишончсиз ва 3 гуруҳга нисбатан ишончли ошди.

5 тажриба гуруҳи каламушларида ўтказилган тажрибалар кўрсатдики, хайвонларда тўрт хлорли углевод билан ўткир ости заҳарланишда чақирилган заҳарли гепатит фонида нафамостат ва локсиглумидни биргаликда қўлланилишида 2 тажриба гуруҳидаги худди шу каби кўрсаткичлар билан солиштирилганда АЛТ, АСТ, умумий билирубин каби жигар синамаларини ишончли пасайиша ва 3, 4 гуруҳларга нисбатан АЛТ, АСТ, ишончсиз пасайиши қайд этилди, бунда 3 гуруҳга нисбатан умумий билирубинни пасайиши ишончли бўлди (3.1- жадвалга қаранг).

Токсик гепатит негизида нафамостат в локсиглумидни қўлланилиши натижасида меъда ости беши овқат ҳазм қилиш гидролазлари, панкреатик амилаза ва қондаги липаза кўрсаткичлари 2 тажриба гуруҳидаги худди шу кўрсаткичларга нисбатан ишончли камайди ва фақат панкреатик амилаза 3 ва 4 гуруҳларга нисбатан ишончсиз камайиши қайд этилди. Шу билан бир вақтда 4 гуруҳга нисбатан панкреатик липазани ишончсиз ортиши ва 3 гуруҳга нисбатан ишончли ортиши қайд этилди. Шу билан бир вақтда пепсиноген-I кўрсаткичлари 2 тажриба гуруҳи ва 3 тажриба гуруҳларига нисбатан ишончли юқори бўлди (3.1 жадвал).

5 тажриба гуруҳида қон таркибидаги ХЦК-8 ва гастрин-17 ни 2 ва 3 тажриба гуруҳлари билан солиштирилганда ишончли пасайиши қайд этилди (3.1.- жадвал).

Тўрт хлорли углеводи билан ўткир ости захарланиши фониданафамостатва локсиглумтаъсири остида меъда ости беги гомогенат тўқималари таркабидаги овқат ҳазм қилиш гидролаза кўрсаткичлари 2 гуруҳга нисбатан солиштирилганда ишончлии пасайишга эга бўлди, аммо 3 гуруҳга нисбатан эса ишончсиз пасайишга эга бўлди. Бунда меъда ости беги гомогенатдаги УПФ кўосткичлари 2 ва 3 гуруҳларга нисбатан ҳам ишончли паст бўлди. Шу билан бир вақтда меъданинг шиллиғидаги гомогенатлар таркибида УПФ кўрсаткичлари шунингдек 2 гуруҳга нисбатан ҳам, 3 гуруҳга нисбатан ҳам ишончли даражада юқори бўлди.

Тақдим этилган материаллар намойиш этадики, каламушларда тўрт хлорли углеводи билан ўткир ости захарланиш таъсири остида уларнинг қони таркибида амилаза ва липаза миқдориниортиши меъда ости безининг функционал фаоллигини ортишидан гувоҳлик беради, бу эса шунингдек меъда ости беги гомогенати таркибидаги амилаза, УПФ, шунингдек ХЦК-8ни ортиши билан тасдиқланади. Бунда қонда пепсиноген 1ни пасайиши ва гастрин-17 кўрсаткичларини ортиши меъданинг овқат ҳазм қилиш безлари фаолиятини пасайишини кўрсатади, бу меъда шиллиғидаги гомогент таркибида оптик зичлигини сасайиши билан тасдиқланади.

Мазкур ўзгаришларнинг сабаби бўлиб, қонда ХЦК-8 концентрациясини қайд этилган ортиши бўлиб ҳисобланади, бу тўрт хлорли углеводи билан ўткир ости захарланиши таъсири остида жигар томонидан уни утилизациясини пасайишини натижаси бўлиб ҳисобланади [136, б. 1-3]. Бу билан боғлиқ холда, ХЦК-8нинг физиологик роли панкреатик секрецияни стимуллшдан иборат бўлади[217, б. 47-49], бунинг ҳисобига ҳисобга олинган кўрсаткичларни ортиши кузатилади. Бу билан бир вақтнинг ўзида қонда ХЦК-8 ни ортиши меъда кислотларини секрециясини камайишига олиб келади. Чунки ХЦК-8 сомастатин секрецияси ва қон плазмасида гастрин миқдорини ўзгартирган холда, меъда кислотасини стимулланган секрециясини тўхтатишда хал қилувчи рол ўйнайди[149, б. 1038-1040].

Тўрт хлорли углероди билан ўткир ости захарланиши фонида контрикал ва гепаринни киритиш билан каламушларда олиб борилган тажрибаларда аниқланган қондаги амилаза ва липаза кўрсаткичлари миқдорини пасайиши меъда ости безининг функционал фаоллигини пасайишидан гувоҳлик беради, бу эса гарчи сезиларсиз бўлса ҳам меъда ости беги гомогенат тўқимаси таркибида амилаза ва УПФни пасайиши, шунингдек ХЦК-8 ни яққол намоён бўлган пасайиши билан тасдиқланади. Бунда гарчи, қонда пепсиноген даражасини ишончли ортиши ва гастрин-17 кўрсаткичларини ишончли пасайиши, шунингдек меъда шиллиғи гомогенти таркибидаги УПФни ортиши меъданинг овқат ҳазм қилиш безлари вазифасини ортганлигини кўрсатмши мумкин.

Қонда ХЦК-8 концентрациясини пасайиши билан боғлиқ бўлган бу ўзгаришлар тўрт хлорли углероди билан ўткир ости захарланиши фонида контрикал ва гепарин таъсири остида уни жигар томонидан утилизация қилинишини ортиши натижаси бўлиб ҳисобланади [136, б. 1-3]. Шу билан боғлиқ ҳолда, ХЦК-8 нинг физиологик ўрни панкреатик секрецияни стимуллашдан иборат бўлади [217, б. 47-50], бунинг ҳисобига эса ҳисобга олинадиган кўрсаткичларни пасайиши кузатилади. Бу билан бир вақтда қонда ХЦК-8 ни камайиши ошқозона кислотлари секрециясини пасайишига олиб келади. Чунки ХЦК-8 сомастатин секрецияси ва қон плазмасида гастрин миқдорини ўзгартирган ҳолда, меъда кислотасини стимулланган секрециясини тўхтатишда ҳал қилувчи рол ўйнайди [151, б. 1038-1040].

Шундай қилиб, тўрт хлорли углероди билан ўткир ости захарланиш таъсири остида меъда ости безининг функционал фаоллиги ортади, бир вақтнинг ўзида эса овқат ҳазм қилиш безларининг функционал фаоллиги пасаяди. Бунда тўрт хлорли углероди билан ўткир ости захарланиши фонида контрикал ва гепаринни қўлланилиши меъда ости безифункционал фаоллигини пасайишига, бир вақтнинг ўзида меъданинг овқат ҳазм қилиш

безлари функционал фаоллигини ортишига сабаб бўлади, шу билан эса ҳам меъда остибезлари ҳам меъда фаолиятини тиклаанишига олиб келади.

Жигарни ХЦК-8 ни утилизация қилишдаги иштироки овқат ҳазм қилиш безларини бошқаришнинг пептиэргик механизмларида қўшимча физиологик модификацияловчи омил деб кўриб чиқиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Протаз ингибиторлари сифатида контрикал ва нафамостат бу рецепторлардаги протеаза рецепторларига таъсир этиб, жигарнинг PAR-2 си орқали ўз таъсирини амалга оширади, бу жигаар томонидан қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишда трипсинни фаоллаштирувчи PAR -2 ва гексапептидни махсус фаоллаштируви PAR -2 ўхшаш бўлган таъсирларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлари билан тасдиқланади. Шундай қилиб трипсин ўз таъсирини PAR -2 орқали амалга ошириши мумкин.

Шу билан бир вақтда гепарин ўз таъсирини PAR -1 орқали амалга ошириши мумкин, чунки кемирувчиларнинг жигар моделида аниқландики, PAR -1нинг антагости (гепарин) фиброздан ҳимоя қилади. Бунда PAR -1 (тромбин) нинг фаоллаштирилиши профибротик таъсир кўрсатади. Яқинда олиб борилган тадқиқотлар кўрсатдики, PAR-1 жигардаги яллиғланиш олди агентлари сифатида олдинга чиқиши мумкин [60, с. 526-529]. Шунингдек каламушлар жигарининг культурасида тромбин (унинг ингибитори бўлиб гепарин ҳисобланади) ва трипсин (унинг ингибитори бўлиб, контрикал ҳисобланади) таъсири остида арахидон кислота метаболзмини стимулланиши кўрсатилган, бу ушбу самараларда PAR -1 ва PAR -2нинг иштирокини тахмин қилади [172, б. 437-440].

Сурункали гепатит ва жигар циррозида ХЦК-8 асосий патогенетик омил бўлиб ҳисобланади, у меъда ва меъда ости безларида кўрсатилган ўзгаришларни ривожланишига олиб келади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида шундай хулоса қилиш мумкинки, токсик гепатитда ХЦК-8 меъда ости беги функционал фаоллигини оширишга сабаб бўлувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади ва бир вақтнинг ўзида меъданинг овқат ҳазм қилиш безлари функционал фаоллигини пасайтириш

билан панкреатитнинг яшириш шакллари ривожланишига сабаб бўлиши ҳамда атрофик гастритни яширин шакллари ривожланишига олиб келиши мумкин. Бунда PAR -2 ва PAR -1 орқали контрикал ёки нафамостат ва гепаринни бирга қўлланилиши меъда ости безининг ҳам, меъданинг ҳам функционал фаоллигини тиклашга сабаб бўлиши мумкин.

Контрикал ва кўпроқ даражада нафамостат жигаарнинг PAR -2 сени панкреатик протеаза ва яллиғланиш жараёнлари протеазаларидан ҳимоя қилади. Шундай қилиб, уларнинг қўлланилиши сурункали гепатитларда қисқа занжирли пептидлар, жумладан, ХЦК-8ни жигарда утилизация қилинишини кучайишига ва қонда ХЦК-8 ни камайишига сабаб бўлиши мумкин. Локсиглумид ХЦК-1 рецепторларини блоканишига олиб келадивабу рецепторларни ХЦК-8 га таъсир кўрсатишига қаршилик кўрсатади, бу эса панкреатик ва меъда секрецияси ажратиш фаолиятида уни таъсирини пасайтиришига сабаб бўлади.

Локсиглумид ва нафамостатнинг бир вақтда қўлланилиши бир-бирини тўлдирувчи бўлиб ҳисобланиши ва сурункали гепатит натижасида юзага келгана атрофик гастрит ва сурункали панкреатитни даволашда янада самарали бўлиши мумкин.

**IV БОБ. СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН  
БЕМОРЛАРДА МЕЪДА ВА МЕЪДА ОСТИ БЕЗИ ОВҚАТ ҲАЗМ  
ҚИЛИШ ГИДРОЛАЗЛАРИ, ХЦК-8, ГАСТРИНА-17  
КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЖИГАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ЎЗИГА  
ХОСЛИКЛАРИ**

**§4.1. Сурункали гепатит билан хасталанган беморларда меъда ва меъда ости беzi овқат ҳазм қилиш гидролазлари ХЦК-8 ва гастрин-17, шунингдек жигарнинг таъсирини ўзига хосликлари**

ХЦК-8ни панкреатик секрецияни тезлаштирувчи сифатидаги физиологик аҳамияти маълумдир[217, б. 47-50]. Шу билан бир вақтда, холецистокининни гастрин секрециясини бошқарувчи сифатидаги физиологик аҳамиятини тадқиқ қилиш натижалари кўрсатдики, ХЦК-8 меъдада хлорид кислота секрециясини тезлашишини тўхтатишда ҳал қилувчи аҳамияти ва хлорид кислотани ажралиб чиқиши, соматостатин секрецияси ва қон плазмасида гастрини сақланиши устидан назоратни амалга ошириши мумкин[151, б. 1038-1040].

Аниқландики, холецистокинин соматостатинни ажралиб чиқиши киритилган механизмлар ва А типидagi ХЦК рецепторларини фаоллаштирувчи кислоталар секрециясини ингибирлайди[53, б. 3924-3927].

Кўрсатилдики, вирусли гепатит ташхиси қўйилган беморларда меъда ости беzi зардоб ферментларининг даражаси ва панкреатик амилазалар, шунингдек зардобдаги липазалар даражаси жигардаги касалликни ривожланиши билан ортади [42,б. 4-7]. Бундан ташқари аниқландики, жигар циррози билан хасталанган беморларда эркин ва умумий кислоталик дебитининг ўртач кўрсаткичлари, шунингдек, қон зардобдаги пепсиноген 1 одатий шароитларга нисбатан паст бўлди. Шунингдек, меъда ширасида гастрин миқдорини камайиши қайд этилди, у соғлом беморлар гуруҳига нисбатан сезиларли даражада паст бўлди. Бунда жигар циррози билан

хасталанган беморларда зардоб гастрини ва соматостатин концентрацияси сезиларли даражада юқори бўлди[232, б. 27-30].

Шундай қилиб тахмин қилиш мумкинки, турли этиологияли жигарнинг сурунали касаллиги билан хасталанган беморларда юқорида баён этилган механизмлар меъда ости бези секрециясини стимулланиши ва панкреатитни ривожланиши, бир вақтнинг ўзида меъда секрециясини тўхташи ва атрофик гастритни ривожланиши билан амалга ошиши мумкин. Бунда ХЦК-8 ва гастрин-17ни ортиши, шунингдек меъда кўрсаткичларини пасайиши ва меъда ости бези кўрсаткичларини ортиши қайд этилади.

3 бобдаги каламушлардаги ССL4 билан ўткир ости захарланиш моделида кўрсатилганидек, контрикал ва гепаринни қўлланилиши ХЦК-8 ва гастрин-17 ни пасайишига, меъда ости бези функционал фаоллигини пасайишига ва меъда секрециясини ортишига олиб келади. Шунинг учун гидролаза кўрсаткичларини ўзгариши бўйича, шунингдек, сурункали гепатит билан хасталанган беморларда меъданинг кислота ишлааб чиқариш фаолиятини акс эттирувчи узун занжирли пептид гастрин-17 ва қисқа занжирли пептид ХЦК-8 жигар томонидаан утилизация қилинишини акс эттирувчи тадқиқотлар олиб бориш қизиқиш уйғотди. Шунингдек, сурункали гепатит билан хасталанган беморларда контрикал ва гепаринни қабул қилишдан олдин ва кейин ушбу кўрсаткичлардааги ўзгаришларни ўрганиш ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Кўйилган вазифаларни ҳал этиш учун бизлар томнимиздан эркак ва аёллар текширишдан ўтказилди. Назорат сифтида соғлом шахслардан ташкил топган 1 гуруҳ шакллантирилди, уларда HBV ва HCV маркерлари аниқланмаган, жигар синамалари ва бошқа ҳисобга олинадиган барча кўрсаткичлар меъёрада бўлди. Текширилгнлар ичида мусбат HCV серологик маркерига эга бўлганлардан 2 гуруҳ шакллантирилди, унга HCV инфекциядан кейинги маркерларига эга бўлган ва HCV сурункали инфекцияга қандайдир алоқага эга бўлган маркерлари аниқланган беморларнинг кичик гуруҳи киритилди. Шунингдек, 3 гуруҳ ҳам

шакллантирилган бўлиб, уларга HBV мусбат серологик маркерларига эга бўлган беморлар киритилди. Мазкур гуруҳ HBV инфекциясидан кейинги тавсифловчи маркерлар комбинациясига эга бўлганшунингдек сурункали HBV инфекцияни кўрсатувчи серологик маркерларга эга бўлган беморлар гуруҳларига бўлинди. Бундан ташқари текширилганлар орасидан аутоиммун сурункали гепатит билан хасталанган беморлардан 4 гуруҳ ва сурункали алкогольли гепатит билан хасталанган 5 гуруҳ шакллантирилди. Сурункали инфекциянинг мусбат серологик маркерларига эга бўлган текширилган беморлар қисми бўйича 6 гуруҳ шакллантирилди, у сурункали HBV инфекцияли беморлар кичик гуруҳига ва сурункали HCV беморларнинг кичик гуруҳига бўлинди. Бу гуруҳдаги барча текширилган беморларга 3 кун давомида томир ичига томчилатиб 100 мл физиологик эритмада 100 000 бирликда контрикал ва ҳафта давомида тери остига 2,5 минг бирликда гепарин билан комплекс даволаш қўшилди.

Мазкур тадқиқот натижалари ушбу бобда тақдим этилган.

#### **4.1.1. Сурункали В гепатит билан хасталанган беморларда меъда ости беши ва меъданинг овқат ҳазм қилиш гидролазлари, ХЦК-8 ва гастрин-17 да жигар кўрсаткичларини ўзгаришлари.**

Меъда ва меъда ости беши овқат ҳазм қилиш безлари ҳамда жигар, шунингдек сурункали HBV инфекциясига эга бўлган ва HBV инфекцияни бошидан ўтказган (HBVнинг пост инфекцияси) беморларда меъданинг кислота ишлаб чиқариш фаолиятини акс эттирувчи узун занжирли пептид гастрин-17 ва қисқа занжирли пептид ХЦК-8ни жигар томонидан утилизация қилиш даражасини акс эттирувчи кўрсаткичларидаги ўзгаришларни ўрганиш катта қизиқишни ташкил этди. Ушбу тадқиқот натижалари бобнинг мазкур бўлимида тақдим этилган.

Ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича 42 нафар соғлом, 76 нафари HBV инфекциянинг мусбат серологик маркерларига эга бўлди: улардан 47 нафар беморлар HBVнинг инфекцияси билан касалликни тавсифловчи



маркерлар комбинациясига эга бўлдилар 29 нафари эса сурункали HBV инфекцияни кўрсатувчи серологик маркерларга эга бўлдилар.

Ўтказилган тадқиқот натижаларида аниқландики, HBV инфекцияси билан хасталанган шахсларда Anti-HBs ва Anti-HBcIgG нинг серологик маркерлари энг кўп аниқланди, уларда ОЗ юқори белгиларга эга бўлди. Бунда Anti-HBe IgG ОЗнинг кичик белгилари билан ва жуда кам аниқланди (4.1 жадвал). Шу билан бир вақтда ушбу шахсларда жигар синамалари 4.1 жадвалдагидек кўринишга эга бўлди.

Меъёр даражасида аммо соғлом одамлардагидан юқоридир (4.1 жадвал). Бу гуруҳдаги шахсларда фаол HBV жараёнининг мавжуд эмаслигига қарамасдан, соғлом шахсларга нисбатан қонида амилазанинг ортганлиги қайд этилади ва бу кўрсаткич меъёрдан сезиларсиз юқори бўлди. Бунда липаза кўрсаткичи соғлом шахсларга нисбатан юқори бўлди, аммо меъёр чегарасида қолди. Пепсиноген-1 меъёр чегарасида бўлди, бироқ соғлом шахсларга нисбатан паст бўлди, пепсиноген -2 ҳам чегара даражасида бўлди, аммо у соғломларга нисбатан юқори бўлди. HBV инфекцияси билан хасталанган беморларда ХЦК-8 ва гастрин-17 соғломларга нисбатан ишончли юқори бўлди, аммо у меъёр кўрсаткичларидан ишончли катта бўлмади.

Сурункали HBV инфекция билан хасталанган беморларда Anti-HBcIgG, Anti-HbcIgM ва HBe-антигеннинг серологик маркерлари кўпинча аниқланди, улар ОЗнинг юқори белгилари билан кузатилди. Шу билан бир вақтда бу гуруҳдаги беморларнинг кам сонида HBs-антиген аниқланди ва уларда ОП кўрсаткичи паст сонда бўлди (4.1.- жадвал). Мазкур беморлардаги жигарнинг ҳисобга олинган синамалари АЛТ, АСТ, умумий билирубин ва бевосита билирубин меъёрдан юқори бўлди ва HBV инфекция билан хасталанган шахслардаги худди шу каби кўрсаткичлардан юқори бўлди. Ушбу гуруҳ беморларида HBV пост инфекцияли шахслар билан солиштирилганда қонда амилазанинг яққол намоён бўлган ортиши қайд этилди, уларда бу кўрсаткич меъёрдан сезиларли юқори бўлди. HBV инфекция билан хасталанган

шахслар билан солиштирилганда липазанинг ортиши юқори даражада кайд этилди, шунингдек уларда ҳам бу меъёрдан юқори бўлди. Бунда пепсиноген 1 кўрсаткичлари HBV пост инфекцияли шахсларга нисбатан меъёрнинг қуйи чегарасидан кам бўлди. Шу билан бир вақтда пепсиноген -2 меъёр чегарасида бўлди, аммо HBV пост инфекцияли беморларга нисбатан бир неча марта юқори бўлди. Шу билан бир вақтда сурункали HBV инфекцияли беморларда жигар функцияларини яққол намоён бўлган бузилиши ХЦК-8 ва гастрин-17ни ошишига олиб келди.

#### 4.1-жадвал

### Вирусли гепатит билан хасталанганлар ва соғлом шахсларда меъдаа ости бези ва меъда қон гидролазаларини сақлашидаги ўзгаришлар

Зардоб маркерлаари	Соғломлар	HBV инфекцияси билан хасталанган	Сурункали HBV инфекция
HBV га вирусга қарши антителолар			
	%	%	%
HBs-антиген	-	-	58±6,5
HBe – антиген	-	-	79±8,1
Anti-HBs	-	89±9,1	-
Anti-HBe IgG	-	49±5,7	-
Anti-HBc IgG	-	73±6,9	87±9,1
Anti-HBcIgM	-	-	81±9,1
Жигар синамалари			
АЛТ(ммоль/ч*л) Меъёр 0,1-0,68	0,21±0,02	0,41±0,03*	0,74±0,08**
АСТ(ммоль/ч*л) Меъёр 0,1-0,68	0,36±0,04	0,52±0,06	0,93±0,11**
Умумийбилирубин (мкмоль/л) Меъёр 8,5-20,5	13,6±1,2	22,9±1,8*	47,9±9,5**
Бевоситабилирубин(мкмоль/л) Меъёр 0-5,0	2,0±0,1	5,7±0,5*	26,0±2,7**
Қоннинг гидролазалари			
Панкреатик амилаза меъёр 0-60 Б/л	41,6±5,8	73,5±9,2*	114,5±13,8**
Панкреатик липаза Меъёр 0-53 Б/л	32,5±4,9	48,3±5,7	71,6±9,2**
Пепсиноген-1(мкг/л) Меъёр40–130	117,4±15,3	75,8±8,6*	24,7±5,3**
Пепсиноген-2 (мкг/л) Меъёр4–22	12,5±1,5	15,6±1,8	17,3±2,1

Пептидлар			
ХЦК-8 Меъёр 0,5–1 нг/мл	0,72±0,08	1,23±0,11*	2,37±0,25**
Гастрин-17 Меъёр (наҳорга) < 7 пмоль/л	5,6±0,45	9,1±0,82*	21,4±2,3**

\* - соғлом шахслар кўрсаткичларига нисбатан ишончли фарқ қилувчи катталиклар.

\*\* - HBV инфекцияси билан хасталанган беморлар кўрсаткичларига нисбатан ишончли фарқ қилувчи катталиклар.

Тақдим этилган маълумотлар намоёиш этадики, барча ҳисобга олинган кўрсаткичларни меъёрда эканлиги қайд этилган соғлом шахсларда жигар, меъда ва меъда ости беши томонидан қандайдир ўзгаришлар мавжуд эмаслигини кўрсатади. Шу билан бир вақтда HBV инфекция билан хасталанган беморлар қонида ХЦК-8 ва амилазани меъёрдан сезиларсиз даражада ошганлиги қайд этилди, липаза кўрсаткичлари меъёр чегарасида, гастрин-17 кўрсаткичлари эса меъёр кўрсаткичларидан ишончсиз юқори, пепсиноген-1 ва пепсиноген-2 меъёр меъёр чегарасида эканлиги аниқланди, бу HBV инфекцияси билан хасталанган беморларда меъда ва меъда ости безининг овқат ҳазм қилиш безлари функциясида сезиларли ўзгаришлар мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Сурункали HBV инфекцияли беморлар қонида ХЦК-8, амилаза ва липазаларни меъёрдан яққол намоён бўлган ошганлиги қайд этилади, бу жигар томонидан ХЦК-8ни утилизация қилинишини пасайишидан ва меъда ости безининг функционал фаоллигини ошганлигидан ҳамда панкреатитнинг яширин шаклини мавжудлигидан гувоҳлик беради. Асосан меъданинг танаси ва тубидаги без хужайралари томонидан ишлаб чиқариладиган пепсиноген-1ни меъёрдан пасайиб кетиши ва гастрин-17ни нисбий меъёрдан сезиларли ортишини кузатилиши меъданинг фермент ажратувчи фолликулини камайганлигини кўрсатади, бунда зардоб пепсиногени-1 концентрациясини 40 мкг/л дан кам бўлган белгиларгача камайиши хлорид кислота секрециясини сезиларли камайишида ва атрофик гастритни ривожланишида кузатилади [133, б. 2081-2085]. Жигарнинг барча бўлимларидаги без хужайраларида ҳосил бўлувчи муцин ишлаб чиқрувчи пепсиноген-2 (PG2) ни

мвжуд бўлган меъёр чегарасидаги кўрсаткичлари, меъдани муцин ишлаб чиқарувчи фаолиятида қандайдир ўзгаришларни мавжуд эмаслигини кўрсатади. Шу билан бир вақтда PG1/PG2(24,7/17,3) нисбатини 3 коэффицентига паст бўлган ўзгаришлари атрофик гастритни ривожланишини кўшимча кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.

Бу натижалар кўрсатадики, HBV сурункали инфекция билан хасталанган беморларда атрофик гастрит ва панкреатитнинг жигардан ташқари намоён бўлиши қайд этилади, бироқ бу ўзгаришларнинг механизмлари адабиётларда ёритилмаган.

Шундай қилиб, сурункали HBV беморларида меъда ости безининг функционал фаоллигини яққол намоён бўлган ортиши қайд этилади, бу панкреатитнинг яширин шаклини намоён бўлиши ва меъданинг овқат ҳазм қилиш безларини функционал фоллигини камайишини белгиси, бу эса атрофик гастритни белгиси бўлиши мумкин. Бироқ бу ўзгаришларнинг механизмлари адабиётларда ёритилмаган.

Бизнинг фикримизча бу жигар томонидан паст молекулали ёки қисқа занжирли пептидларни, жумладан ХЦК-8ни метаболизми ёки физиологик утилизацияси билан боғлиқ бўлади, бу бизлар томонимиздан 3 бобда ўтказилган каламушлардаги тажриба тадқиқотларида, шунингдек, АДТИдаги илмий-тадқиқот лабораториясида илгари итларда ўтказилган тажрибаларда кўрсатилган эди [4, б. 20-22; 5, б. 9-11; 9, б. 46], ва бу бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам тасдиқланди [113, б. 344-346; 114, б. 243-245; 133, б. 1204-1208; 136, 1-3].

Бизнинг фикримизча, бу шу билан боғлиқ бўлиши мумкинки, жигар ХЦК-8 метаболизмига таъсир кўрсатади ва бу метаболик самара жигар касалликларида сезиларли ўзгариши мумкин. Бу шу билан тасдиқланиши мумкинки, ХЦК-8 сезиларли даражада соғлом шахсларда ва кам даражада жигар циррози билан хасталанган беморларда метаболизмга учрайди. Бунинг ҳисобига ХЦК-8 меъёрдги субъектлар плазмасида ХЦК-8нинг асосий шакли бўлиб ҳисобланмайди, аммо жигар циррози билан хасталанган беморларда

сезиларли даражада ортади[136, б. 1-3; 187, б. 19-20; 255, б. 880-883]. ХЦК-8 панкреатик секрецияни физиологик стимулятори бўлиб ҳисобланади ва А типидги ХЦК рецепторларини фаоллашиши ҳисобига меъда кислотаси ажралиб чиқишини стимулланишини тўхтатишда асосий аҳамиятга эга ўйнаши мумкин, шунингдек меъда кислотаси, қон плазмсидаги гастрин ва соматостатинни ажралиб чиқишида назоратни амалга оширади[53, б. 3924-3927; 151,б.1038-1040; 217, б. 47-50].

Шундай қилиб таҳмин қилиш мумкинки, меъерда ХЦК-8 юқори даражада жигар томонидан утилизация қилинади, сурункали В гепатитда эса уни жигар томонидан утилизация қилиниши бузилади ва қонда ХЦК-8 концентрцияси ортади. Бунинг ҳисобига юқорида баён этилганидек меъда ости безининг секрециясининг стимулланиш механизмлари ва панкреатитни ривожланиши, бир вақтнинг ўзида меъда секрециясини тўхташи ва атрофик гастритни ривожлааниши қайд этилади.

Олинган маълумотлардан маълум бўлдики, сурункали HBV инфекцияси билан хасталанган беморларда меъда ости беги функционал фаоллигини ортиши ва панкреатитни яширин шаклини ривожланиши, бир вақтнинг ўзида меъданинг овқат ҳазм қилиш безлари функционал фаоллигини пасайиши қайд этилади, бу атрофик гастритнинг яширин шакли белгиси бўлиб ҳисобланади. Бизлар таҳмин қиламизки, ХЦК-8 кўрсатилган бузилишларни ривожланишига сабаб бўлувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади.

**4.1.2. Сурункали С гепатит билан хасталанган беморларда меъда ости беги ва меъданинг овқат ҳазм қилиш гидролазлари, шунингдек ХЦК-8 ва гастрин-17 да жигар кўрсаткичларининг ўзига хосликлари.**

HBV сурункали инфекцияси билан хасталанган беморлардан ташқари, HCV сурункали инфекцияси билан хасталанган беморларда жигар кўрсаткичларини, меъда ости беги ва меъданинг овқат ҳазм қилиш

гидролазларини шунингдек сурункали HCV инфекциясига эга бўлган ва HCV инфекцияни бошидан ўтказган (HBV инфекциядан кейинги) беморларда меъданинг кислота ишлаб чиқриш фаолиятини акс эттирувчи гастрин-17 узун занжирли пептиди ва қисқа занжирли пептид ХЦК-8ни жигар томонидан утилизация қилиш даражасини акс эттирувчи ўзгаришларини ўрганиш катта қизиқишни ташкил этади. Мазкур тадқиқот натижалари ушбу бўлимда тақдим этилган.

Ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича 42 нафар соғлом, 70 нафари HCV инфекциянинг мусбат серологик маркерларига эга бўлди: улардан 38 нафар беморлар HCVнинг инфекциядан кейинги тавсифловчи маркерларига эга бўлдилар 32 нафари эса сурункали HCV инфекцияни маркерларга эга бўлдилар.

HCV маркерларини тадқиқ қилиш натижалари текширилувчиларни иккита – HCVнинг пост инфекцияси ва сурункали HCV инфекцияли гуруҳларга ажратишга имкон берди (4.2 жадвалга қаранг).

#### 4.2-жадвал.

#### Текширилган гуруҳларда HCV зардоб маркерларининг оптик зичлигини (ОЗ) аниқланиши ва кўрсаткичлари

HCV зардоб маркерлари	Пост инфекция		Сурункали инфекция	
	%	ОЗ	%	ОЗ
Anti-HCV total	72,5±6,8	1,762±0,18	68,9±7,1	1,917±0,18
Anti-HCV coreIgG	83,1±7,6	1,945±0,21	79,2±8,3	1,698±0,17
Anti-HCV coreIgM	-	-	85,4±9,1	2,014±0,19
Anti- HCV NS3	-	-	74,1±7,9	0,642±0,07
Anti- HCV NS4	57,3±6,2	0,529±0,06	87,5±9,4	2,323±0,24
Anti- HCV NS5	47,5±5,1	0,683±0,07	81,3±8,5	2,142±0,22

HCV инфекция билан зарарланган шахсларда кўпинча Anti-HCV total ва Anti-HCV core IgG, серологик маркерлари аниқланади, уни HCV сурункали инфекцияси бўлган беморлар гуруҳи бидан солиштирилганда ОПнинг юқори белгилари кузатилди. Бунда Anti- HCVNS4 ва Anti- HCVNS5 нинг

аниқланиши кам бўлди ва ОЗ белгиларидан юқори бўлмади (4.2 жадвалга қаранг). HCV сурункали инфекцияси билан зарарланган беморларида Anti-HCV total, Anti-HCVcoreIgG нинг серологик маркерлари, HCV пост инфекцияли шахсларга нисбатан кам аниқланди. Беморларнинг аксарият қисмида Anti-HCVcoreIgM, Anti-HCVNS4ваAnti-HCVNS5 аниқланди,бунда ОЗ белгилари шунингдек юқори бўлди ва HCV инфекция билан зарарланган гуруҳига нисбатан сезиларли даражада юқори натижаларни кўрсатди. Шу билан бир вақтда Anti-HCV NS3 маркери ОЗнинг паст кўрсаткичлари билан ва жуда кам холларда учради (4.2.- жадвалга қаранг).

Ўтказилган тадқиқотларда аниқландики, текширилган соғлом шахсларда HCV инфекциясига бўлган серологик маркерлар салбий бўлди, жигар синамаларининг кўрсаткичлари меъёр даражасида кузатилди, қондаги амилазлар, липазлар, пепсиноген-1 ва пепсиноген-2, шунингдек ХЦК-8 ва гастрин-17 меъёр чегарасида бўлди (4.3- жадвалга қаранг).

HCV инфекция билан зарарланган шахсларда (4.3- жадвалга қаранг) жигар синамаларининг кўрсаткичлари меъёр чегарасида бўлди, аммо умумий билирубиндан ташқари кўрсаткичлар соғлом одамларга нисбатан ишончли юқори бўлди. Фаол HCV жараёнини мавжуд эмаслигига қарамасдан, ушбу шахсларда қондаги амилаза ва липаза кўрсаткичлари соғлом шахсларга нисбатан солиштирилганда ишончли юқори бўлди ва меъёр кўрсаткичларидан ошиб кетди. Шу билан бир вақтда пепсиноген -1 кўрсаткичлари меъёр чегарасида бўлди ва соғлом шахсларга нисбатан ишончли паст бўлди. Пепсиноген-2 нинг кўрсаткичлари эса соғлом шахсларг нисбатан солиштирилганда аҳамиятсиз юқори бўлди, аммо меъёр чегарасида қолди.Бунда қондаги ХЦК-8 ва гастрин-17 кўрсаткичлари соғлом шахсларга нисбатан ишончли юқори бўлди ва меъёрнинг юқори чеграсидан аҳамиятсиз даражада ошди.

Сурункали HCV инфекция билан хасталанган беморларда барчаа ҳисобга олинган жигар синамалари меъёрдан юқори бўлди ва HCV пост инфекцияли шахсларга нисбатан худди шу кўрсаткичлар ишончли юқори

бўлди. Худди шу беморларда амилаза ва липазанинг меъёрдан яққол намоён бўлган ортиши қайд этилди ва бу кўрсаткичлар HCV пост инфекцияли беморлар кўрсаткичлари билан солиштирилганда ишончли юқори бўлди. Бунда пепсиноген-1 кўрсаткичлари меъёрнинг қуйи чегарасидан кам бўлди ва HCV пост инфекцияли шахсларга нисбатан ишончли паст бўлди. Шу билан бир вақтда пепсиноген-2 кўрсаткичлари, меъёр чегарасида бўлди, аммо HCV пост инфекцияли шахсларга нисбатан бир неч марта паст бўлди, ХЦК-8 ва гастрин-17 кўрсаткичлари эса HCV пост инфекцияли беморларга нисбатан ишончли юқори бўлди ва меъёрнинг юқори чегарасидан 2,5 мартадан кўпроққа ошди ( 4.3.- жадвалга қаранг).

#### 4.3-жадвал.

#### Вирусли гепатит С билан хасталанган беморлар ва соғломлар қонида хисобга олинган кўрсаткичлар миқдори

Зардоб маркерлари	Соғломлар	HCV пост инфекция	Сурункали HCV инфекция
Жигар синамалари			
АЛТ(ммоль/ч*л) (меъёр 0,1-0,68)	0,21±0,02	0,38±0,04*	0,89±0,09**
АСТ(ммоль/ч*л) (меъёр 0,1-0,68)	0,36±0,04	0,47±0,05	1,26±0,13**
Умумий билирубин (мкмоль/л) (меъёр 8,5-20,5)	13,6±1,2	18,3±1,9	61,5±6,7**
Бевосита билирубин(мкмоль/л) (меъёр 0-5,0)	2,0±0,1	3,9±0,4*	34,2±4,27**
Қон гидролазлари			
Панкреатик амилаза (меъёр 0-60 Е/л)	41,6±5,8	85,2±11,4*	129,7±15,2**
Панкреатик липаза (меъёр 0-53 Е/л)	32,5±4,9	69,5±8,1*	94,4±12,6
Пепсиноген-I(мкг/л) (меъёр 40–130)	117,4±15,3	41,9±5,3*	19,5±2,3**
Пепсиноген-II(мкг/л) (меъёр 4–22)	12,5±1,5	18,4±2,1	11,2±1,4**
Пептидлар			



ХЦК-8 Меъёр 0,5–1 нг/мл	0,72±0,08	1,23±0,11*	2,86±0,26**
Гастрин-17 Меъёр(наҳорга) < 7 пмоль/л	5,6±0,45	9,1±0,82*	17,3±1,6**

\* - соғлом шахслар кўрсаткичларига нисбатаан ишончлилик даражаси.

\*\* - HCV пост инфекцияси билан хасталанган беморлар кўрсаткичларига нисбатаан ишончлилик даражаси.

HCV инфекцияси билан хасталанган беморлар қони таркибида амилаза ва липазани меъёрдан юқори бўлиши меъда ости безининг функционал фаоллигини сезиларсиз ошганлигини кўрсатади. Қонда ХЦК-8 миқдорини ортиши унда ХЦК-8 ни утилизация қилинишини пасайиши билан боғлиқ бўлган жигар фаолиятини пасайишини кўрсатади бу эса меъда ости беши самарасига олиб келади. Бунда пепсиноген -1 ва пепсиноген -2 ни меъёр чегарасида мавжуд бўлиши меъданинг овқат ҳазм қилиш фаолиятини аҳамиятли ўзгаришини мавжуд эмаслигини кўрсатади, гастрин-17 кўрсаткичларини меъёрдан юқорига аҳамиятсиз ортиши эса, меъда безларининг секретор фаолиятига аҳамиятли таъсир этмаслигини кўрсатади.

HCV сурункали инфекция билан хасталанган беморлар қонида амилаза ва липаза, ХЦК-8 миқдорини меъёрдан юқори бўлиши, жигар томонидан ХЦК-8ни утилизация қилинишини пасайишини, меъда ости безлар функционал фаоллигини ортишини кўрсатади, бу эса панкреатитни ривожланишида кузатилди. Бунда панкреатит клиник белгиларсиз, яъни унинг яширин шаклида бўлиши мумкин. Меъданинг танаси ва тубидаги асосий хужайралар томонидан ишлаб чиқариладиган пепсиноген-1 кўрсаткичларини меъёрдан паст бўлишини қайд этилиши, меъданинг фермент ажратиб чиқарувчи фаолиятини камайишини кўрсатади, бунда зардоб пепсиногени-1 (PG1)ни 40 мкг/л белгиларидан пастга пасайиши хлорлид кислота ажралиб чиқишини сезилаарли камайишида ва атрофик гастритни ривожланишида кузатилади [135, б. 2081-2083]. Жигарнинг барча бўлимларидаги без хужайраларида хосил бўлувчи муцин ишлаб чиқарувчи

пепсиноген-2 (PG2) ни мавжуд бўлган меъёр чегарасидаги кўрсаткичлари, меъдани муцин ишлаб чиқарувчи фаолиятида қандайдир ўзгаришларни мавжуд эмаслигини кўрсатади. Шу билан бир вақтда PG1/PG2(24,7/17,3) нисбатини 3 коэффицентигача паст бўлган ўзгаришлари атрофик гастритни ривожланишини кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Гастрин-17 даражасини меъёрдан сезиларли ортиши, меъданинг секретор фаолиятини аҳамиятли пасайишини кўрсатади ва атрофик гастритни ривожланишини кўшимча кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.

Мазкур тадқиқотларнинг натижалари намоёиш этадики, сурункали HCV беморларида меъда ости беши функционал фаоллигини яққол намоён бўлган ортиши қайд этилади. Бунинг сабаби бўлиб, қонда ХЦК-8 концентрациясини ортиши бўлиб ҳисобланиши мумкин, унинг физиологик ўрни панкреатик секрецияни стимуллашдан иборатдир[217, б. 47-50]. Қонда ХЦК-8 концентрациясини ортиши сурункали С гепатитда уни жигар томонидан утилизация қилинишини бузилиши билан тушунтирилади [54, б. 112-115]. Бу механизмлар панкреатитни яширин шаклини ривожланишини юзага келтиради. Бу билан бир вақтда, қонда ХЦК-8ни ортиши меъда кислотасини ажралиб чиқишини камайишига сабаб бўлади. Чунки ХЦК-8 қон плазмасида гастрин миқдорини ва сомастатинни ажралиб чиқишини ўзгаартирган ҳолда меъдаа кислотаси секрециясини стимуланишини тўхтатишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. [151, б. 1038-1040]. Мазкур ўзгаришлар атрофик гастритни ривожланишига биргаликда таъсир кўрсатади.

Бизлар томонимиздан олинган меъда ва меъда ости беши функционал фаоллигига ХЦК-8 нинг шрни тўғрисидаги турли йўналишли тадқиқотлар ҳақидаги ва панкреатит ҳамда атрофик гастритни яширин шаклдаги кўринишларига сурункали С гепатитнинг жигардан ташқаридаги ривожланиш белгиларини патогенетик механизмларини шакллаантиришда мавжуд бўлган маълумотларни умумлаштиришга имкон беради. Натижада панкреатит ва атрофик гстритни янада аниқ тшхислаш сабаблари, шунингдек

ўз вақтида ва мос бўлган патогенетик даволашни бошлаш имконияти пайдо бўлди.

Шундай қилиб, сурункали HCV инфекцияли беморларда аниқланди:

1. Қонда амилаза ва липазани ортиши, меъда ости беши функционал фаоллигини ортишининг кўшимча маркерлари ва панкреатитнинг яширин шаклини ривожланиши. Зардоб пепсиноган-1 концентрациясини 40 мкг/л белгиларигача бир вақтнинг ўзида камайиши хлорлид кислота ажралиб чиқишини сезиларли камайишини ва атрофик гастритни ривожланишини кўрсатади.

2. Қонда гастрин-17 ни ортиши хлорлид кислота ажралиб чиқишини пасайишини ва атрофик гастритни ривожланишини кўшимча маркери бўлиб ҳисобланади.

3. Қонда ХЦК-8 ни ортиши жигарда мазкур пептидни утилизация қилинишини камайишга олиб келувчи жигар фаолиятларини бузилишини кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Бизларнинг таҳминимизча, қонда ХЦК-8ни ортиши меъда ва меъда ости беши томонидан бузилишларни ривожланишига олиб келувчи асосий омил бўлиб ҳисобланади.

4. Жигарнинг вирус этиологияли сурункали каасалликлари билан хасталанган беморларни текширишда етарли даражада кўпинча патологик жараёнга ёнма ён жалб этилувчи орган сифатида меъда ва меъда ости бешининг функционал холатини қонда инкреатирланган овқат ҳазм қилиш гидролазларини, шунингдек мазкур органларни бошқарувчи пептидларинитекшириш йўли билан ўрганишнинг мақсадга мувофиқлиги асослангандир, бу сурункали гепатит босқичида етарли даражада маълумотли скрининг тести бўлиб ҳисобланади.

**4.1.3. Сурункали алкогольли гепатит билан хасталанган беморларда жигар, ХЦК-8 ва гастрин-17, меъда ва меъда ости бешининг овқат ҳазм қилиш гидролазларининг кўрсаткичларини ўзгаришлари.**

Сурункали инфекцион гепатит билан хасталанган беморлардан ташқари сурункали ноинфекцион гепатит билан хасталанган беморларда меъда ости беши ва меъданинг овқат ҳазм қилиш безлари ҳамда жигардаги кўрсаткичларни, шунингдек қисқа занжирли пептид ХЦК-8 ва узун занжирли пептид гастрин-17 ни ўрганиш қизиқиш уйғотди. Сурункали алкоғолли гепатит билан хасталанган беморларни ушбу текшириш натижалари бобнинг мазкур бўлимида тақдим этилган.

42 нафар соғлом ва 8 нафар сурункали алкоғолли гепатитнинг мусбат серологик маркерларига эга бўлганларда ўтказилган текширишлар натижалари ушбу бобнинг мазкур бўлимида келтириб ўтилган.

Олиб борилган текширишларда аниқландики, текширилган сурункали гепатит билан хасталанган беморларда барча ҳисобга олинган жигардаги синама кўрсаткичлари соғлом одамлардаги худди шу каби кўрсаткичлардан ишончли даражада юқори бўлди ва қолган кўрсаткичлар ҳам меъёрдан баланд натижаларни кўрсатди. Шунингдек бу гуруҳ беморларида гамма-глутамилтрансферазани меъёрдан анча сезиларли ортиши қайд этилди, шунингдек амилаза ва липаза кўрсаткичлари ҳам меъёрдан баланд бўлди ва бу кўрсаткичлар соғлом шахслардаги кўрсаткичларга нисбатан солиштирилганда ишончли даражада юқори бўлди. Шунингдек бунда улар А иммуноглобулин кўрсаткичларини ишончли даражада юқори натижаларига эга бўлди. Шу билан бир вақтда пепсиноген -1 кўрсаткичлари меъёрнинг куйи чегарасидан кам бўлди ва соғлом шахсларга нисбатан ишончли паст бўлди. Аммо шунга қарамай, пепсиноген-2 кўрсаткичлари меъёр чегарасида бўлди, аммо соғлом шахсларга нисбатан бир неча марта паст бўлди, ХЦК-8 ва гастрин-17 кўрсаткичлари эса соғлом шахсларга нисбатан ишончли юқори бўлди ва меъёрнинг юқори чегарасидан 2,5 мартадан ортиқроққа ошди (4.4-жадвалга қаранг).

Сурункали алкоғолли гепатит билан хасталанган беморлар қонида амилаза липаза ва ХЦК-8 миқдорини меъёрдан юқори даражага ортиши жигар томонидан ХЦК-8ни утилизация қилинишини пасайишидан ва меъда

ости безининг функционал фаоллигини ортишидан гувоҳлик беради, бу бу клиник белгиларсиз юзага келадиган панкреатитни ривожланишида учрайди. Асосан меъданинг танаси ва тубидаги без хужайралари томонидан ишлаб чиқариладиган пепсиноген-1ни меъёрдан пасайиб кетиши ва гастрин-17ни нисбий меъёрдан сезиларли ортишини кузатилиши меъданинг фермент ажратувчи фолитини камайганлигини кўрсатади, бунда зардоб пепсиногени-1 концентрациясини 40 мкг/л дан кам бўлган белгиларгача камайиши хлорлид кислота секрециясини сезиларли камайишида ва атрофик гастритни ривожланишида кузатилади [135, б. 2081-2983].

#### 4.4-жадвал

### Соғломлар ва алкогольли гепатит билан хасталанган беморлар қон зардобида ХЦК-8, гастрин-17 , жигар синамалари, гидролазлар кўрсаткичлари

Зардоб маркерлари	Соғломлар	алкоголли гепатит
<b>Жигар синамалари</b>		
АЛТ(ммоль/ч*л) (меъёр 0,1-0,68)	0,21±0,02	0,82±0,09*
АСТ(ммоль/ч*л) (меъёр 0,1-0,68)	0,36±0,04	1,75±0,21*
Ишқорийфосфотаза (Е/л) (меъёр45-132)	96,4±11,2	328±34,7*
Гамма-глутамилтрансфераза (глутамилтранспептидаза) (Ед/л) Эркаклардаги меъёр — 8-61 аёллардаги меъёр — 5-36.	32,5±3,9	347,2±37,5*
Умумийбилирубин (мкмоль/л) (меъёр 8,5-20,5)	13,6±1,2	28,5±3,2*
Бевосита билирубин(мкмоль/л) (меъёр 0-5,0)	2,0±0,1	17,3±2, 1*
Умумий иммуноглобулина Ig А(мг/мл) (меъёр 0,90-4,50)	3,95±0,41	12,6±1,43*
<b>Қон гидролазалари</b>		
Панкреатик амилаза (меъёр 0-60 Е/л)	41,6±5,8	142,4±15,2*
Панкреатик липаза (меъёр 0-53 Е/л)	32,5±4,9	108,3±11,6*

Пепсиноген-1(мкг/л) (меъёр40–130)	117,4±15,3	31,4±4,1*
Пепсиноген-2 (мкг/л) (меъёр 4–22)	12,5±1,5	15,2±1,8
Пептидлар		
ХЦК-8 Меъёр 0,5–1 нг/мл	0,72±0,08	1,94±0,24*
Гастрин-17 меъёр(наҳорга) < 7 пмоль/л	5,6±.0,45	14,5±1,7*

\* - соғлом шахслар кўрсаткичларига нисбатан катталикларнинг нисбатан ишончлилиги даражаси

Шундай қилиб, тахмин қилиш мумкинки, меъёрда ХЦК-8 юқори даражада жигар томонидан утилизация қилинади, сурункали алкоғолли гепатитда, шунингдек сурункали гепатит В ва С да эса уни жигар томонидан утилизация қилиниши бузилади ва қонда ХЦК-8 нинг концентрацияси ортади. Бунинг натижасида эса меъда ости беши секрециясини тезлашишини юқорида баён этилган механизмлари ва панкреатитни ривожланиши, бу билан бир вақтда меъда секрециясини тўхтати ва атрофик гастритни ривожланиши қайд этилади.

Бизлар томонимиздан олинган маълумотлар меъда ости беши ва меъданинг функционал фаоллигига ХЦК-8ни кўрсатадиган таъсирини ҳамда атрофик гастрит ва панкреатитнинг яширин шакллари кўринишидаги сурункали алкоғолли гепатит белгиларин жигардан ташқарида ривожланишининг патогенетик механизмларини шакллантиришдаги ўрни турли йўналишдаги тадқиқотларда олинган маълумотларни умумлаштиришга имкон беради. Натижада атрофик гастрит ва панкреатитни янада аниқ ташхислаш сабаблари, шунингдек алкоғолли гепатитда ўз вақтида ва мос бўлган патогенетик даволашни буюриш имконияти тақдим этилади.

**4.1.4. Сурункали аутоиммун гепатит билан хасталанган беморларда жигар, ХЦК-8 ва гастрин-17, меъда ва меъда ости безининг овқат ҳазм қилиш гидролазларининг кўрсаткичларини ўзгаришлари.**

Юкумсиз гепатит, жумладан сурункали аутоиммун гепатит билан хасталанган беморларда жигар ва меъданинг овқат ҳазм қилиш безлари ва меъда ости безлари кўрсаткичларини ўзгаришлари, шунингдек қисқа занжирли пептид ХЦК-8 ҳамда узун занжирли пептид гастрин-17ни ўрганиш катта қизиқишни ташкил этди. Представляло также интерес изучить изменение показателей печени и пищеварительных желез желудка и поджелудочной железы, а также короткоцепочного пептида ХЦК-8 и длинноцепочного пептида гастрин-17 у больных с неинфекционными гепатитами и в частности хроническим аутоиммунным гепатитом. 42 нафар соғлом ва бнафар сурункали аутоиммуноген гепатитнинг мусбат серологик маркерларига эга бўлганларда ўтказилган текширишларининг таҳлиллари бобнинг мазкур бўлимида келтириб ўтилган.

Ушбу тадқиқотларда аниқландики, соғлом шахсларда гепатитга бўлган соғлом маркерлар салбий бўлди, жигар синамалари меъёр чегарасида бўлди, шунингдек амилазалар, липазалар, пепсиноген-1 ва пепсиноген-2, ҳамда ХЦК-8 ва гастрин-17 кўрсаткичлари меъёр чегарасида бўлди (4.5- жадвалга қаранг).

#### 4.5-жадвал

#### Аутоиммун гепатит билан хасталанган беморларда аутоантитанача кўрсаткичлари

Реакция номи	Меъёр(ОЗ крит.)	Кўрсаткичлар	Натижа
Аутоиммун IgGни (табий) икки занжирли(ds) ДНК (МЕ/мл)	0,687	Ўртача 0,926, барча беморларда 0,687дан юқори	Барча беморларда ижобий
Аутоиммун IgGни (денатурацияланган) бир занжирли (ss) ДНК (МЕ/мл)	0,819	Ўртача 1,358,у барча беморларда 0,819 дан юқори	Барча беморларда ижобий
АНА –антигенларга бўлган	<1 -	Ўртача	Барча

антинуклеар антителалар: RNP-70, RNP/Sm, Sm, SS-A, SS-B, Scl-70, центромер B, Jo-1 (скриннинг тести)	аниқланмади; 1—1.2 - кулранг зона; >1.2 – аниқланди	1,672, барча беморларда 1,2дан юқори	беморларда аниқланади
Жигарнинг эриган антигенига нисбатан антитела(SLA/LP), IgG	<1 - манфий. >1,0 – мусбат.	Ўртача 1,487 , барча беморларда 1,0 юқори	Барча беморларда мусбат

Сурункали аутоиммун гепатит билан хасталанган барча беморларда табиий (ds) ДНКга IgG аутоантителоларнинг мавжудлиги бўйича кўрсаткич мусбат бўлди. Бунда ОЗ катталиги бўйича мазкур ўртача кўрсаткич 0,926ни ташкил этди ва у барча беморларда референс 0,687 белгисидан юқори бўлди. Худди шу беморларда денатурацияланган (ss) ДНКсига IgG аутоантителоларининг мавжудлиги бўйича кўрсаткич ҳам шунингдек, ижобий бўлди. Бунда ОЗ катталиги бўйича мазкур ўртача кўрсаткич 1,358ни ташкил этди ва у барча беморларда референс белги 0,819 дан юқори бўлди.

Бундан ташқари, сурункали аутоиммун гепатит билан хасталанган барча беморларда антинуклеар антителолар аниқландива ОЗ катталиги бўйича ўртача кўрсаткич 1, 627ни ташкил этди ҳамда барча беморларда 1,2 референс белгисидан юқори бўлди. Ушбу беморларда жигарнинг эриган антигени (SLA/LP) га нисбатан IgG аутоантитанасининг мавжудлиги бўйича кўрсаткичлар мусбат бўлди ва ОЗ катталиги бўйича ўртача кўрсаткич 1,487ни ташкил этди ҳамда барча беморларда 1,0 референс белгисидан юқори бўлди.

Бунда сурункали аутоиммун гепатит билан хасталанган беморларда барча ҳисобга олинган жигар синамаларининг кўрсаткичлари меъёрдан юқори бўлди ва соғлом шахслардаги худди шу каби кўрсаткичлардан ишончли юқори натижаларни кўрсатди. Худди шу беморларда (IgG) иммуноглобулинларини меъёрдан юқори сезиларли ишончли ортиши қайд этилди, шунингдек амилаза ва липаза кўрсаткичлари меъёрдан юқори бўлди



ва бу кўрсаткичлар соғлом шахслар кўрсаткичлари билан солиштирилганда ишончли даражада юқори бўлди.

Шу билан бир вақтда пепсиноген-1 кўрсаткичлари меъёрнинг қуйи чегарасидан паст бўлди ва соғлом шахсларга нисбатан ишончли паст натижаларни кўрсатди. Аммо шунга қарамай, пепсиноген-2 кўрсаткичлари меъёр чегарасида бўлди, аммо соғлом шахсларга нисбатан бир неча паст натижаларни кўрсатди, ХЦК-8 ва гастрин-17 кўрсаткичлари эса соғлом шахсларга нисбатан ишончли юқори бўлди ва меъёрнинг юқори чегарасидан ошиб кетди (4.6 - жадвалга қаранг).

#### 4.6-жадвал

### Аутоиммун гепатит билан хасталанган беморлар ва соғлом шахслар қон зардобда ХЦК-8, гастрин-17, жигар синамалари, меъда ости беши ва меъда гидролазларининг кўрсаткичлари

Зардоб маркерлари	Соғломлар	Аутоиммун Гепатит
<b>Жигар синамалари</b>		
АЛТ(ммоль/ч*л) (меъёр 0,1-0,68)	0,21±0,02	3,25±0,46*
АСТ(ммоль/ч*л) (меъёр0,1-0,68)	0,36±0,04	4,12±0,68*
Умумий билирубин (мкмоль/л) (меъёр 8,5-20,5)	13,6±1,2	62,3±8,7*
Бевосита билирубин(мкмоль/л) (меъёр 0-5,0)	2,0±0,1	24,7±3, 5*
IgG(мг/мл) умумий глобулинлари, (меъёр8,0-18,0)	15,7±1,72	27,4±3,21*
<b>Қон гидролазлари</b>		
Панкреатик амилаза (меъёр 0-60 Е/л)	41,6±5,8	98,6±10,4*
Панкреатик липаза (меъёр 0-53 Е/л)	32,5±4,9	74,9±9,2*
Пепсиноген-1(мкг/л) (меъёр40–130)	117,4±15,3	23,1±3,5*
Пепсиноген-2 (мкг/л) (меъёр4–22)	12,5±1,5	16,4±1,9
<b>Пептидлар</b>		

ХЦК-8 меъёр 0,5–1 нг/мл	0,72±0,08	1,69±0,28*
Гастрин-17 меъёр(наҳорга) < 7 пмоль/л	5,6±.0,45	12,7±1,5*

\* - соғлом шахслар кўрсаткичларига нисбатан ишончлилик даражаси

Сурункали аутоиммун гепатит билан хасталанган беморлар қонида амилаза липаза ва ХЦК-8 микдорини меъёрдан юқори даражага ортиши жигар томонидан ХЦК-8ни утилизация қилинишини пасайишидан ва меъда ости безининг функционал фаоллигини ортишидан гувоҳлик беради, бу клиник белгиларсиз юзага келадиган панкреатитни ривожланишида учрайди. Асосан меъданинг танаси ва тубидаги без ҳужайралари томонидан ишлаб чиқариладиган пепсиноген-1ни меъёрдан пасайиб кетиши ва гастрин-17ни нисбий меъёрдан сезиларли ортишини кузатилиши меъданинг фермент ажратувчи фоллятини камайганлигини кўрсатади, бунда зардоб пепсиногени-1 концентрациясини 40 мкг/л дн кам бўлган белгиларгача камайиши хлорид кислота секрециясини сезиларли камайишида ва атрофик гастритни ривожланишида кузатилади [135, б. 2081-2083].

Шундай қилиб, тахмин қилиш мумкинки, меъёрда ХЦК-8юқори даражада жигар томонидан утилизация қилинади, сурункали аутоиммун гепатитда, эса уни жигар томонидан утилизация қилиниши бузилади ва қонда ХЦК-8 нинг концентрацияси ортади. Бунинг натижасида эса меъда ости беги секрециясини тезлашишини юқорида баён этилган механизмлари ва панкреатитни ривожланиши, бу билан бир вақтда меъда секрециясини тўхтати ва атрофик гастритни ривожланиши қайд этилади.

Бизлар томонимиздан олинган маълумотлар меъда ости беги ва меъданинг функционал фаоллигига ХЦК-8ни кўрсатадиган таъсирини ҳамда атрофик гастрит ва панкреатитнинг яширин шакллари кўринишидаги сурункали аутоиммун гепатит белгиларини жигардан ташқарида ривожланишининг патогенетик механизмларини шакллантиришдаги ўрни турли йўналишдаги тадқиқотларда олинган маълумотларни умумлаштиришга имкон беради. Натижада атрофик гастрит ва панкреатитни

янада аниқ ташхислаш сабаблари, шунингдек, аутоиммун гепатитда ўз вақтида ва мос бўлган патогенетик даволашни буюриш имконияти тақдим этилади.

#### **4.1.5 Вирусли В ва С гепатит билан хасталанган беморларда контрикал ва гепаринни биргаликда қўллаш самаралари.**

Меъда ва меъда ости безини жалб этилиши билан юзага келадиган жигарнинг вирус этиологияли сурункали касаллиги билан хасталанган аксарият беморларда патологик жараён кам белгилар билан ёки белгиларсиз кечади, халигача мазкур органларни шикастлаишини аниқ ташхислаш мезонлари мавжуд эмас. Мавжуд бўлган адабиётларда меъда ости бези ва меъда фаолиятларини бузилишини ривожланиш сонини, жигар шикастланишларини турли этиологик шаклларида уларни кечишини ўзига хосликлари, гастрит ва панкреатит фаоллиги билан жигардаги жараёнлар фаоллиги ўртасидаги алоқани кўрсатувчи аниқ кўрсатмалари мавжуд эмас. Жигарнинг сурункали вирусли инфекцияларида меъда ва меъда ости бези фаолиятларини бузилишининг тавсифи тўғрисидаги маълумотлар турли тумандир, ушбу патология синдромини давланишнинг масалалари мутлақо ишлаб чиқилмаган [46, б. 3-7; 54, б. 112-115].

Бир қатор тадқиқотларда кўрсатилдики, қон зардобидидаги меъда ости безининг – амилаза ва липаза каби ферментлари вирусли гепатит ташхиси қўйилган беморлардаги жигар касалликларини ривожланиб бориши билан ортади. Аксарият холларда белгиларсиз бўлган меъда ости безининг касалликлари сурункали вирусли гепатитни жигардан ташқари белгилари каби намоён бўлиши мумкин [22, б. 25-31; 43, б. 154-157; 150, б. 3508-3510].

Шунингдек аниқландики, жигар циррози билан хасталанган беморларда эркин ва умумий кислоталик дебитининг ўртача кўрсаткичлари, шунингдек қон зардобидидаги пепсиноген-1 одатий шароитларга нисбатан паст бўлди. Шунингдек меъданинг шиллик қаватида қон айланишини пасайиши қайд этилди ва гастриннинг сақланиши соғлом шахслар гуруҳига нисбатан

сезиларли паст бўлди, бунда жигар циррози билан хасталанган беморларда зардоб гастрини ва соматостатинини концентрацияси сезиларли даражада юқори бўлди [155, б. 26-29; 171, б. 8-10; 187, б. 19-20].

Бизнинг фикримизча бу жигар томонидан қисқа молекулали пептидлар, жумладан ХЦК-8нинг физиологик метаболизми билан боғлиқдир, бу бизлар томонимиздан ўтган бобларда кўрсатиб берилди ва қатор бошқа тадқиқотларда ҳам тасдиқланди [133, б. 1204-1208].

Кўрсатилдики, жигар томонидан ХЦК-8нинг метаболизми унинг касалликларида сезиларли ўзгариши мумкин. Демак аниқландики, ХЦК-8 соғлом шахсларда сезиларли даражада, жигар циррози билан хасталанган беморларда эса кам даражада метаболизмга учрайди. Бунинг ҳисобига эса жигар циррози билан хасталанган беморлар қонида ХЦК-8нинг миқдори ортади [136, б. 1-3].

Каламушларда ўтказилган тажрибаларда аниқландики, сунъий паст молекулали протеаза ингибитори габексатни қўлланилиши, қон зардобда трансминазалар даражасини сезиларли пасайтирди ва тўрт хлорлили углерод киритилгандан сўнг 24 соат ўтиб, жигар гистологиясини яхшилади [190, б. 260-263].

Шунингдек, кўрсатилдики, сунъий паст молекулали протеаза ингибитори нафамостат мезилат томир ичига киритилганда чўчка гепатоцитларига ижобий таъсир кўрсатади, чўчка гепатоцитлари мембраналарига протеазалар кўрсатадиган фаолликни бартараф этиб, бевосита таъсир этиш орқали уларнинг ҳаёт сифатини яхшилади [87, б. 2392-2395; 175, б. 534-535; 204, б. 594-597].

Бундан ташқари аниқландики, паст молекулал гепарин ўткир фазада яллиғлаишни олдини олади ва балки семиз ва Купфер хужайралар фаоллигини камайтиради ҳамда некроз ва апаптозга қарши ҳимоя ўрнини намойиш этади. Шунингдек, гепаринни жигарнинг сурункали шикастланишига уни ижобий таъсир кўрсатишини келгусида тадқиқ қилинса, зарарланган жигарни даволаш учун арзон ва хавфсиз вариант бўлиб

ҳисобланиши мумкин. Шунингдек каламушлардаги жигар фибрози моделида гепаринни антифибротик таъсири ўрнатилди [162, б. 445-448; 240, б. 86-89].

Бунда беморларда контрикал ва гепаринни қўллаш қизиқиш уйғотди, чунки 3 бобда кўрсатилганидек каламушлардаги CCL4 билан ўткир ости захарланиш моделида ХЦК-8 ва гастрин-17ни пасайиши, шунингдек меъда ости бези функционал фаоллигини пасайиши ва меъда секрециясини ортиши қайд этилди. Ушбу тадқиқот натижалари бобнинг мазкур бўлимида тақдим этилди.

Сурункали HBV инфекциясининг мусбат серологик маркерларига эга бўлган 18 нафар текширилган беморлар ва HCV сурункали инфекцияга эга бўлган 22 нафар беморларда ўтказилган текширишлар натижалари бўйича уларни комплекс даволашга 3 кун давомида томир ичига томчилаб 100 мл физиологик эритмага 100 000 бирликда контрикал ва ҳафта давомида тери остига ҳар 12 соатда 2,5 минг бирликда гепарин киритилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида соғлом шахсларга нисбатан сурункали HBV инфекция билан хасталанган беморларда Anti-HBcIgG, Anti-HbcIgM ва HBe-антигеннинг у ёки бу турдаги серологик маркерлари аниқланди. Шу билан бир вақтда HBs-антигени кам даражада намоён бўлди. Бунда беморларда жигарнинг барча ҳисобга олинадиган синама кўрсаткичлари меъёрдан юқори бўлди. Ушбу беморлар қонида соғлом шахсларга нисбатан солиштирилганда амилазани яққол намоён бўлган ортиши қайд этилди. Соғлом шахсларга нисбатан солиштирилганда шунингдек липазани меъёрдан юқори даражада ортиши қайд этилди. Бунда пепсиноген-1 кўрсаткичлари меъёрнинг қуйи чегарасидан паст ва соғлом шахсларга нисбатан сезиларли даражада паст кўрсаткичларга эга бўлди. Шу билан бир вақтда пепсиноген-2 кўрсаткичлари меъёр чегарасида бўлди, аммо соғлом шахсларга нисбатан юқори натижаларни кўрсатди. Даволаниш қабул қилаётган сурункали HBV инфекцияси билан хасталанган беморлар қонида ХЦК-8 ва гастрин-17 кўрсаткичлари соғлом шахсларга нисбатан ишончли

юқори бўлди ва меъёрнинг юқориги чегарасидан ортиб кетди (4.7- жадвалга қаранг).

Контрикални гепарин билан биргаликда даволаш учун қабул қилаётган сурункали HBV инфекция билан хасталанган беморларда даволашгача бўлган худди шундай кўрсаткичларга нисбатан АЛТ ва АСТ кўрсаткичларини яққол намоён бўлган аммо ишончли бўлмаган пасайиши қайд этилди, аммо шунга қарамай, бу кўрсаткичлар соғлом шахсларга нисбатан, шунингдек референс белгилардан ишончли даражада юқори бўлди.

#### 4.7-жадвал.

**Соғлом шахслар билан таққосланганда, контрикал ва гепарин билан даволаш таъсири остида вирусли гепатит билан хасталанган беморларда қонда гидролазлар миқдори, меъда ва меъда ости безининг кўрсаткичлари (соғлом шахслар билан таққослаш)**

Зардоб маркерлари	Соғломлар	Сурункали HBV инфекция	
		даволашгача	Даволашдан сўнг
<b>HBVга нисбатан антитаначаларни аниқланиши</b>			
	%	%	
HBs-антиген	-	58±6,5	
HBe – антиген	-	79±8,1	
Anti-HBs	-	-	
Anti-HBe IgG	-	-	
Anti-HBc IgG	-	87±9,1	
Anti-HBcIgM	-	81±9,1	
<b>Жигар синамалари</b>			
АЛТ(ммоль/ч*л) Меъёр 0,1-0,68	0,21±0,02	0,74±0,08*	0,56±0,06
АСТ(ммоль/ч*л) Меъёр 0,1-0,68	0,36±0,04	0,93±0,11*	0,71±0,09
Умумий билирубин (мкмоль/л) Меъёр 8,5-20,5	13,6±1,2	47,9±5,5*	29,7±4,1**
Бевосита билирубин(мкмоль/л) Меъёр 0-5,0	2,0±0,1	26,0±2, 7*	24,0±2, 5
<b>Қон гидролазлари</b>			

Панкреатик амилаза Меъёр 0-60 Е/л	41,6±5,8	114,5±13,8*	83,7±9,4
Панкреатик липаза Меъёр 0-53 Е/л	32,5±4,9	71,6±9,2*	49,8±6,1
Пепсиноген-I(мкг/л) Меъёр40–130	117,4±15,3	24,7±5,3*	56,2±6,7**
Пепсиноген-II(мкг/л) Меъёр4–22	12,5±1,5	17,3±2,1	15,2±1,7
Пептидлар			
ХЦК-8 Меъёр 0,5–1 нг/мл	0,72±0,08	2,47±0,26*	1,74±0,21**
Гастрин- 17Меъёр(наҳорга) < 7 пмоль/л	5,6±0,45	13,6±1,4*	8,9±1,1**

\* - соғломларнинг кўрсаткичларига нисбатан ишончли фарқ қилувчи катталиклар.

\*\* - даволашгача бўлган кўрсаткичларга нисбатан ишончли фарқ қилувчи катталиклар.

Шу билан бир вақтда умумий билирубин кўрсаткичлари даволашгача бўлган худди шундай кўрсаткичлардан ишончли паст бўлди, бироқ улар соғлом шахслар натижаларидан юқори ва референс белгилардан катта бўлди. Бевосита билирубин кўрсаткичлари эса даволашгача бўлган худди шу каби кўрсаткичлардан аҳамиятсиз даражада паст, шунингдек соғлом шахслар кўрсаткичлари ва референс белгилардан юқори бўлди. Шу билан бир вақтда даволашгача бўлган кўрсаткичларга солиштирилганда, амилаза ва липаза каби панкреатик ферментларни яққол намоён бўлган ишончли бўлмаган пасайиши қайд этилди, аммо бу кўрсаткичлар шунингдек соғлом шахслардаги худди шундай кўрсаткичларга нисбатан юқориликча қолди, шунингдек улар референс белгилардан катта бўлди. Бунда даволашгача бўлган натижалар билан солиштирилганда, пепсиноген-1 кўрсаткичлари ишончли даражада юқори бўлди, пепсиноген-2 кўрсаткичлари эса соғлом шахсларга нисбатан ҳам, референс белгиларга нисбатан ҳам аҳамиятли ўзгармади, аммо пепсиноген-1 кўрсаткичлари соғлом шахслардаги худди шу кўрсаткичлардан сезиларли паст бўлди ва референс белгилар чегарасида қолди. Даволашдан кейин беморлар қонида ХЦК-8 ва гастрин-17 кўрсаткичлари даволашгача бўлган натижаларга нисбатан ишончли паст

бўлди, ammo соғлом шахсларга нисбатан юқори бўлди ва референс белгининг юқори чегарасидан тшиб кетди.

Сурункали HCV инфекция билан хасталанган беморларда (4.7жадвал) Anti-HCV total, Anti-HCVcoreIgG, Anti-HCVcoreIgM, Anti- HCVNS4 ва Anti-HCVNS5ларнинг у ёки бу турдаги серологик маркерлари аниқланди. Шу билан бир вақтда Anti- HCV NS3ни аниқланиши кам даражада қайд этилди. Бунда ушбу беморларда барча ҳисобга олинадиган жигар синамаларининг кўрсаткичлари меъёрдан юқори бўлди. Сурункали HCV инфекция билан хасталанган беморларда соғлом шахсларга нисбатан солиштирилганда амилазани яққол намоён бўлган меъёрдан ортиши қайд этилди. Шунингдек, қонда липазан яққол намоён бўлган меъёрдан ортиши ўз ўрнига эга бўлди. Шу билан бир вақтда беморларда пепсиноген-1 кўрсаткичлари меъёрнинг куйи чегарасидан паст бўлди. Бунда пепсиноген-2 кўрсаткичлари эса меъёр чегарасида қолди. Сурункали HCV инфекцияси билан хасталанган беморлар қонида ХЦК-8 ва гастрин-17 кўрсаткичлари соғлом шахсларга нисбатан ишончли юқори бўлди ва меъёрнинг юқори чегарасидан ошиб кетди.

Сурункали HCV инфекция билан хасталанган беморларни (4,7-жадвалга қаранг) контрикал ва гепаринни биргаликда қўллаш билан даволашни олиши билан АЛТ ва АСТ кўрсаткичларини пасайишига эга бўлдилар, ammo бу даволашгача бўлган худди шундай кўрсаткичлар билан солиштирилганда ишончли бўлмади, шу билан бир вақтда соғлом шахсларга нисбатан мазкур кўрсаткичлар ишончли юқори, шунингдек референс белгилардан катта бўлди. Бунда умумий билирубин кўрсаткичлари даволашгача бўлган худди шундай натижалардан ишончли паст бўлди, ammo бу кўрсаткичлар соғлом шахслар натижаларидан юқори ва референс белгилардан катта бўлди. Бевосита билирубин кўрсаткичлари даволашгача бўлган худди шундай кўрсаткичлардан аҳамиятсиз паст бўлди, улар ҳам соғлом шахсларнинг кўрсаткичларидан юқори ва референс белгилардан катта бўлди. Даволашгача бўлган кўрсаткичлар билан таққосланганда амилаза ва липаза панкреатик ферментларини яққол намоён бўлган ишончсиз пасайиши



қайд этилди, аммо соғлом одамлардаги худди шундай кўрсаткичларга исбатан солиштирилганда бу кўрсаткичлар шунингдек юқориликча қолди ва референс белгилардан юқори бўлди. Шу билан бир вақтда пепсиноген-1 кўрсаткичлари даволашгача бўлган натижаларга нисбатан солиштирилганда ишончли юқори бўлди ва соғлом шахслардаги худди шу кўрсаткичлардан сезиларли паст бўлди ҳамда референс белгилар чегарасида қолди. Бирок пепсиноген-2 кўрсаткичлари соғлом шахслардан сезиларли сезиларли паст бўлди ва референс белгилар чегарасида қолди. Даволанишдан кейин беморлар қонидаги ХЦК-8 ва гастрин-17 кўрсаткичлари даволашгача бўлган кўрсаткичлардан ишончли паст бўлди, аммо референс белгиларнинг юқори чегарасидан ошди ва соғлом шахсларга нисбатан юқори бўлди.

Олиб борилган тадқиқотлар намойиш этадики, сурункали HBV инфекция билан хасталанган беморларда ҳам, сурункали HCV инфекцияси билан хасталанган беморларда ҳам, олиб борилган даволашда гепаринни контрикал билан бирга қўлланилиши натижасида жигар синамаларининг кўрсаткичлари пасайди, аммо бу кўрсаткичлар HCV билан хасталанган беморларда кўпроқ даражада пасайди. Бу жигарнинг функционал фаоллигини яхшиланганлигини кўрсатади. Худди шу беморлар қонида амилаза ва липазани яққол намоён бўлган, аммо, ишончсиз пасайиши қайд этилди, бу меъда ости безининг функционал фаоллигини пассийишидан ва балки панкреатитнинг яширин шаклини даволаниш самарасидан гувоҳлик беради.

Асосан меъданинг танаси ва тубидаги хужайралар томонидан ишлаб чиқариладиган пепсиноген – 1 кўрсаткичларини, даволанишни қабул қилаётган HBV ва HCV инфекцияси билан хасталанган беморларда кузатиладиган ишончли ортиши меъданинг фермент ажратиб чиқарувчи фаолиятини ортишини кўрсатади. Меъданинг барча бўлимларидаги муцин ишлаб чиқарувчи без хужайралари томонидан ҳосил қилинувчи пепсиноген-2 ни меъёр чегарасидаги мавжуд бўлган кўрсаткичлари, даволашни қабул қилган HBV инфекцияли беморлар ва HCV инфекцияли беморларда ҳам

меъданинг муцин ҳосил қилувчи фаолиятларида ўзгаригшларнинг мавжуд эмаслигини кўрсатади. Шу билан бир вақтда даволанишни қабул қилаётган HBV инфекцияли беморларда ҳам, HCV инфекцияли беморларда ҳам жигар томонидан ушбу пептидни утилизация қилиниши ортишини кўрсатувчи ХЦК-8ни ишончли пасайиши қайд этилади. Меъда томонидан хлорид кислота ажралиб чиқишини ортиши тўғрисида гувоҳлик берувчи гастрин-17ни пасайиши тескари физиологик боғлиқликдан гувоҳлик беради. Бундан ташқари қонда ушбу пептидлар миқдорини пасайиши бу пептидларни жигар синамалари ва қон гидралазлари кўрсаткичларини меъёрлаштиришдаги иштирокида гувоҳлик беради.

#### 4.8-жадвал

**Контрикал ва гепарин билан даволаш таъсири остида вирусли С гепатит билан хасталанган беморларда қонда гидролазлар миқдори, меъда ва меъда ости безининг ўзгаришлари (соғлом инсонлар билан таққосланганда)**

Зардобмаркерлар	Соғломлар	Сурункали HCV инфекция.	
		даволашгача	Даволашдан сўнг
<b>HCVга нисбатан аниқланган антитаначалар</b>			
	%	%	
Anti-HCV total	-	68,9±7,1	
Anti-HCV coreIgG	-	79,2±8,3	
Anti-HCV coreIgM	-	85,4±9,1	
Anti- HCV NS3	-	74,1±7,9	
Anti- HCV NS4	-	87,5±9,4	
Anti- HCV NS5	-	81,3±8,5	
<b>Жигар синамалари</b>			
АЛТ(ммоль/ч*л) Меъёр 0,1-0,68	0,21±0,02	0,89±0,09*	0,63±0,07**
АСТ(ммоль/ч*л) (меъёр 0,1-0,68)	0,36±0,04	1,26±0,13*	0,89±0,09**
Умумий билирубин (мкмоль/л) (меъёр 8,5-20,5)	13,6±1,2	61,5±6,7*	39,4±4,3**
Бевоситабилирубин(мкмоль/л) (меъёр 0-5,0)	2,0±0,1	34,2±4,27*	26,7±3,4
<b>Қон гидролазалари</b>			

Панкреатик амилаза (меъёр 0-60 Е/л)	41,6±5,8	129,7±15,2*	96,4±10,1
Панкреатик липаза (меъёр 0-53 Е/л)	32,5±4,9	94,4±12,6*	72,3±9,8
Пепсиноген-I(мкг/л) (меъёр40–130)	117,4±15,3	19,5±2,3*	28,9±3,1**
Пепсиноген-II(мкг/л) (меъёр 4–22)	12,5±1,5	11,2±1,4	12,8±1,2
Пептидлар			
ХЦК-8 (меъёр 0,5–1 нг/мл)	0,72±0,08	2,86±0,26*	1,92±0,23**
Гастрин-17 (меъёр(наҳорги) < 7 пмоль/л)	5,6±0,45	17,3±1,6*	11,0±1,4**

\* -соғломларнинг кўрсаткичларига нисбатан ишончлилик даражаси.

\*\* -даволашгача бўлган кўрсаткичларга нисбатан ишончлилик даражаси.

Шундай қилиб, сурункали HBV ва HCV инфекцияси билан хасталанган беморларни даволашда контрикални гепарин билан бирга қўлланилиши, меъда ва меъда ости бези инкретор кўрсаткичларини ҳам, жигар синамаси кўрсаткичларини ҳам сезиларли яхшиланишига сабаб бўлади.

Тахмин қилиш мумкинки, меъерда ХЦК-8 кўп даражада жигар томонидан утилизация қилинади, сурункали В ва С гепатитларда эса уни жигар томонидан утилизация қилиниши бузилади ва қонда ХЦК-8нинг концентрацияси ортади. Бунинг натижасида эса юқорида баён этилган механизмларда қайд этилганидек, меъда ости бези секрециясини стимуляцияси ва панкреатитни ривожланиши, бир вақтнинг ўзида эса меъда секрециясини тўхташи ҳамда атрофик гастритни ривожланиши қайд этилади.

Контрикал протеаза ингибиторлари каби жигар томонидан қисқа занжирли пептидларни утилизация қилинишини оширади ва бу рецепторларга протеазалар кўрсатадиган таъсирга қаршилик қилиб, ўз таъсирини жигарнинг PAR -2си орқали амалга оширади, бу 3 бобда ўтказилган жигар томонидан қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишга трипсин PAR -2 фаоллаштирувчиси ва гексапептиднинг PAR -2 махсус фаоллаштирувчисини ўхшаш бўлган таъсири билан тасдиқланади.Бундан ташқари контрикал шунингдек, сурункалигепатитда

жигарда иштирок этадиган яллиғланиш жараёнида протеазаларни ингибирланиши ҳисобига яллиғланишга қарши самарага олиб келиши мумкин.

Шу билан бир вақтда гепарин ўз таъсирини PAR -1 орқали амалга ошириши мумкин, чунки каламушлардаги жигарнинг шикастланиш моделида аниқландики, PAR -1нинг антагонистлари (гепарин) фиброздан ҳимоя қилади. Бунда PAR -1 (тромбин) ни фаоллаштирилиши профибротик таъсир кўрсатади. Яқинда олиб борилган тадқиқотлар кўрсатдики, PAR -1, жигарда яллиғланиш олди агентлари сифатида олдинга чиқиши мумкин [60, б. 526-529]. Шунингдек, тромбин (унинг ингибитори бўлиб гепарин ҳисобланади) таъсири остида каламушларнинг жигар хужайралари культурасида арахидон кислота метаболизмини стимулланиши, бу самараларда PAR -1нинг иштирокини тахмин қилади[172, б. 442-445].

Контрикал ва гепаринни бир вақтда қўлланилиши бир бирини тўлдирувчи ҳолат бўлиб ҳисобланади ва сурункали гепатит натижасида юзага келган сурункали панкреатит ва атрофик гастритни янада самарали даволовчи бўлиб ҳисобланади.

Шундай қилиб, HCV ва HBV сурункали инфекция билан хасталанган беморларда меъда ости беши функционал фаоллигини ортиши ва панкреатитни яшириш шаклини ривожланиши, улар билан бир вақтда меъданинг овқат ҳазм қилиш безларини функционал фаоллигини пасайиши аниқланди, бу атрофик гастритнинг яширин шакли белгилари бўлиб ҳисобланади. Бизлар тахмин қиламизки, ХЦК-8 келтириб ўтилган бузилишларни ривожланишига олиб келишда асосий омил бўлиб ҳисобланади. Сурункали HCV ва HBV инфекция билан хасталанган беморларда контрикал ва гепаринни биргаликда қўлланилиши жигар синамалари ва қон гидролазларини пасайишига олиб келди, ХЦК-8, гастринни пасайишига ва меъданин ҳам, меъда ости безининг ҳам функционал фаоллигини тикланишига сабаб бўлди.

## ХОТИМА

Меъда –ичак тизими фаолиятидаги турли ўзгаришлар жигарнинг сурункали касаллиги билан хасталанган беморларда келтириб ўтилган, улар ўз таркибига меъда – ичак тизимини мотор-эвакуатор фаолиятига ўзгаришларни, овқат ҳазм қилиш безлари секретор фаолиятини бузилишларини, ичаклар ўтказувчанлиги ва абсорбцияни ўз ичига олади. Шу билан бир вақтда улар сурункали панкреатит ва атрофик гастритга олиб келиши мумкин [136,бс. 1-3; 147,б. 14686-14689; 149, б. 178-180].

Бунда ушбу қатор муалифлар ишларида баён этилган бузилишларнинг патогенетик механизмлари тушунарсиизлигича қолмоқда ва етарлича ўрганилмаган. Гарчи шикастланган жигарни метаболизмга олмайдиган ичак пептидларини бу жараёнларда иштирок этишини кўрсатувчи маълумотлар тобора кўп пайдо бўлмоқда [136, б. 1-3; 255, б. 880-883].

Аниқландики, вирусли гепатит ташхис қўйилган беморларда меъда ости безининг зардобли ва панкреатик амилазада иборат бўлган ферментлар даражаси, шунингдек зардобдаги липаза даражаси жигар касаллигини ривожланиши билан ортади [42, б. 3-7].

Кўрсатилдики, жигар циррози билан хасталанган беморларда эркин ва умумий кислоталиликнинг ўртача кўрсаткичлари, шунингдек қон зардобдаги пепсиноген – 1 одатий шароитларга нисбатан паст бўлди. Шунингдек, меъданинг шиллиқ қаватида қон айланиши пасайиши қайд этилди ва гастрин миқдори соғлом беморлар гуруҳига нисбатан сезиларли паст бўлди. Бунда жигар циррози билан хасталанган беморларда зардобдаги гастрин ва соматостатин концентрацияси сезиларли даражада юқори бўлди[232, б. 27-30].

Аниқландики, меъда-ичак трактини бошқаришда иштирок этувчи ичакларнинг бир қнча гормонларини даражаси жигарнинг сурункали касалликларида бузилади, уларни меъда-ичак дисфункциясига қўшган хиссаси ноаниқлигича қолмоқда.Ингичка ичакнинг проксимал бўлими ва ва

меъда томонидан ишлаб чиқарилувчи пептид гормонларини ортиши меъда-ичак йўлининг функционал фаоллигига таъсир кўрсатади [119, б. 2352-2355; 206, б. 742-745], ва жигарнинг сурункали касаллиги билан лғриган беморларда янада долзарб бўлиб ҳисобланади [98, б. 252-255]. Ўрнатилдики, циррозда плазмали холицистокининнинг миқдорини ошганлигини кўрсатди [231, б. 1464-1467; 255, б. 880-883].

Кўрсатилдики, жигар томонидан 10 дан ортиқ аминокислота сақлаган узун занжирли пептидлардан фарқли равишда 10 гача бўлган аминокислота сақлаган гастринли (пентагастрин) ва холицистокининли (ХЦК-8) қисқа занжирли пептид гуруҳларининг 80%гача қисми утилизация қилинади. Мазкур утилизациянинг физиологик аҳамияти ўрганилмаган ва сезиларли кизиқишни ташкил этади [4, б. 20-22; 5, б. 9-11; 9, б. 46; 113, б. 344-346; 114, б. 243-245; 133, б. 1204-1208; 136, б. 1-3].

Бизлар томонимиздан олиб борган тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, периферик венага 5 аминокислота сақлаган (Г-5) пентагастрин қисқа занжирли пептиди киритилганда ҳам, 17 аминокислота сақлаган (Г-17) гастрин узун занжирли пептиди киритилганда ҳам меъда секрециясини ва фермент ажралиб чиқишини сезиларли стимуляцияси қайд этилди. Бунда портал венага Г-5 юборилганда барча ҳисобга олинган кўрсаткичлар ишончли пасайди, шу билан бир вақтда портал венага Г-17 юборилганда ҳисобга олинган кўрсаткичлар аҳамиятли ўзгармади. Ўтказилган тадқиқотда бу каби натижалар периферик венага 8 аминокислота сақлаган (ХЦК-8) қисқа занжирли пептид холецистокинин юборилганда ва 33 аминокислота сақлаган (ХЦК-33) узун занжирли пептид холецистокинин юборилгандан кейин олинди, бунда меъда ости безидан фермент ажралиб чиқиши холецистокининнинг чиқишини юқори стимуляциясига боғликлиги исботланди. Бу маълумотлар каламушлардан олинган жигарни узун занжирли эмас, балки қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишдаги иштироки тўғрисидаги тахминларни тасдиқлайди. Шундай қилиб, тасдиқлаш

мумкинки, жигар меъда ости бези ва меъданинг овқат ҳазм қилиш безларини бошқаришдаги пептидергик механизмларда иштирок этади.

Шунингдек, олинган натижаларда аниқландики, периферик венага трипсинни Г-5 билан биргаликда киритилиши, фақат Г-5 нинг ўзини киритишдаги худди шу каби кўрсаткичларга нисбатан солиштирилганда меъда секрециясини барча ҳисобга олинган кўрсаткичларини ишончсиз ортишин юзага келтирди. Шу билан бир вақтда портал венага трипсинни Г-5 билан биргаликда юборилганда фақат пентагастринни киритиш билан юзага келадиган худди шу каби кўрсаткичларга нисбатан меъданинг фаоллигини барча ҳисобга олинадиган кўрсаткичларини ишончли ортишини чақирди. Шунингдек, периферик венага трипсинни ХЦК-8 билан бирга киритилиши меъда ости безининг секретор фаоллигини аҳамиятсиз ва портал венага киритилганда эса аҳамиятли оширди. Бу натижалар кўрсатадики, каламушларда жигар Г-5 в ХЦК-8 қисқа занжирли пептидларини утилизация қилади. Трипсин жигар томонидан Г-5 в ХЦК-8 қисқа занжирли пептидларини утилизация қилиш қобилятини пасайтиради, бу билан меъда ости бези в меъданинг овқат ҳазм қилиш безлари фаолиятини бошқаришнинг физиологик механизмларида иштирок этади. Тахминан трипсин жигарнинг PAR-2 орқали ушбу механизмларда иштирок этади ва жигар томонидан қисқа занжирли пептидларни утилизация қилинишини пасайишига олиб келади.

Бундан ташқари ўрнатилдики, каламушларнинг периферик венасига контрикал Г-5 билан бирга киритилганда меъданинг секретор фаоллигини сезиларсиз ва портал венага киритилганда эса сезиларли пасайтирди. Периферик венага контрикални ХЦК-8 билан бирга киритилиши шунингдек, меъда ости безининг секретор фаоллигини аҳамиятсиз ва портал венага юборилганда эса аҳамиятли камайтирди. Бу натижалар контрикални жигарни ХЦК-8 қисқа занжирли пептидини утилизация қилиш қобилятини ошириши мумкинлигини кўрсатади. Шунингдек, тақдим этилган маълумотлар, жигарни қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишини

Ўзгаришида контрикални иштирокини тасдиғи бўлиб ҳисобланади. Бу эса меъда безларининг секретор фаолиятини бошқарувчи механизмлардан бири бўлиб ҳисобланади. Контрикал тахминан жигарнинг PAR -2си орқали овқат ҳазм қилиш безлари фаолиятини бошқаришнинг мазкур механизмларида иштирок этади, чунки у протеаза рецепторларининг PAR -2 таъсирига қаршилиқ кўрсатади, улар жигар томонидан қисқа занжирли пептидларни утилизация қилинишини пасайтиришига олиб келади. Трипсин ва контрикални жигар томонидан қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишдаги таъсирини тахминий тасдиғи бўлиб, олиб борилган тадқиқотлар ҳисобланади, унда кўрсатилганки, PAR -2 меъда-ичак тизимининг барча бўлимида жойлашган ва фаоллаштирувчилар, жумладан трипсин таъсири остида сўлак безлари, меъда безлари, меъда ости безлари, ичаклар ва жигарнинг функционал фаоллигини бошқаришда иштирок этади [52, б. 277-280; 1131,б. 7-9].

Каламушлардаги бу тажрибаларда ушбу тахминларни тасдиқлаш учун жигарнинг тахмин қилинаётган PAR-2 фаоллаштирувчиси сифатида трипсин таъсири остида ХЦК-8 ва Г-5 қисқа занжирли пептидларини жигар томонидан утилизация қилинишини қиёсий баҳолаш ўтказилди, шунингдек, гексапептидни Г-5 в ХЦК-8 билан биргаликда қўллашда олиб борилган тадқиқотларда худди трипсиндагидек ўхшаш бўлган самаралар аниқланди. Гексапептидни Г-5 билан бирга периферик венага юборилганда, худди трипсин каби меъда секрециясининг барча ҳисобга олинган кўрсаткичларини ишончсиз ортишини ва фақат Г-5ни киритиш билан юзага келадиган худди шундай кўрсаткичларга нисбатан портал венага юборилганда барча ҳисобга олинган кўрсаткичларни ишончли ортишини чақирди. Периферик венага гекспептидни ХЦК-8 билан бирга юборилганда худди шу каби самаралар шунингдек, трипсин билан ҳам олинди, фақат ХЦК-8 юборилиши билан юзага келадиган кўрсаткичларга нисбатан портал венага киритилганда ушбу кўрсаткичларни ишончилиқ даражаси ортиши ва



меъда секрециясининг барча ҳисобга олинадиган кўрсаткичларини ишончсизлик даражасини ортиши қайд этилади.

Шундай қилиб, натижалар шуни кўрсатадики, гексапептид PAR-2нинг селектив агонисти бўлиб ҳисобланар экан, меъда ости бези ва меъданинг овқат ҳазм қилиш безлари функционал фаоллигини ортиши в Г-5 ҳамда ХЦК-8 ни жигар томонидан утилизация қилиниши пасайишига трипсинни кўрсатадиган худди шундай самарали натижалар PAR-2нинг иштирокидаги бир хилда бўлган механизмларни кўрсатиши мумкин. Буни трипсинни жигарнинг PAR-2си орқали жигар томонидан Г-5 ва ХЦК-8 қисқа занжирли пептидларни утилизация қилишини пасайтиришга таъсир кўрсатишлари бизлар томонидан қилинган тахминлар тасдиқлайди.

